

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор**

**\_\_\_\_\_Ф.С. Агзамов**

**“\_\_\_\_\_” 2016 й.**

**“Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг  
аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси**

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯДА ДАСТУРЛАШ СТРУКТУРАСИ”**

**ФАНИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2016**

Парсиев С.С.

- “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси мудири

**Тузувчиilar:**

Абдурахмонов Р.П.

- “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси доценти, т.ф.н.

Элов Ж.Б.

- “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси катта ўқитувчиси

Акмуродов Б.

- “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси асистенти

Абдуалимов М.

- “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси асистенти

**Тақризчиilar:**

ДЖаббаров Ш.Ю – маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари кафедраси , т.ф.н., доцент

**“К Е Л И Ш И Л Д И”**

**ЎМБ бошлиғи**

\_\_\_\_\_ А.Қ.Эргашев

“ \_\_\_\_\_ ” 2016

---

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. ФАННИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>129</b>
<b>V. ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>151</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>192</b>
<b>VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>198</b>
<b>VIII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>199</b>
<b>IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>202</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ахборот жамиятининг технологик негизини глобал ахборот инфратузилмаси ташкил этади: унинг асосини телекоммуникация тармоқлари ва технологиялари шакллантиради, бу эса мамлакат иқтисодиётини ривожланишида муҳим ўринни эгаллайди. Замонавий ахборот узатиш тизимлари мураккаб телекоммуникация мажмуаси ҳисобланади ва улар билан ишлаш, бошқариш ва улардан тўлиқ фойдаланиш учун мутахассислардан чукур билим талаб қилинади. “Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фани мазмуни бакалавриатура талабаларига керакли назарий, амалий ва малакавий қўникмаларга эга бўлиш, касбий маҳоратларини меҳнат фаолияти даврида ошириш имконини беради ва билимларни соҳанинг ишлаб чиқариш корхоналарида, амалиётда қўллашга йўналтирилган, қўникмалар ва билим беришга асос бўлиб, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини юқори савияда бажарилишини таъминлайди.

Ушбу курс телекоммуникация соҳасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш учун усуллар ва алгоритмларни ўрганиш орқали телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида дастурлаш тамойиллари билан таништиради. Таълим жараёнида курс материалларининг тақдим этилиши иккита мантиқий қисмларни ўз ичига олади: биринчи қисми (курилма даражасида) телекоммуникация қурилмалари ва тизимлари доирасида таъминлаш жараёнларини дастурий воситалари (телекоммуникация тармоғи қурилмалари ва тизим компонентларини дастурий тамойиллари)ни ўрганишни ўз ичига олади; иккинчи қисм тармоқлар билан боғлиқ бўлиб, бунда мижоз-сервер жараёнларни дастурлаш тамойиллари, сокетларни дастурлаш, коммуникация протоколлари ёрдамида сокетлар орасида маълумотлар узатиш имкониятлари баён қилинади; бу қисм шунингдек, илова дастурий интерфейсини ўз ичига олади. Шундай қилиб, “Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” курси телекоммуникация соҳасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича функционал (шу жумладан, обьектга йўналтирилган дастурлашни) ва мантиқий жиҳатлари доирасида материалларни ўрганишни ўз ичига олади.

### Фанинг мақсад ва вазифалари

“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фанинг мақсади телекоммуникация тизимлари ва тармоқларини ўзаро боғланиши ва бир-бири

билин ишлашини имкон берувчи жараёнларини дастурлаш ва алгоритмик таъминлаш асослари бўйича умумий кўникмаларини ҳосил қилиш ҳисобланади.

Фан талабаларда телекоммуникацияларда дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва дастурлашнинг асосий тамойиллари бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш учун мўлжалланган. Ушбу курс сокетларни ва узоқлашган процедураларни чақиришни дастурлаш, реал вақт режимида дастурлаш концепциялари ва стратегияларни, реал вақт тизимлари учун операцион тизимларни ишлаб чиқиш, TCP/IP стекини амалга ошириш поғоналарида дастурлаш тамойилларини қамраб олади. Бу курс телекоммуникациялар инжинииринги мақсадлари ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация соҳасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш учун усуллар ва алгоритмларни ўз ичига олади.

### **Фан бўйича талабаларнинг малакасига қўйиладиган талаблар**

“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- телекоммуникация тармоклари ва тизимларини тузилиш ва ишлаш тамойилларини, коммуникация жараёнлари ва протоколларини ташкил этиш асосларини, поғонали боғланиш архитектураси амалга оширилиш омилларини **билиши керак**;

- телекоммуникацияларда ахборот алмашув жараёнларга оид протоколларни ишлаб чиқиш, дастурий таъминот яратиш, моделлар ва алгоритмларни қўллаш, илова ва сервислар амалга оширилишида функцияларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

- талаба дастурий таъминот ишлаб чиқиш, телекоммуникацияларда дастурий таъминотни лойихалаш (жумладан, архитектуравий лойихалаш) ва амалга ошириш, тармоқли дастурлаш ва дастурий таъминотнинг ташкил этиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **Ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фани ихтисослик фани ҳисобланиб, 5350100 – Телекоммуникация технологиялари йўналишида 5 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш, ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий (олий математика, физика), умумкасбий (ракамли мантикий курилмаларни лойихалаштириш, маълумотлар тузилмаси), ихтисослик (дастурлаш тамойиллари,

микропроцессорлар, телекоммуникация тармоқлари) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишликни талаб этади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларни “Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришида дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари ва уларнинг электрон версиялари, маълумотлар электрон базасидан, виртуал лаборатория ишлари, макетлардан ўқув жараёнида фойдаланилади. Маъруза ва амалиёт дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” курсини лойиҳалаштиришида қуидаги асосий концептуал ёндашувлардан фойдаланилади:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади.

**Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндашув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндашув.** Бу ёндашув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири.

Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини кўллаш** - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўкув жараёнига қўллаш.

**Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллашиш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойихалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитишни ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, колектив ва гурӯҳ.

**Ўқитиш воситалари:** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўкув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўкув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўкув машғулотида ҳам, бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёки ёзма иш варианtlари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. Тарқатма материаллар (слайдлар) тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади.

**“Телекоммуникацияда дастурлаш структураси” фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши:**

Умумий ўқув соати 132

Шу жумладан:

Маъруза	36
Амалиёт машғулотлари	18
Лаборатория машғулотлари	18
Мустақил таълим	60

т/п	Мавзу, бўлим номи	Маъруза	Амалий машғулот	Лаборатория иши	Мустақил иш
1.	<b>1. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.</b> 1.1. Телекоммуникация тармоқлари архитектураси. Коммуникация модели. Богланишлар. Сервислар ва иловалар.	2	2		2
2.	<b>1. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.</b> 1.2. Тармоқнинг поғонали модели: Коммуникация жараёнлари ва протоколларига оид ISO/OSI- RM модели.	2		2	2
3.	<b>1. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.</b> 1.3. Тармоқнинг поғонали модели: TCP/IP модели таърифи. Коммуникация дастурий таъминоти ва протоколлари.	2			4
4.	<b>2. Протоколларни ишлаб чиқиш (протоколлар инженерияси).</b> 2.1. Жараёнлар ва протоколлар. Протокол спецификацияси. Формал тиллар (FSM, SDL) таърифи.	2	2		2
5.	<b>2. Протоколларни ишлаб чиқиш (протоколлар инженерияси).</b> 2.2. Дастурлаш тамойиллари. ДТ яратиш моделлари таърифи.	2		2	4
6.	<b>3. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.</b> 3.1. ДТни лойиҳалаш ва амалга ошириш. Software Communication Architecture (SCA) тамойиллари.	2	2		4

7.	<b>3. Дастурний таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.</b> 3.2. ДТни лойиҳалаш ва амалга ошириш. SCA тамойиллари. Мобил алоқа тармоқлари ва тизимлари ДТ таърифи. Интерфейслар ва протоколлар.	2		2	2
8.	<b>3. Дастурний таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.</b> 3.3. ДТга тизимли талаблар. ДТ спецификацияси. Телекоммуникацияларда ДТ спецификациясига мисоллар.	2	4		4
9.	<b>4. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари.</b> 4.1. Тақсимланган тизимлар архитектураси. Объектга йўналтирилган лойиҳалаш.	2		4	4
10.	<b>5. Тармоқли дастурлаш.</b> 5.1. Коммуникациялар. Сервисларни таъминлаш ва тармоқни ташкил этиш. “Клиент- сервер” дастурлаш модели.	2	4		4
11.	<b>5. Тармоқли дастурлаш.</b> 5.2. Тармоқ тугуни (хост)нинг ташкил этилиши. Хостдан хостга маълумот узатиш. Интернет-илованинг аппарат ва дастурний таъминотининг ташкил этилиши.	2		4	4
12.	<b>6. Сервисли архитектуралар.</b> 6.1. Ресурсларни таъминлаш. Тармоқнинг сервисли архитектураси.	2	2		2
13.	<b>6. Сервисли архитектуралар.</b> 6.2. Маълумот узатиш интерфейси. Илова интерфейси. Интерфейслар консолидацияси.	2		2	2
14.	<b>6. Сервисли архитектуралар.</b> 6.3. Терминаллар ва ўрнатилган тизимлар. Клиентлар ва серверлар. GUI структураси. Коммуникациялар структураси.	2	2		4
15.	<b>6. Сервисли архитектуралар.</b> 6.4. Сервислар учун инженерия усуллари. UML асосида сервислар инженерияси. UML диаграммалар.	2		2	4

16.	<b>7. Сервислар ва иловалар учун хавфсизлик тамойиллари.</b> 7.1. IPнинг умумий хавфсизлик масалалари. Қурилма ва тармоқ хавфсизлиги таъминоти. Sandbox ва Middleware.	2			4
17.	<b>8. Вебга асосланган архитектуралар.</b> 8.1. Сервислар учун анъанавий архитектуралар: ДТни лойиҳалаш.	2			4
18.	<b>8. Вебга асосланган архитектуралар.</b> 8.2. Веб-сервислар ва тақсимланган ҳисоблашларни дастурлаш асослари.	2			4
<b>Жами</b>		<b>36</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>60</b>

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 - маъруза. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

Телекоммуникация тармоқлари архитектураси. Коммуникация модели. Боғланишлар. Сервислар ва иловалар.

### **2 - маъруза. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

Тармоқнинг поғонали модели: Коммуникация жараёнлари ва протоколлари га оид ISO/OSI- RM модели.

### **3 – маъруза. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

Тармоқнинг поғонали модели: TCP/IP модели таърифи. Коммуникация дастурий таъминоти ва протоколлари.

### **4 – маъруза. Протоколларин ишлаб чиқиш (протоколлар инженерияси).**

Жараёнлар ва протоколлар. Протокол спецификацияси. Формал тиллар (FSM, SDL) таърифи.

### **5 - маъруза. Протоколларни ишлаб чиқиш (протоколлар инженерияси).**

Дастурлаш тамойиллари. ДТ яратиш моделлари таърифи.

### **6 - маъруза. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.**

ДТни лойиҳалаш ва амалга ошириш. Software Communication Architecture (SCA) тамойиллари.

### **7 - маъруза. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.**

ДТни лойиҳалаш ва амалга ошириш. SCA тамойиллари. Мобил алоқа тармоқлари ва тизимлари ДТ таърифи. Интерфейслар ва протоколлар.

### **8 - маъруза. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.**

ДТга тизимли талаблар. ДТ спецификацияси. Телекоммуникацияларда ДТ спецификациясига мисоллар.

### **9 - маъруза. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари.**

Тақсимланган тизимлар архитектураси. Объектга йўналтирилган лойиҳалаш.

### **10 - маъруза. Тармоқли дастурлаш.**

Коммуникациялар. Сервисларни таъминлаш ва тармоқни ташкил этиш. “Клиент- сервер” дастурлаш модели.

### **11 - маъруза. Тармоқли дастурлаш.**

Тармоқ тугуни (хост)нинг ташкил этилиши. Хостдан хостга маълумот узатиш. Интернет-илованинг аппарат ва дастурий таъминотининг ташкил этилиши.

### **12 - маъруза. Сервисли архитектуралар.**

Ресурсларни таъминлаш. Тармоқнинг сервисли архитектураси.

### **13 - маъруза. Сервисли архитектуралар.**

Маълумот узатиш интерфейси. Илова интерфейси. Интерфейслар консолидацияси.

### **14 - маъруза. Сервисли архитектуралар.**

Терминаллар ва ўрнатилган тизимлар. Клиентлар ва серверлар. GUI структураси. Коммуникациялар структураси.

### **15 - маъруза. Сервисли архитектуралар.**

Сервислар учун инженерия усуллари. UML асосида сервислар инженерияси. UML диаграммалар.

**16 - маъруза. Сервислар ва иловалар учун хавфсизлик тамойиллари.**

IP-нинг умумий хавфсизлик масалалари. Қурилма ва тармоқ хавфсизлиги таъминоти. Sandbox ва Middleware.

**17 - маъруза. Вебга асосланган архитектуралар.**

Сервислар учун анъанавий архитектуралар: ДТни лойиҳалаш.

**18 - маъруза. Вебга асосланган архитектуралар.**

Веб-сервислар ва тақсимланган ҳисоблашларни дастурлаш асослари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1 - мавзу. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

Маълумот узатиш ва тармоқлаш асослари. Коммуникация тизимларининг дастурий модели.

**2-мавзу. Протоколларни ишлаб чиқиши (протоколлар инженерияси)**

TCP/IP протоколлар стеки ва унинг дастурлашдаги аҳамияти.

**3 - мавзу. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиши жараёни.**

Адреслаш ва унинг дастурлашдаги аҳамияти. IP-адресация, MAC адресация ва порт номерлари.

**4 - мавзу. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари.**

4.1. Телекоммуникацияларда аппарат ва дастурий таъминотни лойиҳалаш тамойилларини ўрганиш

4.2. Телекоммуникация клиент-сервер назарияси асосида алоқа тизимлари дастурларини лойиҳалаш аҳамияти

**5 - мавзу. Тармоқли дастурлаш.**

Сокетлар асосида коммуникация тизимларининг дастурий таъминотини лойиҳалаш (BSD модели).

**6 - мавзу. Сервисли архитектуралар.**

6.1. TCP протоколи ва маълумот узатишни дастурлашни ўрганиш.

6.2. UDP протоколи ва маълумот узатишни дастурлашдаги аҳамияти. UDP сокетлари.

**Лаборатория машғулотларнинг тавсия этиладиган мавзулари**

**1 - мавзу. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

ТДС фанидан дастурлаш воситалари билан танишиш. Уларда ишлаш.

**2 - мавзу. Протоколларни ишлаб чиқиши (протоколлар инженерияси).**

Тармоқлаш ва маълумот узатиш дастурлаш кутубхоналари ва асосий функциялари билан ишлаш.

**3 - мавзу. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиши жараёни.**

Тармоқда адресациялашни дастурлаш

**4 - мавзу. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари.**

4.1. Телекоммуникацияларда аппарат ва дастурий таъминотни лойиҳалаш тамойиллари

4.2. Телекоммуникация клиент-сервер назарияси асосида алоқа тизимлари дастурларини лойихалаш ва яратиш

**5 - мавзу. Тармоқли дастурлаш.**

Сокетлар асосида маълумот узатишни дастурлаш.

**6 - мавзу. Сервисли архитектуралар.**

6.1. TCP сокетлари асосида маълумот узатишни дастурлаш.

6.2. UDP сокетлари асосида маълумот узатишни дастурлаш.

Телекоммуникацияда сокетлар асосида клиент дастурини яратиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>Балл</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Талабаларнинг билим даражаси</b>
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда кўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда кўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик.

## **II. ФАННИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни тахлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** UDP протоколининг вазифалари ва ахамияти

S	UDP протоколининг вазифалари ва ахамияти	видео алоқаларни ташкил этиш, катта хажмли оқимларни бошқариш
W	UDP протоколининг вазифалари ва ахамияти	Маълумот ишончлиги йўқ, маълумотлар узилиши кузатилади.
O	UDP протоколининг вазифалари ва ахамияти	Узоқ масафаларга маълумот жўнатиш имконияти
T	Тўсиқлар (ташқи)	Жўнатилган пакетларнинг етиб боришини назорат қилмаслик

### **“Ақлий ҳужум” методи**

**“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида**  
муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни

генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафакурлашни ривожлантириш гарови хисобланади. “Ақлий ҳужум” ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастреб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум қилиши ва баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқариш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиши асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштироки бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб, муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуидагича белгилаш мумкин:

\*олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;

\*иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;

\*исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилади;

\*муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб қувватланади;

\*барча ғоялар ёки уларнинг мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;

\*”ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;

\*бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

**Вазифаси.** “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва teng доирада тафакурлашга имкон беради.

Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш мұхитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гурух (аудитория) янада жипслашади.

**Объекти.** Құллаш мақсадига күра универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантирилади (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради), асқотади.

**Күлланиш усули.** “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай муроҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар ташкил қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, мұхимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

### “Ажурли appa” методи

“Ажурли appa” методи тузилиш жиҳатдан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади.

**1. Топшириқни бўлиш.** Топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) киритилади.

**2. Эксперт гуруҳлар.** Кўлида бир мавзуга оид ўқув топшириклари мавжуд бўлган талаблар мавзуни мұхокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

**3. Бирламчи гуруҳлар.** Тингловчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганғанларини ўқитишади.

“Ажурли appa” методи моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндошилганда тингловчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичиде катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон яратилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун тингловчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурияти туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича тингловчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир тингловчи 2 гурӯҳ таркибида иштирок этади: дастлаб ”ўз уйи” (бирламчи) гурӯҳига, кейин эса “эксперт гурӯҳига бирлашиб, ўкув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гурӯҳини тезда ташкил этиш учун тингловчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирон-бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гурӯҳда 3 тадан 5 тагача ўқувчи (ўқувчиларнинг сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир тингловчи “ўз уйи”дагиларни қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи тингловчиларни “рангли” топшириклар асосида гурӯхга бирлаштиришни таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни аудитория хонаси охирида, “кўқ”ларни эса йўлакчада учрашиш белгиланади. Ҳар бир эксперт гурӯҳда 3 тадан кам тингловчи бўлмаслиги керак.

7. Гурӯхларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гурӯҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим, ўкув материаллари тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича “эксперт” бўлиши учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Тингловчиларга қўйидаги топшириклар берилади:

-пакетдаги материалларни қунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;

-бир-бирингиздан сўранг ва ўкув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;

-ўз “уйингиз” гурӯҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалларнинг муҳим ўкув элементларига эътиборни қаратинг:

9. Тингловчиларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар ким ўз “уи”-гурӯҳига ахборот беради. Шаксиз, “уи” гурӯҳида эксперт гурӯхларидан биттадан тингловчи бўлиши шарт, тингловчи ўрганиб келган

материалларни ўз гурухи тингловчилариға ўргатиши жавобгарлигини бўйнига олиб, яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Тингловчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирилган фаолият турини ўтказиши мумкин.

**“БЛИЦ ЎЙИН”** методи - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишига қаратилган. Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган қофозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфир бўла олишга ёрдам беради.

**“БУМЕРАНГ”** техникаси – тингловчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдан сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча тингловчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқли шакллантиришга, имконият яратади; хотирани, гояларни, фикрларни, даллилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш қўникмаларини ривожлантиради .

**“СИНКВЕЙН”** методи – таълим олувчиларни ахборотларни қисқа баён этишга ўргатади, ҳамда олинган маълумотлар устида чуқур иланишга чорлайди.

**“ҚОРА ҚУТИ”** методи – тингловчилар бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, муаммолар сабаби йўл-йўлакай аниқланади.

**“ЛОЙИХА”** методи – таълим олувчиларнинг инвидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йифиши, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёnlарида иштирок этадилар.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1- Маъруза. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели.**

**Режа:**

1. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели
2. Телекоммуникация тармоқлари архитектураси.
3. Коммуникация модели. Боғланишлар
4. Сервислар ва иловалар.

**Калим сўзлар:** телекоммуникация тармоғи, телекоммуникация, поғона, архитектура, алоқа тармоғи, алоқа линияси, алоқа пунктлари, алоқа каналлари, тармоқ станциялари, алоқа узеллари, бошқарши тизими

Телекоммуникация (ТК) тармоғи – ягона бошқарувли охирги курилмалар, коммутация марказлари ва уларни боғловчи алоқа линиялари ва каналларининг мажмуасидир.

Комьютер, телефон, телевизион, радио тармоқларининг ўртасида сақланиб қолаётган фарқларга қарамай уларнинг таркибий тузилишида кўпгина ўхшашликларни топиш мумкин. Умумий ҳолда телекоммуникация тармоғи қуидагилардан таркиб топади:

-фойдаланувчиларнинг терминал қурилмалари (улар тармоққа бирлаштирилган бўлиши мумкин);

-кириш тармоғи;

-магистраль тармоқ;

-ахборот марказлари ёки хизмат кўрсатишни бошқариш марказлари (Services Control Point, SCP).

Ахборот – бу сақлаш, узатиш, ўзгартириш обьекти бўлган маълумотлардир.

Хабар – ахборотни узоққа узатиш учун қулай ифодалаш (тақдим этиш) шаклидир. Хабарнинг ҳажми кўрсатилган барча ахборот билан аниқланади ва гап телефон хабарлари ёки эшитириш дастурлари хақида кетганида кўпинча белгилар (харфлар ёки ракамлар) сони ёки уни узатиш вақти билан баҳоланади. Телекоммуникация соҳасига нисбатан хабар – бу электромагнит сигналлари ёрдамида электр алоқавоситасида узатиладиган ахборотдир.

Ахборот параметрларининг ўзгаришига қараб узлуксиз ва дискрет хабарларни фарқлайдилар

Узатиладиган хабарларни ифодаловчи физик жараёнларни сигнал деб аталади.

Сигналларни, белгиларни, матнларни, тасвирларни, товушларни симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлар бўйича узатиш ёки қабул қилиш электр алоқа деб аталади.

Электр алоқани таснифлаш турлича амалга оширилади ва у асосан узатиладиган ахборотнинг тури, электр сигналларнинг тарқалиш муҳити ва ахборот тақсимоти усуллари (коммутацияланадиган ва коммутацияланмайдиган ахборотларни узатиш тармоқларининг тури) билан белгиланади.

Маълумотларни узатиш хизмати – дискрет хабарларни рақамли маълумотлар кўринишида узатишни таъминлайдиган алоқа тури.

Телефон алоқаси телефон аппаратидан фойдаланган ҳолда товуш кўринишидаги хабарлар (сўзлашув)ни узатиш йўли билан ахборот алмашиб учун мўлжалланган алоқа тури.


Тармоқ станциялари – иккиламчи тармоқлар учун намунавий физик занжирлар, намунавий узатиш каналлари ва тармоқ трактларини хосил қилишни ва тақдим этишни, шунингдек уларнинг транзитини таъминлайди.

Узелларни бажарадиган вазифаларига қараб икки турга ажратиш мумкин:


- тармоқ узеллари (ТУ) - тармоқ трактлари, намунавий узатиш каналлари ва намунавий физик занжирларни ташкил қилишни ва қайта тақсимланишини, шунингдек уларни иккиламчи тармоқларга ва фойдаланувчиларга тақдим этишни таъминлайди;

- коммутация узеллари (КУ) – каналларни, пакетларни ёки хабарларни тақсимлаш ва қайта улашга хизмат қиласди.

Бошқариш тизими – электралоқа тармоғини нормал ишлашини ва ривожланишини хамда фойдаланувчилар билан ўзаро муносабатларни таъминлайди.



**1.1-расм. Аньавий тармоқ структураси**



**1.2-расм. Телекоммуникация тармоғи**

Хозирги пайтда ҳар бир инсон электралоқанинг у ёки бу хизматларидан фойдаланади: радио эшитади, телевизион эшиттиришлар кўради, телефонда гаплашади, факс узатади ва қабул қиласди ва хакозо. Исталган холда электралоқа хизмати хабарни масофага узатишни бажаради. Хабарларни жўнатувчилар (манбалар) ва олувчилар (истеъмолчилар) одамлар ёки одамлар хизмат кўрсатадиган қурилмалар, масалан ЭҲМ бўлиши мумкин. Ҳар бир хабарни узатиш учун электралоқа воситалари ёки электралоқа тизимини ташкил этувчи, маълум техник қурилмалар тўплами бўлиши зарурдир.

Алоқа тармоғи – бу хизмат кўрсатиш параметрлари асосида жўнатувчидан қабул қилиб олувчига ахборотларни узатиш учун мўлжалланган алоқа линиялари ва оралиқ қурилмалар/оралиқ тугун, терминал/охирги тугунлар мажмуи.

Алоқа линияси – белгиланган стандарт кўрсаткичларига (частота кенглиги, узатиш тезлиги ва бошқалар) эга ихтисолаштирилган каналларни шакллантирувчи қурилма ва сигнал тарқатадиган физик воситалар йиғиндиси.

Электралоқа тармоғи таркибиға қуйидагилар киради:

- фойдаланувчилар;
- алоқа пунктлари;
- алоқа каналлари;
- тармоқ станциялари;
- алоқа узеллари;
- бошқариш тизими.

Фойдаланувчилар (абонентлар, мижозлар), улар хабарлар оқимини яратишида ва қабул қилишида, ҳамда одатда, ахборотни етказиш ва қайта ишлаш бўйича, алоқа турини (телефон, маълумотлар узатиш, телерадио эшиттириш ва хакозо) танлаш бўйича ва белгиланган сифатга риоя қилган холда, турли хизматларни (хизмат турларини) олиш бўйича талабларни белгилайди.

Алоқа пунктларини иккита қисмга ажратиш мумкин:

а) абонент пунктлари (АП), улар электралоқа тармоғига ахборотларни киритиш ва чиқариш (айрим холларда сақлаш ва қайта ишлаш) аппаратурасидан иборат бўлади. АП абонентларнинг доимо фойдаланишида бўлади;

б) ахборот хизмат кўрсатиш пункти (АХкП) – бу сўровнома хизматлари, турли хисоблаш марказлари, маълумотлар банки, кутубхоналар ва бошқа жамоа бўлиб фойдаланувчи марказлардир. Улар ахборот таъминоти билан боғлиқ ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, чиқариш ва бошқа хизматлардан фойдаланувчиларга тақдим этишни таъминлайди.

Алоқа каналлари – алоқа линияларига бирлашган бўлиб, улар тармоқ алоҳида пунктлари орасида хабарларни узатишни таъминлайди.

### **Телекоммуникация тармоғи класификацияси**

Телекоммуникация тармоғи бир нечат параметрлар бўйича тоифаланиши мумкин.

- Тармоқ хажми бўйича:

- Локал тармоқлар (*Local Area Network, LAN*) – тармоқ биноси ёки ташкилот;
- Ҳудудий тармоқ (*Metropolitan Area Network, MAN*) – шахар ва миллий даражадаги тармоқ;
- Глобал тармоқ (*Wide Area Network, WAN*) – ўн минглаб ва юз минглаб компьютерларни ўз ичига олган ва катта худудларни қамраб олган тармоқ;

- Коммутация тури бўйича:

- Пакетли коммутацияли тармоқ (масалан, TCP/IP, IPX/SPX, ATM, 3G мобил алоқа тармоғи);
- Канали коммутацияли тармоқ (1G ва 2G мобил алоқа тармоғи, УфТТ);
- АРАЛАШ тармоқ (масалан, 2,5G мобил алоқа тармоғи);

- Виртуал каналларни ўрнатиш бўйича:

- Виртуал каналларни ўрнатишли (масалан, X.25, Frame Relay, ATM тармоғи УфТТ);
- Виртуал канал ўрнатишсиз боғланиш (масалан, TCP/IP, IPX/SPX);
- Протокол стекидан фойдаланиш бўйича;

- Стек протоколларидан фойдаланиш сони бўйича:

- Кўпротоколли тармоқ;
- Мултипротоколли тармоқ (масалан, IP over ATM, IP over SDH/SONET)


- Хизмат кўрсатиш бўйича:

- Кўп хизматли тармоқ (маълумотларни узатиш, овозни узатиш);

- Мултисервисли тармоқлар;
  - Узатиладиган ахборот тури бўйича:
    - Маълумотларни узатиш тармоғи;
    - Овозни узатиш тармоғи;
    - Видеони узатиш тармоғи;
  - Мавжуд сигнализация бўйича:
    - Ажратилган сигнализацияли тармоқлар (SS7);
    - Сигнализация ажратилмаган тармоқлар(TCP/IP);
  - Тармоқ топологияси бўйича:
    - Шина топологияли тармоқлар;
    - ҳалқа топологияли тармоқлар;
    - Юлдизсимон топологияли тармоқлар;
    - Аралаш топологияли тармоқлар
  - Узатиш воситаси бўйича:
    - Симли тармоқлар:
- А) мис сим бўйича амалга ошириладиган тармоқлар;
- Б) Опти ктола бўйича амалга ошириладиган тармоқлар;
- симсиз тармоқлар.

### **Хизматлар ва иловалар**

Телекоммуникация хизматлари бу тармоқ бизга тақдим этадиган функциялари (мобил телефон, телефон алоқаси) бўлади. Илова – аосий хизматларни юқори даражада таъминлайди (мобил телефонга ўрнатилган ва юкланган бўлиши мумкин). Бугунги кунда тармоқлар кўплаб иловалар учун очиқ ҳисобланилади. Хизматлар ва иловалар телекоммуникация дастурий таъминотининг асосий қисми ҳисобланади. Бу бўлимда биз айрим илова ва хизматлардаги масалаларни қўриб чиқамиз.




1.3-расм. Хизматлар



1.4 - расм. Биз фойдаланадиган хизматлар

Расмда тақдим этиладиган айрим хизматлар классификацияси келтирилген: мулоқатли хизматлар, интерактив хизматлар, маълумот оқимларини узатиш. Бундан ташқари тармоқ инсонларни боғлаш вазифасини ҳам бажаради: кўплаб қурилма ва механизмларни боғлайди. Бунинг учун тармоқ турли хизматларни ишлаб чиқади.

Хизматларни ким тақдим этади? Расмда кўрсатилгандек анъанавий телефон тармоқларида хизматларни деярли тармоқ операторлари кўрсатади. Бугунги кунда асосий хизматларни тармоқ операторлари билан қаторда интернет провайдерлари кўрсатяпти.



1.5- расм. Келажақда хизматларни тақдим этиш кўриниши?

Келажакда хизматлардан ким фойдаланади? Коммуникация тармоқларида бундай хизматларни қўллаб қувватлашдан қандай тушунчалардан фойдаланилади? 1 – расмда кўрсатилгандек бугунги кунда телекоммуникация хизматларидан асосан инсонлар фойдаланади. Келажакда тармоқ хизматларидан турли хил қўплаб машина, қурилма, электрон маъший техника, датчик ва агентлар фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда тармоқда хизматларни жорий қилиш учун қўп учрайдиган тушунча бу мижоз-сервер хизмати ҳисобланилади. Келажакда дастурий таъминотни юклаш ва янгилаш, фойдаланувчи агентлари, тармоқ ва ресурсларни тезкор ташкил қилиш тушунчалар пайдо бўлиши мумкин. Илова энг муҳим ахборот манбаига айланиши мумкин.

Хулоса сифатида келажакда телекоммуникация ишланмалари соҳаси иккита асосий қисмдан иборат бўлиши мумкин:

- Ўрнатилган тизимли тармоқ;
- Тармоқ таянчидаги хизмат кўрсатиш архитектураси.

## **Назорат саволлар**

1. Телекоммуникация термини нимани англатади?
2. Электралоқа тизими классификацияси
3. Маълумотлар узатиш электралоқа тизимининг вазифаси
4. Овозли эшиттириш электралоқа тизимининг вазифаси
5. Алоқа тармоғи нима?
6. Телекоммуникация тармоғи нима?
7. Телекоммуникация тармоғи таркибига нималар киради?
8. Ахборотлаштириш марказининг вазифаси

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Behrouz A. Forouzen. “Data communication and networking”, Mc Graw-Hill Springer, New York 2010.
2. Stephan Rupp, Gerd Siegmund, Telecommunication Software Engineering - Lecture Notes. Edition: V 0.2,20/ <http://www.srupp.de>
3. G.J. Holzmann, Design and validation of computer protocols, Chapter 8-11, Prentice-Hall, 1991, ISBN 0-13-539925-4, <http://www.spinroot.com/spin/Doc/Book91.html>
4. Stallings, William. Data and Computer Communications, 8th ed. Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall, 2010.

## **Интернет сайтлари**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>

## **2- Маъруза. Телекоммуникация тармоғининг поғонали модели**

**Режа:**

- 1.** Тармоқнинг поғонали модели;
- 2.** Коммуникация жараёнлари ва протоколларига оид ISO/IP-RM модели

***Калим сўзлар:*** ISO - International Standards Organization, OSI - Open Systems Interconnection, очиқ тизимлар, протокол модели,

ISO - International Standards Organization – Халқаро стандартлар ташкилоти

OSI - Open Systems Interconnection – Очиқ тизимларнинг ўзаро мулоқоти

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) жаҳоннинг кўп мамлакатларида ахборот тармоқ ва компьютер тизимларини ташкил қилиш тажрибасини тахлил қилиб, хисоблаш тармоқларини ташкил қилиш концепциясини ишлаб чиқди ва уни *очиқ тизимлар архитектураси* деб номлади.

Бу коцепцияга мувофиқ очиқ тизимлар ўзаро боғланиши эталон моделини (Open System Interconnection model, OSI) ишлаб чиқилди ва 1983 йилда тасдиқланди.

Мазкур модель бундай тизим ва тармоқларни ишлаб чиқишни аникловчи ва тартибга соловчи халқаро стандартларни киритишга имконият беради.

OSI моделида 7 поғона ажратилган

**Протокол модели** ахборотни узатиш ва ишлов бериш асосий жараёнларни амалга оширишда объект ва мантиқий модуллар ўзаро таъсир поғонасида тармоқ иши қоидаларини тасвирлаб беради.

Бу моделда ўзаро таъсирнинг хамма қоидалари (протоколлари) функционал маъносига кўра алоҳида гурухларга - **протокол блокларга** бирлашади.

Протокол блоклар иерархик тартибда жойлашган ва улардан хар бири баъзи поғонадаги объектлар ўзаро таъсир протоколлар рўйхатидир.

# OSI-mode layer

7. Application - **Амалий поғона**

6. Presentation - **Тақдимот поғона**

5. Session - **Сеанс поғона**

4. Transport - **Транспорт поғона**

3. Network - **Тармоқ поғона**

2. Data Link - **Канал поғона**

1. Physical - **Физик поғона**

2.1-расм Оси модели

## **Еттинчи поғонаси - АМАЛИЙ поғона**

OSI моделининг юқори еттинчи поғонаси қўлланиш поғонаси бўлиб, унда фойдаланувчилар терминал тизимларида ва улар ўзаро хамкорлик қиласидиган тармоқни охирги тизимларида бажариладиган қўлланиш жараёнлар ўзаро хамкорлиги бошқаруви амалга оширилади.

Шунга мувофиқ еттинчи поғона объектларни ўзаро хамкорлик протоколи қўлланиш протоколи дейилади.

## **Олтинчи поғона - ТАҚДИМОТ поғонаси**

Тақдимот поғонаси, еттинчи поғонадан келган маълумотлар мазкур тармоқда хар қандай маълумот тақдим этиладиган кўринишга айлантирилади. Бу орқали тармоқ охирги тизимлари сифатида компьютернинг хар хил турларини қўллашни чекламайди. Бу ерда маълумотларни сиқиши, уларни шифрлаш амалга оширилади.

## **Бешинчи поғона - СЕАНС поғона**

Сеанс поғона, фойдаланувчиларни узоклашган жараёнлари ўртасида алоқа сеансини очиш учун мўлжалланган. У шартли адресларни, яъни ахборотни киритиш/чиқариш нуқталари рақами, ёки охирги тизимларни ўзаро боғланган портларини аниқлаш билан шуғулланади

## **Тўртинчи поғона ТРАНСПОРТ поғонаси**

**Транспорт поғонаси.** Унинг протоколи транспорт протоколи деб номланади. У юборувчидан қабул қилувчига маълумотлар траспортировкасини таъминлаб беради ва тармоқ бўйича маълумотнинг транспортировка услубини аниқлаб беради.

Юқори поғонадан келадиган маълумотни тақсимлаб манзил ва хизмат ахборотли сарлавха бериш ва пакет кўринишида тармоққа узатиш мазкур поғона учун хосдир. Бу поғонада охиригина фойдаланувчига пакетларнинг тўғри бориш тартибини назорат қилинади.

**Учинчи поғона – тармоқ поғонада** бажариладиган тармоқ протоколи маълумот пакетлари маршрутини танлашни таъминлаб беради

**Иккинчи поғона** - канал поғона, тармоқ поғонасида танланган маршрутда қўшни пунктлар билан физикавий уланиш сўровини таъминлаб беради ва пакетларни узатишдаги зарур кетма-кетликни ташкил қиласди. Бунда, улар гурухга бирлашиши мумкин ва кадр деб номланувчи тузилмани ташкил қилишади. Кадр хатто ўз ичига битта пакетни киритса ҳам маҳсус сарлавха ва чегараловчи рамкалар билан таъминланади. Шу ердаёқ тугунда пакетларни тўғри қабул қилинганлиги назорат қилинади ва хато топилганда пакетни қайта узатишга сўровнома жўнатилиди.

**Биринчи, физикавий поғонада** узатиш мухити билан интерфейс амалга оширилади ва алоқа линияси бўйича кадрларни битма-бит узатилиши

## **Тармоқ тапологияси**

Шина. Битта кабел орқали барча қурулмалар боғланади. Топология охирида сигналларни ифодоловчи терминалорлар жойлашади. Хабарлар битта машина орқали хаммага жўнатади ва фақат у кимга мўлжалланган бўлса ўша уни қайта ишлайди. Бундай тармоқ жуда арzon ва созлаш осон ҳисобланади. Камчилиги умумий кабел ва терминалор тизимидан чиқишида иш рад этилади. Шунингдек тармоқ шикастланган жойини топиш қийин

“Шина” топологияси (ёки, яна бир номи “уммий шина”) ўзининг тузилиши бўйича компьютерларнинг тармоқли асбоб – ускуналарининг бир хиллиги, шунингдек ҳамма абонентларнинг teng ҳуқуқлиги билан фарқ

қиласи. Бундай уланишда компьютерлар ахборотни фақат навбат бўйича узатиши мумкин чунки алоқа линияси бир дона бўлади. Акс ҳолда устма уст (конфликта, коллизи) тушиши натижасида узатиладиган ахборот бузилади.

Кўп ҳолатларда, шинадан фойдаланаётганда бошқа топологияларга нисбатан уланадиган кабелни энг кам микдори талаб қилинади. Тўғри шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир компьютерга (иккита четтагилардан ташқари) иккита кабел келади, бу эса ҳар доим қулай бўлавермайди.

Айрим компьютерларнинг ишдан чиқиб қолиши шинага зарар қилмайди, чунки тармоқдаги ҳамма қолган компьютерлар алмашувни нормал давом этиши мумкин.

Юлдуз (star), бунда битта марказий компьютерга четда қолган компьютерлар уланади, шу билан бирга ҳар бири ўзининг алоҳида алоқа линияларидан фойдаланади

“Юлдуз” туридаги барча топологияларнинг умумий камчилиги бошқа топологияларга қараганда жуда катта кабел сарифланиши. Масалан, Агар бир чизикда жойланган компьютерларни бирлаштириш мақсадида, “юлдуз” топологияси танланса, у ҳолда “Шина” топологиясига қараганда бир неча мартта кўп кабел талаб қилинади. Бу бутун тармоқнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

«Халқа» топологияси ҳар бир пунктга фақат иккита линиялар бирлаштирилган тармоқни тавсифлайди. Халқа топологияси оптик кабель ёрдамида локал компьютер тармоқлар, транспорт тармоқлар ва аабонент кириш тармоқларида кенг қўлланилади.

Халқа топологиясида қурулма ўз қўшнисига иккита восита орқали уланади. Маълумотлар пакети тўқнаш келмаслиги учун қурулмадан қурулмаган бир йўналишда узатилади. Ҳар бир қурулма маълумотлар узатиш учун ўз навбатини кутади. Тизимдаги барча қурулмалардан исталган бирининг рад этилиши чиқишида муаммолар келтириб чиқаради ва шикастланган жойни топиш қийин

“Халқа” – бу топологияда алоқа линиялари орқали ҳар бир компьютер фақат иккита бошқалари билан боғланади: Факат у биридан ахборот олади, иккинчисига эса – фақат узатади. Ҳар бир алоқа линиясида, юлдуз ҳолатига ўхшаб, фақат битта (передатчик) узатувчи ва битта (приёмник) қабул қилувчи ишлайди. Бу нарса ташқи терминалларни қўллашдан озод қиласи. Халқани камчиликларидан (юлдузга таққосланганида) шуни ҳисоблаш керакки, тармоқдаги ҳар бир компьютерга иккита кабел олиб келиниши керак. Икки қават халқа оралиқ пунктлар ўртасида физиковий уланишни

жуфтликлари билан ташкил қилинади, бунда ахборот оқими икки йўналишда йўналтирилади, улардан бири асосий, бошқаси эса –захира бўлади.

*Уяли топология* Унда хар бир пункт энг яқин пунктларни кичик сони билан бевосита алоқага эга. Чўққиларнинг сони кўп бўлганда қирралар сони  $R \approx r n/2$  га teng, бу ерда  $r$  хар бир чўққига мос қирралар сони. Уяли сегментлар тўлиқ алоқали сегментга нисбатан қирраларнинг сони кам бўлганда хам юқори ишончлиликка эга.

Тўлиқ алоқали ва уяли топологияларни фақат ахамиятли юкламали сегменларда ишлатиш мақсадга мувофиқ, чунки уларни оширишдаги чиқим юқоридир.

*Тўлиқ алоқали топологияда* «хар бир хар бири билан» тамойилига асосланиб, пунктлар ўртасида физиковий ва мантиқий уланиш таъминланади (1.4-расм).  $n$  чўққиларга эга тўлиқ алоқали граф  $R+n(n-1)/2$  қирралардан ташкил топган, бу эса тармоқнинг нархини оширади. Хар бир жуфт пунктлар ўртасидаги мустақил йўллар сони  $h+n-1$  га teng, шунинг учун мантиқий қатламда айланма йўлларнинг кўпроқ сони мавжуд, бу эса алоқани, айниқса, айланма йўналишларда сигналлар тарқалишини алтернатив мухитларини ишлатишда(масалан, оптик тола, радиореле линияларда) алоқани максимал ишончлилигини беради. Бу топология худудли тармоқлар сегментлари учун хосдир.

*Дараҳтсимон топология* турли вариантларга эга. Дараҳтсимон топология тармоқ сегментининг хусусияти  $n$  пунктлар боғлиқлиги физиковий даражада қирралар минимал сони  $R+n-1$  да эришилади, бу эса тармоқни юқори тежамкорлигини таъминлаб беради. Мантиқий қатламда бундай сегментларда хар бир жуфт пунктлар ўртасида ахборот узатиш йўллари сони хар доим  $h+1$  teng. Ишончлилик нуқтаи назардан, бу жуда паст кўрсаткич. Бундай тармоқларда ишончлиликни ошириш захира алоқаларни киритиш(масалан, 1+1 турдаги химоя) йўли билан амалга оширилади. Дараҳтсимон топология локал компьютер тармоқлари, қишлоқ худудлари телефон тармоқлари, абонент кириш тармоқларида қўлланилади.

*«Нуқта-нуқта» турдаги икки пунктли топология*-энг содда ва икки пунктни бевосита физиковий ва мантиқий боғловчи тармоқ сегментини ўз ичига киритган. Бундай сегментнинг ишончлилигини, 1+1 турдаги химоя деб номланувчи 100% захирани таъминлаб берувчи захира алоқани киритиш йўли билан ошириш мумкин. Асосий алоқа ишдан чиқиши билан тармоқ захира алоқага автоматик равишда ўтади. Соддалигига қарамасдан, айнан шу базавий топология юқори тезликли магистрал каналлардан ахборотнинг

кatta оқимларини узатишда кенг қўлланилади. У радиал-халқа топологиянинг таркибий қисми(радиус) сифатида хам қўлланилади. 1+1 турдаги захиралашли икки пунктли топология халқа топологиясининг турдош варианти сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

### **Назорат саволари.**

1. Очик тизимлар ўзаро боғланиш эталон моделини ?
2. Протокол моделини тушунтиринг?
3. OSI моделини тушунтиринг?
4. Тармоқ тапологияси

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы технологии. Протоколы // Учебник для вузов. 4-е изд. СПб.: Питер, 2010.
2. Tanenbaum, Andrew S. Computer Networks, 5th ed. Upper Saddic River, NJ: Prentice Hall, 2011.
3. Kurose, James F., and Ross, Keith W. Computer Networking, 6th ed. Reading, MA: Addison-Wesley, 2012.
4. Jennings, D. M., Lancaster, L. M., Fuchs, I. H., Farber, D. H., and Arison, W. R “Computer Networking for Scientists and Engineers,” Science, vol. 231.
5. David Reilly, Michael Reilly, Java Network Programming and Distributed Computing, Addison-Wesley (ISBN: 0-201-71037-4).

### **Интернет сайtlари**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>
3. <http://www.ziyonet.uz>

### 3 - Маъруза. Тармоқнинг поғонали модели.

#### Режа

1. TCP/IP модели таърифи.
2. Коммуникация дастурий таъминоти ва протоколлари.


*Калим сўзлар: TCP, IP, TCP/IP, TCP/IP протоколлари, дастурий таъминоти, протоколлари*

#### TCP/IP модели таърифи.

Интернет тармоғининг самарали ишлаши учун мавжуд ахборотни қандай қилиб пакетлар ҳолатида узатиш ва етказилган ахборотни қайта тиклаш ҳамда бўлакланган пакетларни фойдаланувчига қандай етказиш кераклиги муаммосини ҳал килиш лозим былади.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун **TCP** (Transmission Control Protocol — узатиши бошқариш протоколи) ва **IP** (Internet Protocol — Интернет протокол) баённомалари яратилди. Бу баённомалар Интернет тузилмасини аниқловчи асосий баённомалар бўлиб хизмат қиласади(1983-йилда яратилди).

Одатда, улар қия чизиқ (/) билан ажратилиб, **TCP/IP** кўринишида ёзилади. Аммо уларни ёзиш пайтида бу баённомалар компьютер тармоқда маълумотларни узатишнинг турли хил йўнаналишларини билдирувчи иккита турлича баённома эканлигини унутмаслик керак.



3.1-расм. TCP/IP протоколининг 4 поғонаси.


TCP/IP протоколлари түрт пағонали тузилиши эга: Погона Тавсиф Протоколлар Амалий TCP/IP нинг амалий протоколларини ва тармоқда зарур бўлган транспорт погонасидаги хизматлар билан ишловчи дастур интерфейсини таъминлайди. HTTP, Telnet, FTP, TFTP, SNMP, DNS, SMTP, X Windows, ва бошқалар. Транспорт Компьютерлар орасидаги сеанс боғланишлани таъминлайди. Маълумот узатишда фойдаланиладиган хизматлар ва боғланиш холати даражасини аниқлайди. TCP, UDP Интернет Маълумотларни IP - датаграммага жойлаштиради. IP - датаграмма маршрутизацийасини бажаради. IP, ICMP, ARP, RARP Тармоқ интерфейси Оптик толали, коаксиал кабелли узатиш воситаларида маълумотлар битларини электр ёки аппарат қурилмаларида сигнallарга ўзгартиради. Тармоқдаги маълумотларни физик узатиш принсиплари ва воситаларини белгилайди. Ethernet, Token ping, FDDI, X.25, Frame relay, PC-232, в.35

### **Ажратилган сервер ва Протокол**

Хар хил компьютерлар ва турли дастурлар тармоқ алоқаси жараёнида бир- бирларини тушуниш учун маҳсус техник қоидалар қўлланилади. Тармоқ соҳасида бундай қоидалар тўплами протокол (баённома) деб аталади. Хозирги қунда енг қўп қўлланилаётган протокол – TCP/IP дир. Бу протокол функцийасини оддий почта хизматига ўхшатса бўлади. Агар сиз хатни жўнатмоқчи бўлсангиз, уни конвертга жойлаштирасиз, конверт устига жўнатувчи ва қабул қилувчи манзилларни ёзасиз ва кейин почта қутисига ташлайсиз. Хатингиз қандай қилиб манзилга етади, қайси почта бўлимларида бўлади, қайси почтачи олиб боради сизга фарқсиз. Асосийси хат тез ва бутун етиб бориши. Худди шундай TCP/IP протоколи тармоқда ишлайди. Жўнатиладиган маълумот пакетга жойлаштирилади ва пакетга жўнатувчи ва қабул қилувчи компьютер манзиллари ёзилади ва тармоққа узатилади. Шундай қилиб тармоқнинг битта маршрутизаторидан (йўл кўрсатадиган маҳсус қурилма ёки компьютер) манзилга қараб энг қисқа йўлларини танлаб, кейинги маршрутизаторга узатилиб, пакет керакли манзилга етказилади. Фақат оддий почтадан фарқи маълумотни етказиш вақти кунлар билан эмас, сонийалар билан ўлчанади.

Тармоқнинг узатиш йўллари тиқилиб қолмаслиги учун TCP протоколи катта хажмли маълумотларни кичик қисмларга бўлиб, алохида пакетларда узатади. Хар бир пакет интернетда IP протокол хизмати ёрдамида алохида саёҳат қиласи. Пакетлар манзилга етгач, TCP протоколи бўлинган маълумотни йиғади ва бошлангич холатига келтиради. Агар қандайдир пакет манзилга етиб келмаса, TCP протокол уни такроран жўнатишни талаб етади,

токи маълумот бутун етиб келмагунгача. Шунинг учун TCP/IP ишончли протокол деб айтилади.



Аслида, TCP/IP – бу протоколлар оиласи хисобланади. Унниг ичида бир неча бошқа протоколлар хам мавжуд:

- \* **UDP** (User datagram protocol) – TCP протоколига ўхшаш, лекин ишончсиз (пакет етиб борганини эътиборга олмасдан ишлайди). Бу протокол баланд тезликда ишлайдиган жараёнларда, масалан, видеоконференциаларда ва тармоқнинг маҳсус хизматлари учун қўлланилади.
- \* **FTP** (File Transfer protocol – бу файлларни тармоқда узатиш протоколи. Компьютердан компьютерга файлларни узатиш имкониятини яратади ва ўзининг ишида TCP протоколига таянади.
- \* **SMTP** (Simple Mail Transfer Protocol) – электрон почтанинг узатиш содда протоколи. Тармоқнинг иккита ихтиёрий нуқтаси орасида почта жўнатувини таъминлайди.
- \* **Telnet** – масофадаги компьютерларда хар хил амалларнинг бажарилишини таъминлайди. Бу холатда фойдаланувчининг компьютери терминал (маълумот жўнатувчи) ролини ўйнайди. Сиз буйруқларни киритасиз, улар масофадаги компьютерда бажарилади ва сизнинг экранингизда уларнинг натижаси намоён бўлади.
- \* **HTTP** (Hyper Text Transfer Protokol) – гиперматнни узатиш протоколи. WWW – технологийаси асосида ишлайди.

Бундан ташқари, кўплаб, бошқа протоколлар хам мавжуд, лекин улар билан фойдаланувчилар камрок учрашишади. Керак бўлса маҳсус адабиётлардан улар хақида маълумот олиш мумкин.

### **Тармоқнинг дастурий таъминоти**

Тармоқнинг имконияти унинг фойдаланувчига қўрсатадиган хизмати билан ўлчанади. Тармоқнинг ҳар бир хизмат тури ҳамда унга кириш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилади. Тармоқда ишлаш учун белгиланган дастур бир вақтда кўплаб фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиши керак. Ҳозирда шундай дастурий таъминот тузишнинг икки хил асосий тамоили жорий этилган.

Биринчи тамоилда тармоқнинг дастурлаштирилган таъминоти кўпгина фойдаланувчиларга ҳамма кириши мумкин бўлган бош компьютер ресурсларини тақдим этишга мўлжалланган. У файл-сервер деб юритилади. Бош компьютернинг асосий ресурси файллар бўлгани учун у шу номни олган. Бу дастурли модуллар ёки маълумотларга эга файллар бўлиши мумкин. Файл-сервер - бу сервернинг энг умумий тури. Шуниси қизиқки, файл-серверини диск ҳажми одатдаги компьютердагидан кўп бўлиши керак, чунки ундан кўпгина компьютерларда фойдаланилади.

### **Маълумотлар узатиш тармоқларига ва хизматларига қўйиладиган талаблар**

Аҳолининг янги турдаги хизматларга бўлган талабининг ортиб бориши асосида маълумотларни узатувчи замонавий юқори тезликли телекоммуникация тизимларини такомиллаштириш талаб этилади.

Қўйидагиларга асосан алоқа тизимлари ва тармоқларига нисбатан бўлган талаб доимий равища ортиб боради:

- фойдаланувчилар сонининг ортиши;
- фойдаланувчиларни қизиқтирган хизмат турлари сонининг ортиши;
- хизмат қўрсатиш сифатига бўлган талабнинг ортиши (қабул қилинадиган ахборотларнинг ишончлилигини, етказилиш вақти ва маҳфийлигига бўлган талаб асосий ҳисобланади).

Шу билан бир қаторда маълумотларни узатувчи юқори тезликли тизимларига қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

- узатилаётган ахборотнинг тўғрилилиги, аниқлиги;
- тезлик;
- ишончлилик;

- ахборот хавфсизлиги.

Узатиш тизимларига бўлган асосий талаб – юқори аниқлиқдир. Халқаро Электралоқа Иттифоқи (ХЭАИ) (МСЭ-Т) томонидан ўрнатилган меъёрга асосан, битта белгини узатишдаги хатолик эҳтимоллиги:

- маълумотларни узатиш учун -  $10^{-6}$ ;
- телеграф алоқаси учун  $3 \cdot 10^{-5}$  дан ошмаслиги лозим.

Лекин ўтказгичли узатиш тизимларидағи ТЧ каналларда ва реал телеграф каналларида бу кўрсаткич ўртacha  $10^{-3} - 10^{-4}$  ни, радиоканалларда эса янада кўпроқ бўлган  $10^{-3} - 10^{-2}$  қийматни ташкил этади. Шунинг учун узатиш аниқлилигини 2 – 3 маротаба ошириш зарурияти туғилади.

### **Тармоқ протокол модели.**

Протокол модели ахборотни узатиш ва ишлов бериш асосий жараёнларни амалга оширишда обьект ва мантиқий модуллар ўзаро таъсир поғонасида тармоқ иши қоидаларини тасвирлаб беради. Бу моделда ўзаро таъсирнинг хамма қоидалари (протоколлари) функционал маъносиға кўра алоҳида гурухларга-протокол блокларга бирлашади. Протокол блоклар иерархик тартибда жойлашган ва улардан хар бири баъзи поғонадаги обьектлар ўзаро таъсир протоколлар рўйхатидир.

Н поғонадаги вазифани N-объектлар бажаради, улар мазкур поғонанинг махаллий функцияларига эга. Протокол блоклар поғоналар бўйича шундай бўлганки, N поғона вазифаларини бажаришига аввалги (N-1) поғона обьектлари иштирокига тўлиқ тобе ва тўлиқ иштироки билан таъминланади. Шундай қилиб хар қуи поғона юқори поғонага хизмат кўрсатади. N поғонадаги хар қандай обьект фаол холатга ўтганда қуидагиларни беради:

- 1) N-объектлар фойдаланувчи маълумотлари ўртасида узатилаётган ва мазкур обьектлар бирлашиши операцияси билан боғлиқ бўлмаган ахборот;
- 2) (N-1) поғона учун бошқарувчи ахборотни, унинг ёрдамида N-объектларни «бирлашиш» муаммосини мувофиқлаштиради.

Протокол моделда обьектларни ўзаро таъсир қоидалари муайян тармоқ учун стандартларни аниқлайди хамда *протокол* (бир поғонадаги обьектларни ўзаро таъсир стандартлари) ва *интерфейс* (кўшни поғона обьектларини ўзаро таъсир стандартлари) сифатида таснифланади. Бу тушунчалар аввалги моделларга ўхшаш.

**Назорат саволлари:**

1. TCP/IP модели таърифи келтиринг?.
2. Transmission Confrol Protocol тушунтиринг?
3. Internet Protocol тушунтиринг?

**Адабиетлар:**

1. Хелд Г. Технологии передачи данных. 7-е изд. -СПб Питер, К.: Изд. Группа ВНВ, 2003
2. Крук Б.И. Телекоммуникационные системы и сети. Современные технологии. М: Горячая линия – Телеком, 2003 год
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. Stephan Rupp, Gerd Siegmund, Telecommunication Software Engineering - Lecture Notes. Edition: V 0.2,20/ <http://www.srupp.de>
5. G.J. Holzmann, Design and validation of computer protocols, Chapter 8-11, Prentice-Hall, 1991, ISBN 0-13-539925-4, <http://www.spinroot.com/spin/Doc/Book91.html>

#### **4- Маъруза. Протоколларни ишлаб чиқиши.**

**Режа:**

1. Жараёнлар ва протоколлар.
2. Протокол спецификацияси.
3. Формал тиллар (FSM, SDL) таърифи

*Калим сўзлар: масофа-вектор алгоритми, алоқа холати алгоритми,  
Routing Information Protocol,*

#### **IP тармоқларида йўналиш ахборотлари билан алмашиши протоколлари**

TCP/IP стекининг йўналиш ахборотлари билан алмашишнинг хамма протоколлари адаптив протоколлар синфига киради. улар ўз навбатида икки гурухга бўлинган, уларнинг хар бири қуйидаги алгоритмлар тури билан боғланган:

- **масофа-вектор алгоритми** (Distance Vector Algorithms, DVA).
- **алоқа холати алгоритми** (Link State Algorithms, LSA).

Масофа-вектор туридаги алгоритмларда маршрутизатор вақти-вақти билан ва кенг огох қилинган ҳолда тармоқ бўйича ўзидан то унга маълум бўлган тармоқларга масофа векторини юборади. Масофа деганда одатда пакет мувофиқ тармоққа тушишдан олдин нечта оралиқ маршрутизаторлар орқали ўтиши тушинилади. Нафақат пакет ўтган оралиқ нуқталар, у қўшни маршрутизаторлар орасида алоқа бўйича ўтган вақтини хам хисобга олувчи бошқа метрика хам ишлатилади.

**Алоқа холатининг алгоритми**(Link State Algorithms, LSA), ҳар бир маршрутизаторни тармоқ алоқаларининг аниқ графасини қуриш учун етарли ахборот билан таъминлайди. Ҳамма маршрутизаторлар бир хил графлар асосида ишлайди, бу маршрутлаш жараёнини конфигурацияси ўзгаришига мустахкамлироқ қиласди.

**RIP** (Routing Information Protocol) протоколида ҳамма тармоқлар номерга эга (номер ташкил бўлиш усули, тармоқда тармоқ даражасининг протоколини ишлатилишига боғлиқ), маршрутизаторлар эса, идентификаторларга эга. RIP протоколи кенг “Масофа вектори” тушунчасини ишлатади. Масофа вектори, бу тармоқ номерлари ва участкаларида бўлган масофани хисобловчи икки жуфт сон.

#### **Протокол спецификацияси**

Канал поғонаси	Тармоқ поғонаси	Транспорт поғонаси	Сеанс поғонаси	Маълумотларни тақдим этиш поғонаси	Илова поғонаси
Ethernet	ICMP	SPX	SSL	ASN.1	binkp
Token ring	IPv4, IPv6	TCP	NetBIOS	XML-RPC	DHCP
FDDI		UDP		TDI	FTP
HDLC	IPX	SCTP		XOR	Finger
GVRP	ARP	RDP		SNMP	DNS
PPP, PPTP, L2TP		RUDP		FTP	HTTP, HTTPS
ATM		RTCP		Telnet	IMAP
xDSL				SMTP	IRC
				NCP	XMPP
					LDAP
					NNTP
					POP3
					SSH
					SMTP
					SIP

Маршрутизаторнинг топологик базасидаги дастлабки ахборот ҳамда ушбу базада RIP протоколиниг йўналиш пакетларини иккита итерациядан кейин алмashiши келтирилган. Итерациянинг маълум сонидан кейин маршрутизатор 2 интер тармоқдаги ҳамма тармоқларгача бўлган масофани билиб олади. Шу билан бирга унда белгиланган тармоқقا пакетларни жўнатишининг бир нечта альтернатив варианти бўлиши мумкин. Майли бизнинг мисолимизда белгиланган тармоқ бўлиб D тармоғи хисоблансин.

Тармоққа пакетни жүннатиш зарурлигіда, D маршрутизатор үз йұналишлар маълумотлари базасини күриб чиқади ва белгиланған тармоққача әндекі масофага ега бўлган портни танлайди (ушбу холатда, уни 3 маршрутизатор билан уловчи порт)

Алоқалар холати ва ускуналар үзгаришига мослашиш учун маршрутлаш жадвалининг ҳар бир ёзувиға таймер уланади. Агар тайм-оут даврида ушбу йұналишни тасдиқловчи хабар келмаса, унда у йұналиш жадвалидан олиб ташланади. RIP протоколидан фойдаланилғанда Беллман-Форднинг динамик дастурлашнинг эвристик алгоритми ишлайди, ва унинг ёрдамида топилған ечим оптимальга яқин хисобланади.

RIP протоколининг устунлиги, унинг хисоблашдаги оддийлиги, камчилиги эса кенг огохлантирилған пакетларни вақти-вақти билан жүннатилади ва топилған йұналиш оптималь эмаслиги хисобланади.

OSPF (Open Short Path First) протоколи IP тармоқларда йұналишларни аниқлайды, шу билан бирга йұналиш ахборотлар билан алмашиш бошқа протоколларни сақлаб қолади.

ICMP (Internet Control Message Protocol). Бошқариш хабарлари билан алмашинув протоколи.

ICMP протоколи – бу хатолар түғрисида хабар берувчи, лекин хатоларни тузатувчи протокол эмас. Охирги түгун, хато бошқа тақрорланмаслиги учун айрим харакатлар қўллаши мумкин, лекин бу харакатлар ICMP протоколи томонидан белгиланмаган.

ICMP протоколининг ҳар бир хабари тармоқ бўйича IP пакет ичидаги узатилади.

Бевосита боғланған маршрутизаторлар (яъни оралиқ маршрутизаторларни ишлатмасдан етишадиган) қўшни деб аталади. Ҳар бир маршрутизатор унинг фикрига кўра қўшниси қандай холатда эканлиги түғрисида маълумот сақлади. Маршрутизатор қўшни маршрутизаторларга ишонади ва уларнинг тўла ишлаб турганига ишонч хосил қилганидагина маълумотлар пакетларини узатади. Алоқа холатини аниқлаш усули қўшни маршрутизаторлар тез-тез HELLO калта хабарлар билан алмашиб турилади.

Тармоқ бўйича алоқа холати түғрисида маълумотларни тарқатиш учун маршрутизаторлар бошқа турдаги хабарлар билан алмашиб турадилар. Бу хабарлар “маршрутизатор алоқалари” түғрисида эълон (тўғрироги, алоқа холатлари) деб аталади. OSPF маршрутизаторлари алоқа түғрисида нафақат ўзлариники бошқа бегона эълонлар билан ҳам алмашиб, охирида тармоқнинг

ҳамма алоқа холатлари тўғрисида ахборот олади. Шу ахборот, тармоқнинг ҳамма амортизаторлари учун битта бўлган, тармоқ алоқаларининг графасини хосил қиласди.

Кўшнилар тўғрисидаги ахборотдан ташқари, маршрутизатор ўз эълонида, ўзи бевосита боғланган IP- тармоқларини санаб ўтади, шунинг учун тармоқ алоқаларининг графа тўғрисида ахборот олингандан сўнг, ҳар бир тармоққача йўналишни аниқлаш, бевосита ушбу граф бўйича бажарилади. Аникроғи, маршрутизатор аниқ тармоқгача бўлган йўлни эмас, тармоққа уланган маршрутизаторгача бўлган йўлни аниқлайди. Ҳар бир маршрутизатор алоқа холати тўғрисидаги эълонда узатиладиган уникал индентификаторга эга. Бундай ёндошиш, ишчи станциялари уланмаган маршрутизаторлар орасида “нуқта-нуқта” алоқаларига IP-адресларини бекорга сарфланмаслигига имкон беради.

Маршрутизатор ҳар бир адресланган тармоққача оптимал йўналишни аниқлайди, лекин ҳар бир йўналишдаги биринчи оралиқ маршрутизаторни эслаб қолмайди. Шундай қилиб, оптимал йўналишларни аниқлаш натижаси бўлиб, тармоқ номери ва ушбу тармоқ учун пакетни узатилиши керак бўлган маршрутизатор идентификаторини кўрсатувчи қаторлар рўйхати хисобланади. Кўрсатилган йўналишлар рўйхати йўналишлар жадвали хисобланади, лекин у RIP протоколидек, тармоқ алоқалари графи тўғрисидаги қисман ахборотга ўхшаб эмас, тўла ахборот асосида аниқланган.

Айтиб ўтилган ёндошиш, RIP протоколи ёки бошқа масофа-вектор алгоритмлари ишлатилганда етишиб бўлмайдиган натижага олиб келади. RIP маълум IP тармоқнинг ҳамма тармоқ остилари бир хил катталикка эга, яъни чунки уларнинг ҳаммаси адреслари ёпилмайдиган бир хил сонли IP тугунларга потенциалга эга бўлиши мумкин.

Маршрутизатор биринчи марта иш бошлаганда (яъни инсталланганда), у аниқлаш бўйича бир хил маълумотлар базасига эга, транзит локал тармоқнинг ҳамма маршрутизаторлар билан ўз маълумотлар базасини синхронлашга харакат қиласди. Ушбу жараённи соддалаштириш ва оптималлаштириш учун OSPF протоколида 2 та вазифани бажарувчи “ажратилган ” маршрутизатор тушунчаси ишлатилади.

Биринчидан, ажратилган маршрутизатор ва унинг резерв шериги, янги маршрутизатор ўз базасини синхронлаштириш учун ишлатувчи ягона маршрутизаторлар бўлиб хисобланади.

Янги маршрутизатор ажратилган маршрутизатор билан ўз базасини синхронлаштириб, ушбу локал тармоқнинг хамма маршрутизаторлари билан синхронлашади.

### **Назорат саволлари**

1. Routing Information Protocol тушунтиринг?
2. Протокол спецификацияси тушунтиринг?
3. Алоқа холатининг алгоритми?

### **Адабиётлар**

1. Behrouz A. Forouzen. “Data communication and networking”, Mc Graw-Hill Springer, New York 2010.
2. Stephan Rupp, Gerd Siegmund, Telecommunication Software Engineering – Lecture Notes. Edition: V 0.2,20/ <http://www.srupp.de>

## 5-маъруза. Дастурлаш тамойиллари.

### Режа:

ДТ яратиш моделлари таърифи.

Дастурий таъминот тушунчаси ва дастурий маҳсулотнинг синфлари

**Калим сўзлар:** ҳисоблаш машинаси, дастурий маҳсулотлар, дастурлаш технологияларининг, компьютерлар ва ЭҲМ

### Ҳисоблаш машинасининг дастурий таъминоти

Ҳисоблаш машинасининг дастурий таъминоти (ДТ) деб масалаларни ечиш учун ҳисоблаш машинасидан фойдаланишга имкон берувчи дастурлар ва улар билан бирга келувчи ҳужжатлар мажмуасига айтилади.

Дастурий маҳсулотларни ҳар хил аломатлари бўйича таснифлаш мумкин. Дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш соҳаси асосий аломат бўлган таснифни кўриб чиқамиз:

- Автоном компьютерлар ва ЭҲМ тармоқларининг аппаратли қисми;
- Турли туман предметли соҳаланинг хизмат вазифалари;
- Дастурларни ишлаб чиқиш технологиялари.

Бу соҳалардаги ахборот технологияларини қўллаб қувватлаш учун 2.1-расмда берилган дастурий маҳсулотларнинг учта синфини ажратамиз:



5.1-расм. Дастурий маҳсулотларнинг синфлари.

- тизимли дастурий таъминот;
- амалий дастурлар пакети;

- дастурлаш технологияларининг қуроллари.

### **Тизимли дастурий таъминот қўйидагиларга қаратилган:**

- бошқа дастурларни фаолият юритишнинг операцион мұхитини яратишига;
- компьютернинг ўзи ва ҳисоблаш марказини ишончли ва самарали ишлашини таъминлашга;
- компьютер ва ҳисоблаш маркази жиҳозларининг диагностикаси ва профилактикасини ўтказишига;
- ёрдамчи технологик жараёнлар (дастурлар ва маълумотлар базалари файллардан нусха кўчириш, архивга жойлаштириш, тиклаш ва х.к.)ни бажаришига.

Дастурий маҳсулотларнинг ушбу синфи компьютернинг тури билан яқиндан боғланган ва унинг ажralmas қисмидир. Дастурий маҳсулотлар асосан малакали фойдаланувчилар компьютер соҳасидаги касб эгалари: тизим дастурчиси, тармоқнинг администратори, амалий дастурчи, операторга мўлжалланган. Аммо шахсий компьютерларнинг якуний фойдаланувчиларига хам дастурий маҳсулотларнинг бу синфи билан ишлашнинг асосий технологияларини билим талаб қилинади, улар нафақат ўзларининг дастурлари билан ишлайдилар, балки компьютер дастурлари ва маълумотларга хизмат кўрсатишни бажарадилар.

**Амалий дастурлар пакетлари** вазифавий масалаларни ечишнинг дастурий қуроллари бўлиб хизмавт қиласидилар ва дастурий маҳсулотларнинг энг кўп сонли синфи бўладилар. Ушбу синфга турли предметли соҳадаги ахборотларни ишлаб чиқиши бажарувчи дастурий маҳсулотлар кирадилар.

Дастурий маҳсулотларни компьютерга ўрнатишини малакали фойдаланувчи бажаради, бевосита ундан фойдаланишни эса, қоидага қўра, якуний фойдаланувчилар-ахборотдан фойдаланувчилар амалга оширадилар, кўп холларда, уларнинг фаолияти компьютер соҳасида ғоятда узоқдир. Дастурий маҳсулотларнинг ушбу синфи айрим предметли соҳалар учун ғоятда ўзига хос бўлиши мумкин.

Дастурий таъминлаш технологияларининг қуроллари дастурларни ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдилар ва ўз ичига ишлаб чиқувчининг қуроллий воситалари бўлган ихтисосланган дастурий маҳсулотларни оладилар. Бошқа синфдаги дастурий маҳсулотлар лойиҳалаштириш,

дастурлаш (кодлаштириш), созлаш ва яратилаётган дастурларни тестдан ўтказишининг барча технологик босқичларини қўллаб кувватлайдилар. Тизимли ва амалий дастурчилар дастурлаш технологиясининг фойдаланувчилари бўладилар.

### **Тизимли дастурий таъминлаш**

қоидага кўра, компьютер билан биргаликда етказиб бериладиган тизимли дастурий таъминланиш-базавий дастурий таъминланиш ва қўшимча харид қилиниши мумкин бўлган сервисли дастурий таъминланишнинг тузилиши берилган.

**Базавий дастурий таъминланиш** (base software)-компьютерини ишлашини таъминловчи дастурий воситаларнинг энг кичик мажмуасидир.

**Сервисли дастурий таъминланиш** - базавий дастурий таъминланишнинг имкониятларини оширувчи ва фойдаланувчига қулайроқ иш муҳитини ташкил қилувчи дастурлар ва дастурий мажмуалардир.

Базавий дастурий таъминлашга қуйидагилар киради:

- операцион тизим;
- операцион қобиқ(матнли ва жадвалли);
- тармоқли операцион тизим.



**5.2-расм. Компьютернинг тизимли дастурий таъминотнинг таснифи.**

*Базавий дастурий таъминлаши.*

Шахсий компьютерлар учун операцион тизимлар қуйидагиларга бўлинади:

- бир ёки кўп масалали (параллел бажариладиган амалий жараёнларнинг сонига кўра);
- бир ёки кўп фойдаланувчили (операцион тизимда бир вақтда ишловчи фойдаланувчиларнинг сонига кўра);
- компьютерларнинг бошқа турларига кўчирилмайдиган ва кўчириладиганлар;
- ЭҲМнинг маҳаллий ҳисоблаш тармоғида ишлашни таъминловчи тармоқсиз ва тармоқли.

Бугунги қунда шахсий компьютерлар учун қуйидаги 32-разрядли операцион тизимларни қўллаш катта аҳамиятга эга:

- OS/2 барча модификацияда(IBM);
- WINDOWS NT барча модификацияларда (Microsoft);
- Unix барча модификацияларда;
- Next step 3.2(Next);
- SCO Open Decktor 3.0(Santa Cruz Operation)
- Solaris 2.1(Sun Soft)-x 86;
- Unix Ware Personal Edition 1.0 (Novell).

ОТ энг маънавий таққослаш ахборотларни ишлаб чиқиш жараёнинг қуйидаги таърифлари бўйича амалга оширилади:

- Хотирани бошқариш (ўнатилаётган кенгликнинг энг катта ҳажми, хотиранинг турлари, хотирадан фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари);
- Операцион тизим таркибидаги ёрдамчи дастурлар (утилит)нинг вазифавий имкониятлари;
- Диск компрессиясининг мавжудлиги;
- Файлларни архивга жойлаштириш имкониятлари;
- Ишнинг кўп вазифаси тартибини тўхтатиб туриш;
- Тармоқли дастурий таъминотни тўхтатиб туриш;
- Сифатли хужжатларнинг мавжудлиги;

- Инсталляция жараёнинг шароитлари ва мураккаблиги.

**Тармоқли операцион тизимлар** - тармоққа маълумотларни ишлаб чиқиш, узатиш ва сақлашни таъминловчи дастурлар мажмуасидир. Тармоқли тизимларнинг ҳар хил турлари (файлларни бошқариш)ни тақдим этади абонент тизимларида ишлашни қўллабқувватлайди. Тармоқли операцион тизимлар мижоз-сервер архитектураси ва бир рангли архитектурадан фойдаланади. Олдин тармоқли операцион тизимлар фақат маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари (МҲТ)ни қўллаб қувватлаганлар, ҳозир бу операцион тизимлар маҳаллий тармоқлар ассоциациясига тарқатиладилар [18].

**Операцион қобиқлар** - фойдаланувчининг операцион тизимнинг буйруқлари билан мулоқатни енгилаштириш учун маҳсус дастурлар. Операцион қобиқлар якуний фойдаланувчи интерфейсининг матнли ва жадвалли варианtlарига эга.

Бу дастурлар операцион тизим буйруқларини бажариш учун бошқарувчи ахборотлар вазифаларини анча соддалаштиради, якуний фойдаланувчи ишининг кескинлиги ва мураккаблигини камайтиради.

### **Сервисли дастурий таъминот**

Севисли, қўшимча ўрнатилган дастурлар компьютер базавий дастурий таъминотининг кенгайиши бўлади, уларни вазифавий аломатлари бўйича қўйидагича таснифлаш мумкин:

- Компьютернинг иш қобилиятини диагностика қилиш дастурлари;
- Компьютерни ҳимоя қилиш, заарланган файлларни топи шва тиклашни таъминловчи вирусга қарши дастурлар;
- Маълумотларни архивга жойлаштириш дастурлари, улар маълумотларни сақлаш учун хотира ҳажмини камайтириш мақсатида ахборотларни сиқиши жараёнини таъминлайди;
- Тармоққа хизмат кўрсатиш дастурлари.

Бу дастурларни кўпинча утилиталар деб атайдилар. **Утилиталар** – маълумотларни ишлаб чиқиш ёки компьютерларга хизмат кўрсатиш операциялари билан қўшимчалар (аппаратли ва дастурли воситаларни диагностикақилиш, тестдан ўtkазиш, диск майдонидан фойдаланишни мувофиқлаштириш, магнитли дискда бузилган ахборотларни тиклаш ва ҳ.к.)ни бажариш учун хизмат қиласди [17].

Вирусга қарши маҳсулотлар бир қатор мезонлари билан баҳоланади:

- Вирусни топиш (идентификациялаш)нинг аниқлиги;


- Маълумотларни заҳарланишдан ҳимоя қилиш имконияти;
- Топилган вирусларни самарали бартараф этиш (файлларни тиклаш);
- Фойдаланишни соддалиги;
- Қиймати;
- Махаллий тармоқда ишлаш қобилияти;
- Дискларнинг boot-вирусларини топиш ва бартараф этиш имкониятлари.

### **Дастурлаш технологияларнинг воситалари**

Хозирги вақтда дастурий маҳсулотларни яратиш технологиялари билан боғлиқ йўналиш тез ривожланмоқда. Бу дастурларни ишлаб чиқиш саноат технологияларига ўтиш, дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга муддатларни, меҳнат ва моддий харажатларни қисқартиришга ҳаракат қилиш, уларнинг сифатини кафолатланган даражада таъминлари билан асосланади. Бу йўналишни кўпинча программотехника деб атайдилар. **Программатехника** (software engineering) – дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, созлаш, верификациялаш ва татбиқ этиш технологиясидир.

Бу йўналишлар доирасида дастурий маҳсулотларнинг қўйидаги гурӯхлари шаклланган:

- Иловаларни яратиш учун воситалар, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:
  - дастурларни яратиш буйича айрим ишларни бажарилашини таъминловчи маҳаллий воситалар (5.3-расм);



5.3-расм. Дастурлаш технологиялари куролларининг таснифи.

- дастурларини яратиш буйича ўзаробоғлиқ ишларнинг мажмуалари бажариласни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқарувчиларнинг интеграциялашган муҳити;

- дастурий тизимларни тахлил қилиш, лойиҳалаштириш ва яратиш усулларини тақтим этувчи ва ахборот тизимларини ишлаб чиқи шва амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган CASE-технологиялар (Computer-Aided System Engineering)

### **Иловаларни яратиш учун воситалар.**

**Иловаларни яратиш учун воситалар**-дастурлаш тиллари ва тизимларининг мажмуаси, ҳамда яратилаётган дастурларни созлаш ва қўллаб кувватлаш учун ҳар хил дастурий мажмуалариdir.

Дастурлаш тилларини агар таснифлаш аломати сифатида унинг курилмаларини ташкил қилишнинг синтаксиси олинса, шартли равища қўйидаги синфларга бўлиш мумкин:

- Машина тиллари (Computer Language)-компьютернинг аппаратли қисми томонидан қабул қилинадиган дастурлаш тиллари (машина кодлари);
- Машинага-йўналтирилган тиллар (Computer-oriented Language)-компьютернинг аниқ тури тузилишини акс эттирувчи дастурлаш тиллари (ассемблерлар);
- Алгоритмик тиллар (algorithmic Language)-алгоритмнинг тузилишини акс эттириш учун компьютер архитектурасига боғлиқ бўлмаган дастурлаш тиллари (Паскал, Фортран, Бейсик ва бошқалар);
- Тадбирли-йўналтирилган тиллари(procedure-oriented language)-дастурларни тадбирлар (дастурчалар)нинг мажмуаси сифатида баён қилиш имкониятига эга дастурлаш тиллари;
- Муаммоли-йўналтирилган тиллар(universal-programming language)-белгиланган синфдаги масалаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлаш тиллари (ЛИСП, РПТ, СИМУЛА ва бошқалар);
- Дастурлашнинг интеграцияланган тизимлари.

Дастурлаш тилларининг бошқа таснифи уларни таркибий дастурлаш асосларини амалга оширишга мўлжалланган тилларга ва объектларнинг тушунчаси ва уларнинг хусусиятлари ва ишлаб чиқиши усулларини қўллаб кувватловчи тилларга бўлишдан иборатdir [25].

Дастурлаш тилида тайёрланган дастур трасляция босқичини ўтади, бунда дастлабки кодни обектли кодга ўзгариши содир бўлади, у кейинчалик

алоқалар редактори томонидан ишлаб чиқишига яроқлидир. Алоқалар редактори-бажаришга яроқли юкловчи модулни қуришни таъминловчи маҳсус дастурдир.

Трансляция компиляторлар ёки интерпретаторлар воситаларидан фойдаланиш билан бажарилади. Компиляторлар бутун дастурни трансляция қиласди, аммо уни бажармайди. Интерпретаторлар, компиляторлардан фарқли равишда операторлар бўйича ишлаб чиқишини ва дастурни бажарадилар.

Бошқа дастурларни трассировкалаш ва бажарилишини тахлил қилишга мўлжалланган созловчилар деб аталувчи маҳсус дастурлар мавжуд.

Энг яхши созловчилар трассировка(операторлар бўйича вариантда дастурни бажарилиши)ни кузатишни, дастурдаги хатоларнинг ўрни ва турини идентификациялашни, ўзгарувчанлар, ифодалар микдорларини ўзгаришлари орқасидан “кузатиш”ни амалга оширишга имкон берадилар.Дастурларни созлаш ва ишлашини тўғрилигини тестдан ўтказиш учун назорат мисолининг маълумотлар базаси яратилади.

Дастурлаш тизимлари ўз ичига қуидагиларни олади:

- Компилятор;
- Дастурлар кодини мувофиқлаштириш воситалари;
- Кутубхоналар мажмуаси (дастурларнинг дастлабки матнлар билан бўлиши мумкин);
- Алоқалар редактори;
- Кутубхоналар, матнли ва иккинчи файллар билан ишлаш учун сервисли воситалар (утилитлар);
- Маълумотномали тизимлар;
- Дастур дастлабки кодининг документатори;
- Дастурий мажмуа лойиҳасини қўллаб қувватлаш ва бошқариш тизими.

Лойиҳаларни қўллаб қувватлаш воситалари-дастурий тамилотнинг янги синфи қуидагилар учун мўлжалланган:

- Дастурларни ишлаб чиқувчилари томонидан бажарилган ўзгаришларни кузатиб бориш;
- Ўзгаришларни автоматик кўчириш билан дастурлар версияларини қўллаб қувватлаш;
- Лойиҳа ишини бориши ҳақидаги статистикани олиш.

Фойдаланувчининг аслаҳавий муҳити амалий дастурлар пекетида қурилган маҳсус воситалар билан берилган, яъни:

- ишлаб чиқишининг вазифалари, тадбирлари, объектлари ва усулларининг кутубхонаси;
- макробуйруқлар;
- клавишли макрослар;
- тили макрослар;
- дастурий модуллар-киритмалар:
- экранли шакллар ва ҳисобатларнинг конструкторлари;
- иловалар генератори;
- юқори даражадаги сўровларининг тиллари;
- маълумотлар билан манипуляция қилиш тиллари;
- меню конструкторлари ва бошқалар.

Дастурларни созлаш ва тестдан ўтказиш воситалари ишлаб чиқилган дастурни сноатда фойдаланишга тайёрланиш учун мўлжалланган.

Протоколлар ахборотни узатиш ва ишлов бериш асосий жараёнларни амалга оширишда обьект ва мантиқий модуллар ўзаро таъсир поғонасида тармоқ иши қоидаларини тасвирлаб беради. Бу моделда ўзаро таъсирнинг хамма қоидалари (протоколлари) функционал маъносига кўра алоҳида гурухларга-протокол блокларга бирлашади. Протокол блоклар иерархик тартибда жойлашган ва улардан хар бири баъзи поғонадаги обьектлар ўзаро таъсир протоколлар рўйхатига киради.

Протоколарнинг дастурий тамойиллари, бу маълум бир протоколнинг айнан ўзи учун маҳсус дастурлаш тилида ёзилган дастуриш таъминотидир. Бунда хар қандай дастурлаш тили бўлиши мумкин масалан: c, java, assemblers ва бошқа.

Протоколларни дастурлаш ва протоколлар учун дастурий таъминот яратишдан мақсад, маълум бир йўналишга асосланган бўлиб, бунда дастурий таъминот масофадан обьектни бошқариш ёки бошқарув субъектини ўзи бўлиб хизмат қиласи.

Умумий дастурий муҳит ва унга хизмат қилувчи протоколь ва ОСИ поғонаси:

## **Назорат саволлари**

1. Ҳисоблаш машинасининг дастурий таъминотини тушунтиринг?
2. Тизимли дастурий таъминотини тавсифланг?
3. Амалий дастурлар пакетини тавсифланг?
4. Дастурлаш технологияларининг воситаларини тавсифланг?

## **Адабиётлар**

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2008.
2. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2006

## **6-маъруза. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.**

### **Режа:**

1. ДТни лойихалаш ва амалга ошириш.
2. Software Communication Architecture (SCA) тамойиллари.

**Калит сўзлар:** Дастурий таъминот, лойихалаши, Дастурий маҳсулот, Дастурлаши технологияси воситалари, Telnet, Putty, Host

Дастурий таъминот (ДТ) деб масалалар ва вазифаларни ечиш учун берувчи дастурлар ва улар билан бирга тасдиқловчи ҳужжатлар мажмуасига айтилади.

Дастурий маҳсулотларни турли хил хусусиятлар бўйича таснифлаш мумкин. Дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш соҳаси асосий бўлган таснифни кўриб чиқамиз:

- Персонал компьютерлар ва тармоқларининг аппарат қисми;
- Бурли вазифали соҳаларининг хизмат вазифалари;
- Дастурларни ишлаб чиқиш технологиялари.

Ташқи лойиха мураккаблигига қараб ва унинг дастурий маҳсулотда тутган ўрнига кўра қўйидаги стандарт бўйича тасдиқланган қоидаларни ҳисобга олиш шарт.

**Функционал боғлиқлик** – модулнинг ҳамма обьектлари бир хил функцияни бажариши учун мўлжалланган

**Кетма-кет боғлиқлик** – бунда биринчи модулнинг чиқиш маълумотлар, иккинчи модулга кириш маълумотлари бўлади.

**Ахборот бўйича боғлиқлик** – бунда икки модул ҳам бир хил ахборотни ишлатади

**Процедура бўйича боғланган модуллар** – иккита модул ҳам битта процедурага тегишли

**Вақт бўйича боғланган модуллар** – бу модуллар параллел бажарилади

**Мантиқий боғлиқлик** – бу модулларнинг мақсадлари ўхшаш ва улар битта мантиқий гурухга тўпланган.

тармоққа маълумотларни ишлаб чиқиш, узатиш ва сақлашни таъминловчи дастурлар мажмуасидир. Тармоқли тизимларнинг ҳар хил турлари (файлларни бошқариш)ни тақдим этади абонент тизимларида ишлашни қўллабқувватлайди. Тармоқли операцион тизимлар мижоз-сервер архитектураси ва бир рангли архитектурадан фойдаланади. Олдин тармоқли операцион тизимлар фақат маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари (МХТ)ни қўллаб кувватлаганлар, ҳозир бу операцион тизимлар маҳаллий тармоқлар ассоциациясига тарқатиладилар



### 6.1-расм. Дастурлаш технологияси воситалари

**Иловаларни яратиш учун воситалар**-дастурлаш тиллари ва тизимларининг мажмуаси, ҳамда яратилаётган дастурларни созлаш ва қўллаб кувватлаш учун ҳар хил дастурий мажмуаларидир.

- **Машина тиллари (Computer Language)**-компьютернинг аппаратли қисми томонидан қабул қилинадиган дастурлаш тиллари (машина кодлари);
- **Машинага-йўналтирилган тиллар (Computer-oriented Language)**-компьютернинг аниқ тури тузилишини акс эттирувчи дастурлаш тиллари (ассемблерлар);

- **Алгоритмик тиллар** (algorithmic Language)-алгоритмнинг тузилишини акс эттириш учун компьютер архитектурасига боғлиқ бўлмаган дастурлаш тиллари (Паскал, Фортран, Бейсик ва бошқалар);
- Обектга-йўналтирилган тиллари-тайёр аблектлар билан ишлаш JAVa;  
Дастурлаш тизимлари ўз ичига қуидагиларни олади
- Компилятор;
- Дастурлар кодини мувофиқлаштириш воситалари;
- Кутубхоналар мажмуаси (дастурларнинг дастлабки матнлар билан бўлиши мумкин);
- Алоқалар редактори;
- Кутубхоналар, матнли ва иккинчи файллар билан ишлаш учун сервисли воситалар (утилитлар);
- Маълумотномали тизимлар;
- Дастурий мажмуа лойиҳасини қўллаб қувватлаш ва бошқариш тизими.

Лойиҳаларни қўллаб қувватлаш воситалари-дастурий таминотнинг янги синфи қуидагилар учун мўлжалланган:

- Дастурларни ишлаб чиқувчилари томонидан бажарилган ўзгаришларни кузатиб бориш;
- Ўзгаришларни автоматик кўчириш билан дастурлар версияларини қўллаб қувватлаш;
- Лойиҳа ишини бориши ҳақидаги статистикани олиш.

**Telnet** – масофадаги компьютерларда хар хил амалларнинг бажарилишини таъминлайди. Бу холатда фойдаланувчининг компьютери терминал (маълумот жўнатувчи) ролини ўйнайди. Сиз буйруқларни киритасиз, улар масофадаги компьютерда бажарилади ва сизнинг екранингизда уларнинг натижаси намоён бўлади.

**Telnet** протоколлари орқали серверларни бошқарувчи утилита – Putty


**Putty** - масофавий компьютер(сервер)ларни CSH, Telnet, rlogin протоколлари орқали бошқаришни амалга ошириб берувчи, уй шароитида фойдаланиш текин бўлган клиент дастур хисобланади. "С" дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, масофада турган компьютер(сервер)ни терминал орқали тўлиқ бошқаришни амалга ошириб беради, қисқа қилиб айтганда тармоқ ва тизим администраторларининг энг севимли дастури. Дастурни ўз сайтидан юклаб олишингиз мумкин. Кўпчилик бу клиент орқали, виндовс операцион

тизимидан туриб, " CSH " протоколи орқали масофада турган "Linux" серверига уланиб, уни созлашни амалга ошириш учун ишлатилади. Жуда кичик ва жуда содда дастур хисобланади. Бир пайтнинг ўзида бир неча сервер билан уланиб, ишлаш мумкин. Келинг енди бирор серверга уланиб кўрамиз, дастурни ишга тушириб, керакли жойларга қуидагиларни киритамиз.




6.2-расм. Putty дастури

Host name(or IP address): Сервер номи ёки унинг IP адреси - 192.168.172.1(мисол учун). Порт: уланадиган порт рақами - 22(CSH протоколи учун). Connection type: CSH (протокол номи). OPEN




6.3-расм. Putty дастури

Шундан сўнг, сервер фойдаланувчиси номи ва пароли киритилади ва сиз учун сервердаги терминал(серверда ишлаш учун) очиб берилади. Агар серверлариз кўп бўлса, хар сафар қайтадан уларнинг ИП адресини киритиш сиз учун оғ‘ир бўлса, бир маротаба киритиб, шу сессияни сақлаб қўйинг, яъни Савед Сессионс: сессия номи(исталган ном) ва Саве тугмаси.



6.4-расм. Putty дастури

Утилитни созлаш, уни ишга туширганингиздан сўнг пайдо бўладиган ойнанинг, чап томонидан амалга оширилади. Мисол учун кодировкани алмаштироқчи бўлсангиз, чап томондан Window -> Translation -> Resived data.... кириш кифоя.



6.5-расм. Putty дастури

Putty ўзида куйидаги утилитларни мужассамлаштириши мумкин: - Putty: Телнет ва CSH клиент; - PSSP: SSP клиент - терминал орқали шифрланган протокол орқали файлларни кўчириш; - PSFTP: SFTP клиент - FTP орқали файллар алмашинуви; - PuttyTel: алоҳида телнет клиент; -

Плинк: Putty терминали учун интерфейс; - Puttygen: PSA ва DSA калитлар хосил қилиш; - Птерм: Уних тизими учун терминал өмулятори. Сиз бу утилитларни түлиқ ёки алохида ўрнатишингиз мумкин.

## **Назорат саволлари?**

Дастурый таъминот нима ?

Дастурый маҳсулотлар тушунтириинг?

Лойихалаш деганда нима тушунасиз?

## **Адабиётлар?**

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Г. С. Иванова. Технология программирования.// МГТУ им. Баумана, 2008.
2. Д. А. Чернев. Технология разработки программного обеспечения.// Издательство “Мехнат”, 2006

## **Интернет сайтлари**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>
3. <http://www.ziyonet.uz>

## **7-маъруза. Дастурний таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни.**

Режа:

1. ДТни лойихалаш ва амалга ошириш.
2. Мобил алоқа тармоқлари ва тизимлари ДТ таърифи.
3. Интерфейслар ва протоколлар

**Калит сўзлар:** *Ташқи лойихалаши, мобил телефон*

**Ташқи лойихалаш** деганда, фойдаланувчи ёки кузатувчи нуқтаи назаридан ишлаб чиқарилаётган харакати тушунилади. Лойихалаш ташқи спецификация кўринишда расмийлаштирилиб бу спецификациялар фойдаланувчиларга ва кенг оммага қаратилган бўлиши керак. Ташқи лойихалашнинг махсус усуллари ва кўринишлари бўлмаслигидан қатъий назар Дастурний таъминотни ташкил қилувчи ташқи функциялар консиптуал бирлигига эга бўлишлари лозим.

Ташқи лойихалашда дастурний махсулот ишончлилигини оширувчи уч факторни кўзда тутиш лозим.

- 1. Фойдаланувчи хатоларини минимумга келтириш.
- 2. Хатоликлар мавжуд бўлса, уларни аниқлаш.
- 3. Дастурлаш воситаси мураккаблигини камайтириш.

Мобил телефон – мобил алоқада фойдаланиладиган телефон аппарати тури. Ҳозирги кунда, мобил телефон клавиатура ва экранга эга бўлиб астасекин компьютер, факс аппарати, телефон аппарати, қайдлар китобчаси вазифаларини бажарувчи кўп мақсадли абонент тизимига айланмоқда.

Мобил алоқа муҳити – таянч станциялар ва бир гурӯх абонентлар тизимидан иборат бўлиб, абонентларнинг бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашинувини таъминловчи техник воситалар мажмуаси.




**7.1-расм. Мобил алоқа муҳити**

Мобил алоқа хизмати операторлари – абонентлар (мижозлар) учун мобил алоқа хизматларини таклиф қилувчи ташкилотдир.

Операторлар вазифасига радио частотадан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун керакли ҳужжатларни олиш, ўзининг мобил тармоғини ташкил қилиш, фойдаланиш, хизмат шартларини ишлаб чиқариш, хизмат тўловларини йиғиш ва техник хизмат кўрсатиш киради.

**Сўзлашув** – телефон рақами терилганда жорий мобил оператор таянч станциянинг антеннаси чақираётган ва чақирилаётган абонентларни аниқлайди. Шундан сўнг ушбу ахборот узиб улагичга (коммутатор) юборилиб иккита абонент боғланади ва ушбу абонентлар орасида сўзлашув (маълумот алмашиниш) амалга оширилади.



**7.2-расм. Сўзлашув**

**Мобил Интернет** – ҳаракатдаги абонентлар учун мобил алоқа тармоқлари орқали Интернет ресурсларидан фойдаланиш технологияси. Мобил Интернетнинг қулайлиги шундан иборатки, бунда фойдаланувчининг қаерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар у мобил алоқа атromoғи орқали Интернет хизматларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлади.

**Мобил почта** - Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда абонентнинг мобил телефони орқали шахсий электрон почта хизматидан фойдаланиш имконияти

**Bluetooth** – кичик қамров доирасига эга бўлган симсиз алоқа технологияси. Тармоқ қурилмалари орасидаги ўзаро мулоқотни ва уларнинг Интернетга уланишини енгиллаштиради.

**SMS (Short Message Service)** – қисқа хабарлар хизмати. Мобил алоқа тармоқларида абонентларнинг бир-бирларига қисқа матн хабарларини узатиш ва қабул қилиш хизмати ҳисобланади.



### **7.3-расм. *Short Message Service***

**MMS (Multimedia Messaging Service)** – GPRS технологиясига асосланган мультимедиа хабарларини алмашиш хизмати. Хизмат рангли расм, фотосурат, мусиқа ва ҳатто видеороликларни узатиш ва қабул қилиш имконини беради.

#### **Назорат саволлари**

1. Ташқи лойихалаш нима?
2. Мобил алоқа мухити?
3. Мобил мухитда маълумотлар алмашинуви?

#### **Адабиётлар**

1. Хелд Г. Технологии передачи данных. 7-е изд, -СПб Питер, К.: Изд. Группа BHV, 2003.
2. TCP/IP Sockets in Java, 2nd Edition, by Kenneth Calvert, and Michad Donahoo, Morgan Kaufmann, 2008 (ISBN: 978-0-12-374255-1) - key sockets programming techniques; an introduction to NIO.
3. W. Richard Stevens, TCP/IP Illustrated, Volume 1: The Protocols, Addison-Wesley, 1994 (ISBN: 0201633469).

## **8- маъруза. Дастурий таъминот (ДТ) ишлаб чиқиш жараёни. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари**

1. ДТга тизимли талаблар.
2. ДТ спецификацияси.
3. Телекоммуникацияларда ДТ спецификациясига мисоллар.

**Калит сўзлар:** структура, архитектура, Функционал декомпозиция, Модулли дастурлаш

### **Дастурни лойиҳалаштириш**

Даставвал, дастурий тизимнинг архитектураси лойиҳалаштирилади. Бу лойиҳалаштиришнинг бошланғич (умумий) босқичини кўзда тутади ва система структурасига қўйиладиган талабларни синчиклаб ўрганиш билан тугалланади. Одатда, модуллар поғонасида ҳар бир модулга талаблар мажмуи ишлаб чиқлади:

- ном/мақсад – модулга ном берилади, ҳамда формал параметрли модуллар функциялари ҳақида таклиф киритилади;
- ноформал тавсиф – модул бажарадиган ишлар обзори берилади;
- ишорат – қайси модуллар шу модулга мурожаат қиласи ва мазкур модул қайси модулларга мурожаат қиласи;
- кириш чиқиши – формал ва ҳақиқий параметрлар, глобал, локал бир-бири билан боғлиқ бўлган (бир қанча модул учун умумий бўлган) ўзгарувчилар;
- изоҳлар – модулдаги кўрсатилиши фойдали бўлган комментарийлар.

Кейинги бажарадиган ишимиз – синчиклаб лойиҳалаштиришdir. Бу босқичда дастур процедуранар бўйича тавсифланади, ҳамда ҳар бир модулни амалга ошириш учун алгоритмни танлаш ва баҳолаш ишлари бажарилади. Лойиҳалаштириш учун тизимга бўлган талаблар асос қилиб олинади.

Дастурларни лойиҳалаштиришнинг турли методлари мавжуд. Замонавий методлар декомпозицияга асосланган. Декомпозиция эса ўз навбатида абстракцияларга асосланади. Декомпозициянинг мақсади – аник, оддий қоидаларга асосланиб, ўзаро муносабатда бўладиган модулларни яратишдан иборатdir. Декомпозиция, дастурни, кейин бирлаштирилиши мумкин бўлган компонентларга бўлиш учун ишлатилади .

Архитектурани лойиҳалаш методлари икки гурухга бўлинади:

- ишлов беришга мўлжалланган;
- маълумотларга мўлжалланган.

**Ишлов беришга мүлжалланган методлар** ўз ичига қуидагиларни олади:

- а) модулли дастурлаш;
- б) функционал декомпозиция;
- в) маълумотлар оқимидан фойдаланиб лойиҳалаш;
- г) лойиҳани структуравий таҳлили технологияси;

*а) Модулли дастурлаш*

Асосий концепциялари:

- ҳар бир модул ягона мустақил функцияни амалга оширади;
- ягона кириш/чиқиш нуқтасига эга;
- модулнинг размери иложи борича кичиклаштирилади;
- ҳар бир модул бошқа модуллардан мустақил ҳолда ишлаб чиқилади;
- тизим фақат модуллардан ташкил топади.

Мазкур тамойилга асослансан, ҳар бир модул алоҳида тестланади, сўнгра кодлаштирилиб ва тестлангандан сўнг улар бирлаштирилади ва бутун тизим тестланади.

*б) Функционал декомпозиция*

Ҳар бир модул лойиҳачининг субъектив қарори билан характерланади. Алоқа, яхши ташкил этилган интерфейслар ёрдамида амалга оширилади.

*в) Маълумотлар оқимидан фойдаланиб лойиҳалаш*

Маълумотлар оқимидан дастурни лойиҳалашнинг асоси каби фойдаланилади.

Юқоридан пастга қадамма-қадам деталлаштириш структурали лойиҳалаш элементларидан иборат:

- маълумотлар оқимини экспертиза қилиш ва маълумотлар оқими графигида акс эттириш;
- маълумотлар оқимининг киритиладиган марказий ва чиқариладиган элементини таҳлил қилиш;
- дастурнинг иерархик структурасини тузиш;
- дастур структурасини деталлаштириш ва оптималлаштириш.

*г) Лойиҳани структуравий таҳлили технологияси*

Бу, тизимнинг объектлари ўртасидаги иерархик функционал алоқаларни тузишда маҳсус график воситадан фойдаланиб, структуравий таҳлил қилишга асосланган. Ушбу усул тизимни яратишнинг бошланғич босқичларида самарали ҳисобланади, чунки диаграммалар ҳам оддий, ҳам тушунарли бўлади.

**Маълумотлар структурасидан фойдаланиб лойиҳалаш методлари** қуйидагилардир:

- а) Жексон методологияси;
- б) Уорнер методологияси;
- в) иерархик диаграммалар методи;
- г) лойиҳалашнинг объектга мўлжалланган методологияси.

*а) Жексон методологияси*

Бунда маълумотнинг структураси лойиҳани тузишда таянч элемент ҳисобланади. Дастурнинг структураси ишлов берилиши лозим бўлган маълумотлар структурасига қараб аниқланади. Бунда дастур киритиладиган маълумотларни чиқариладиган маълумотларга айлантирувчи механизм сифатида қаралади. Бу метод қуйидагиларни кўзда тутади:

- киритиладиган ва чиқариладиган маълумотлар структурасини ишлаб чиқиши ва акс эттириш;
- ушбу структуравий элементларнинг тасвирини бир-бири билан боғлаш йўли билан дастур структурасини акс эттириш;
- маълумотлар структуралари устида бажариладиган дискрет операцияларни аниқлаш;
- маълумотлар структураларига ишлов бериш алгоритмини тузиш.

*б) Уорнер методологияси*

Бу методология ҳам олдингисига ўхшашиб, лекин лойиҳалаш ишлари кўпроқ деталлаштирилган. Лойиҳани акс эттиришнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- маълумотларни ташкил қилиш диаграммалари (киритиладиган ва чиқариладиган маълумотлар);
- мантикий давом этиш диаграммалари;
- таълимотномалар рўйхати (ложиҳада ишлатиладиган командалар);
- псевдокодлар (ложиҳанинг тавсифи);

- тизимнинг киритиладиган маълумотларини аниқлаш;
- киритиладиган маълумотларни иерархик структурасини тузиш;
- киритиладиган файлнинг элементлари форматларини батафсил қўриб чиқиши;

*в) Иерархик диаграммалар методи*


### **Моделни тузиш**

Кўпчилик ҳолларда моделни тузиш, мураккаб масала ҳисобланади. Моделлаштиришда тажриба орттириш учун иложи борича кўп, маълум (машхур) ва муваффақиятли чиққан моделларни ўрганиш лозим.

Моделларни тузишда, одатда, иккита тамойилдан фойдаланилади:


- дедуктив (умумийдан хусусийга);
- индуктив (хусусийдан умумийга).

Дедуктив усулда маълум фундаментал моделнинг хусусий ҳоли қўриб чиқилади. Бу ерда, берилган фаразлар асосида маълум модель моделлаштирилаётган объект шарт-шароитларига мослаштирилади.



8.1-расм. Дедуктив усулда моделни тузиш схемаси.

Индуктив усулда (8.2-расм) гипотезани таклиф қилиш, мураккаб объектни декомпозиция, таҳлил, сўнгра синтез қилишдан иборатdir. Бунда тизим хатти-харакатларидаги қонуниятларни аниқлаш мақсадида моделлаштириш ва хulosha чиқариш усусларидан кенг фойдаланилади.



8.2-расм. Индуктив усулда моделни тузиш схемаси.

Индуктив усулда моделни тузиш технологияси:

1) эмпирик, яъни тажрибага асосланган босқич:

- хулоса чиқариш;
- интуиция;
- фараз қилиш;
- гипотеза.

2) моделлаштириш учун масаланинг қўйилиши;

3) баҳолашлар (микдорий ва сифат тавсифи);

4) моделни тузиш.

### **Алгоритмни ишлаб чиқиши**

Алгоритмни ишлаб чиқиши – энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи, лекин ижодий нуқтаи назардан қараганда энг қизиқарли жараёндир.

Ишлаб чиқиши методини танлаш, масаланинг қўйилиши ва унинг моделига боғлиқ. Ушбу босқичда алгоритмнинг тўғрилигини текшириш лозим. Бу эса осон эмас, кўп меҳнат талаб этади. Алгоритм тўғрилигини исботлашнинг кенг тарқалган процедураси – бу турли тестлар мажмуидан уни ўтказишидир. Аммо булар ҳам дастурнинг тўғри ишлашига кафолат бера олмайди. Алгоритм тўғрилигини исботлашнинг умумий методикасига асосан алгоритм, қадамлар кетма-кетлиги кўринишида тавсифланади. Ҳар бир қадам учун ҳамма киритилиши (ушбу қадамгача бўлган шартлар асосида) ва чиқарилиши (ушбу қадамдан кейинги шартлар ҳисобга олинган ҳолда) лозим бўлган маълумотлар асосида унинг тўғрилигини исботловчи биронта исбот таклиф этилади. Сўнгра якуний киритиладиган ва чиқариладиган маълумотлар билан алгоритмнинг тугалланганлиги исботи таклиф этилади.

Ушбу босқичда алгоритм амалга оширилади, шу жумладан қуйидагилар бажарилади:

- кодлаштириш;
- интеграция қилиш;
- тестлаш (сертификациялаш).

Аслида лойиҳани конкрет компьютер учун дастур кўринишига келтириш, тизимни йиғиш ва тизимнинг спецификацияларига мос ҳолда тест ва нормал шароитларда унинг ишлашини тасдиқлаш амалга оширилади. Ушбу босқич қайси дастурлаш тили танланганлиги ва қайси компьютерда алгоритм амалга оширилганлигига боғлиқ. Маълумот типларини, киритиладиган маълумот структураларини танлаш, ташқи муҳит билан алоқа

ва шу кабилар юқоридагиларга боғлиқ бўлади. Интерактивлик, транслятор тури (компилятор ёки интерпретатор), оғастастурлар, модуллар ва объектлар кутубхонасининг борлигини билиш жуда муҳимдир.

Бу босқич фойдаланиладиган компьютер ресурсларини аниқ маълумотларга ишлов бериш вақтини баҳолаш, ҳамда маҳаллий тармоқ ва телекоммуникацияларда ишлашга мослашиш учун зарурдир. Бундан ташқари ушбу масала учун биронта миқдорий критерий бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бир неча алгоритмлар солиштирилиб улардан энг оддий ва самаралисини танлаш мумкин бўлади.

Дастурдан фойдаланишдан аввал, у, созлаш ва тестлаш босқичидан ўтиши лозим.

## **Назорат саволлари**

Дастурни лойиҳалаштириш деганда нимани тушунасиз?

Ишлов беришга мўлжалланган методларни санаб ўтинг?

Маълумотлар структурасидан фойдаланиб лойиҳалаш методлари санаб ўтинг?

## **Адабиётлар**

1. Соммервилл, Иан. Инженерия программного обеспечения, 6-е издание.: Пер. с англ. — М. :ИД “Вильямс”, 2002.
2. Снейдер И. С53 Эффективное программирование TCP/IP. Пер. с англ - М.: ДМК Пресс. (Серия «Для программистов») 2000.
3. Ш. Уолтон. Создание сетевых приложений в среде Linux. Руководство разработчика. М., ИД Вильямс 2001.


## **9- маъруза. Архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари.**

1. Тақсимланган тизимлар архитектураси.

2. Объектга йўналтирилган лойиҳалаш.


**Калим сўзлар:** *Объект, Объектли модуль, Объектли ёндашии, Матн шакли.*  
Дастур таъминотини яратиш ва ундан фойдаланиш босқичлари

ДТ нинг дастлабки ишлаб чиқилган моделларидан бири шаршара (водопод) модели (waterfall model) ҳисобланади. Бу моделнинг кейинги эволюцияси коммутация ти-зимларини эксплуатацион бошқарув самарадорлиги талаблари билан белгила-ниши, ҳамда янги телекоммуникация хизматларини оператив ва бу хизмат-ларнинг тезкор макетлаштириш асосида киритиш зарурияти дастлабки моделнинг ривожланиши бўлган V – моделга олиб келди.




9.1-расм. Каскадли – модел

Дастур таъминотини ишлаб чиқишининг каскадли модели



9.2-расм. Дастур таъминотини ишлаб чиқишининг V – модели

Бу иккала модел кейинги фаза ишлаши бошланишидан олдин ихтиёрий фаза иши тугалланишини кўзда тутади, бироқ бугунги кунда ДТ ишлаб чиқиша дастурлашнинг обьекти – мўлжалланган методологияси ишлатилади. Бу усул учун 9.3-расмда кўрсатилган Б.Боэм таклиф этган спиралли модел, ҳамда кетма – кет орттиришлар йўли билан ДТ яратишнинг итерацион жараёнига мос келувчисига тўғри келади.



ДТ ҳаётий даврининг бошқа фазаларининг деталларига аҳамият бермай телекоммуникацион дастурий таъминотни ишлаб чиқариш жараёнига диққатимизни қаратамиз.

Лойиҳалаш даражалари аниқлаштириш даражаси (қуйидан юқорига қараб ўсиш) ҳамда тавсифлашнинг турли воситалари билан фарқланади. ДТ тизимини юқори даражада тавсифлаш маълум маънода уни қуи даражада турувчи тавсифлашларнинг “Умумий аждодлари” оиласидан ҳисобланади.

Лойиҳалашнинг барча даражаларида (нафакат S даражада) ДТ ечадиган масалаларнинг кетма –кет спецификацияси амалга оширилади. Бу ерда спецификация деганда масалани амалга ошириш эмас балки, ўзи учун ҳарактерли бўлган атамалар тавсифи тушунилади, бу телекоммуникацион ДТ ни кейинчалик деталлаштириш ва ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Лойиҳалашнинг ҳар бир даражаси юқори даражадан спецификация олиб, ўз навбатида қуйида турувчи бирон – бир (ёки ундан кўп) даражага спецификациялар зарур бўлган маълумотларни тайёрлайди деб, ҳисобласа бўлади. Спецификацияларнинг хусусиятлари: бир маънолик, аниқлик, формаллик, тушунарлик ва ўқилишлиги. Юқорироқ даражанинг дастурлаш тили-

ни қуириқ даражадаги турға нисбатан спецификация тили деб ҳисоблаш мүмкин.

Бунда дастурий модулнинг спецификацияси модулнинг ўзидан кичик (қисқа) бўлиши шарт эмас, чунки ундан карралик эмас, аниқлик ва тушунарлик талаб қилинади. Коммутация тугунининг ДТ талабларининг таърифлари ва спецификацияси лойиҳалаш R даражасининг асосий вазифалари ҳисобланади. Бу даражада техник талаблар, станциянинг тузилмавий схемаси, коммутация ускуналар билан ДТ интерфейслари ва хоказолар ишлаб чиқилади. Биринчи даражада КТ чиқиш ва кириш ҳамда ишлаш жараёнининг ҳозирги ҳолатини сақловчи хотираға эга бўлган “қора кути” деб тасаввур этамиз. У чиқиш ва кириш орқали ташқи муҳит билан сигналлар алмашади. Ушбу босқични бажариш натижаси бўлиб, КТ нинг функционал спецификацияси ҳисобланади, бу спецификация амалга ошириладиган жараёнларнинг таркибини (чақирувларга хизмат кўрсатиш, абонентларга қўшимча хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш ва хак.), кириш – чиқиш сигналларининг таркиби ва ҳар бир жараён учун ҳолатлар ҳамда сигналлар алмашинуви алгоритмларининг тавсифига эга бўлишни ва жараёнлар ҳолатларининг алмашинувини белгилайди. КТ нинг функционал спецификацияси АТ ва ДТ нинг кейинги даражаларида лойиҳалаш бўйича ишларни режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди. АТ нинг тизимли лойиҳалашда исталган ижро тузилмаси асосида ҳамда у қабул қилувчи ва узатувчи сигналлар рўйхати таркиби аввал ишлаб чиқилган алгоритмларда жараёнлар ҳолатлар тавсифлари деталлаштирилади. Жараёнларнинг бу даражада деталлаштиришда (деталлаштиришнинг бу даражасида) ҳар бир ҳолат билан бу ИС нинг қурилма ва ускуналарининг бу ҳолатда банд қилган рўйхати солиширилади (қиёсланади). Алгоритмларни деталлаштириш ҳар бир кирувчи сигнал учун мувофиқ равишдаги амаллар тартиби жараёнини аниқлашдадир, булар жараённинг шу сигнали бўйича бир ҳолатдан бошқасига ўтишни ва жавоб чиқиш сигналини бериш учун зарур. Шу босқичда жараёнлар ва уларга мос алгоритмларни тузиш, стандарт жараёнларни ажратиш, жараёнлар орасида ахборот ва функционал алоқаларнинг таркиби ва усулларини аниқлаш бажарилади.

ЭБМ КТ нинг танланган тузилмасига қўлланилганда АТ ни деталлаштирилган лойиҳалашда олдинги босқичда жараёнлар ЭБМ БҚ ўртасида тақсимланади, хотира массивларининг таркиби ҳарактеристикалари ва тузилмаларини ҳисобга (инобатга) олган ҳолда аввалги ишлаб чиқилган алгоритмлар деталлаштирилади. Тавсифлаш тили сифатида одатда ўзига хос бўлган нуқсонларга эса табиий тил хизмат қиласди, яъни унинг бир маънога

эга бўлмаслиги, бу табиий тилнинг дастурий тизимларни тавсифлаш учун етарли даражада аниқ бўлмаганлигидадир, шу боисдан турли ишлаб чиқарувчилар айнан бир хил техник топшириқ сўзини ҳар хил тушуниши мумкин, ҳамда ДТ тавсифномасининг тўлиқ бўлмаслигидадир, бу ҳол яна шу билан мураккаблашадики, катта ва мураккаб телекоммуникацион дастурлар тизимини ишлаб чиқиша R даражага қандай ахборот етишмаётганлиги равshan бўлгунга қадар анча вақт ўтади. R даражада қандай лойиҳалашда юзага келадиган яна битта қийинчилик бу талаблар тавсифномаси семантиқасининг битта даражадаги деталлаштиришда ушлаб туриш мумкин эмаслигидадир. Натижада R даражанинг баъзи тавсифлари бир мунча туманли бошқалари эса хаддан ташқари деталлаштирилган бўлиб, унча муваффақиятли бўлмаган амалга ошириш элементларини тақдим этади, чунки бу танлов тизимнинг қолган қисмларини кўриб чиқмасдан ва ишлаб чиқувчига маълумотларнинг самарали тузилмаларидан лойиҳалашнинг кейинги даражаларида фойдаланиш ёки дастурлашнинг усулларини ишлатиш имконини бермайди.

Лойиҳалашнинг R даражаси тугаганидан сўнг, яъни коммутация тугуннинг дастурий тизимининг аниқ ташқи спецификацияси унинг нормал тавсифига алмаштиргандан сўнг ДТ архитектурасини ишлаб чиқиши бошланади (A даражада).

Лойиҳалашнинг A даражасини шартли равища иккита даражада остига олиш мумкин – функционал архитектурани ишлаб чиқиш ва тизимли архитектурани ишлаб чиқиш.

Бу даражада остиларни лойиҳалаш тамойиллари охирги йилларда принципиал ўзгаришларга учраган. Вычур тизимли ечимлар, тартибсиз бошқарув тузилмалар ва мингқаторли дастур остилар пухталик билан аниқланган ва яхши хужжатлаштирилган функционал модуллар билан аралашиб кетган. Сезиларли даражада лойиҳалашнинг мезонлари силжиди (ўзгарди) – бошқарув жараёнларини ресурсларини бошқариш алгоритмларига жараёнларнинг ўзаро хамкорлиги ва тизимларни тузилмалаш муаммоларига нисбатан сезиларли даражада камроқ (кичик) рол берилади. Худди ўша лойиҳалашнинг A даражасида дастурли тизимнинг тузилмавий модели ишлаб чиқилмоқда, у мазмунли функциялар иерархиясидан иборат бўлиб, унинг бажарилиш самараси коммутация тугун ва чақиравларига хизмат кўрсатиш ишига таъсир кўрсатади. Бундай тузилмавий модел ITUT тавсия қилган спецификация тилида ва SDL ёзилишида блоклар дарахтининг диаграммаси деб аталади. SDL объектида блок тушунчаси энг йирик объект бўлиб, бир ёки бир неча жараёнлардан иборат бўлади. ДТ тизимини

таркибий қисмларга бўлиш қуидагича бажарилади: бунда ҳар бир қисм қабул қилишга, унча катта бўлмаган қулай бўлиши ва табиий равишда функционал бўлиншига бўлиши, ва бўлиш натижасида юзага келадаган қисмлар ўртасидаги алоқалар иложи борича кучсиз бўлиши керак.

Бўлишнинг ҳар бир босқичида каналлар, кириш сигналлари, чиқиш сигналлари ва маълумотлар ҳам спецификацияланади. А даражанинг дастурий хужжати SDL – спецификацияларининг дастурий жараёнлари, тартиблари ва макросларини лойиҳалаш адабиётда баъзида ATC нинг алгоритмик таъминоти деб аталади. Ноформал тарзда алгоритмни бирон – бир масалалар синфидағи ихтиёрий масалани ечишнинг самарали тартибини аниқлайдиган (белгилайдиган) қоидалар мажмуаси деб қараш мумкин. Атаманинг ўзи IX асрнинг буюк ўзбек математиги Мухаммад ал – Хоразм номидан чиққан бўлиб ва демак жуда узоқдан танилган, лекин алгоритмлар математик объектлари сифатида ўтган асрнинг 30 – йилларидан эътиборан (буён) тадқиқот қилиб келинмоқда.

Алгоритм тушунчасини аниқлаш хусусан олганда қисман – рекурсив функция ёки Тюринг машинасига асосланган. Қатъий айтганда, ATC нинг дастурий бошқарув алгоритмини тузиш математик маънода ечиб бўлмайдиган муаммодир, чунки бундай алгоритмнинг аргументлар соҳаси албатта ўз ичига коммутация тугунининг реал вақтда ишлашининг ҳолатларини ва жорий қийматларни олади.

Бошқа томондан Черч тезиси маълум, унда ихтиёрий ҳисобланадиган арифметик функция қисман – рекурсивдир. Демак, ATC нинг дастурий бошқариш алгоритмини тузишнинг алгоритмик хал қилиб бўлмайдиган муаммолари оддий йириклаштирилган берилган мулоҳазалардан келиб чиқади: барча арифметик (сонли) функциялар – континиум, қисман - рекурсив – хисобли (чекланган) кўплиkdir. Шунга қарамай, алгоритмик таъминоти атамаси дастурий таъминот бўйича мутахассислар масканидан мустаҳкам ўрин олди.

S даражасини деталли лойиҳалаштириш дастурли модулларнинг интерфейслар спецификацияларни аниқлаш ва маълумотлар тузилмасини, ҳамда SDL - диаграммалар модулларини лойиҳалашни ўз ичига олади. Интерфейсларни аниқлашда интерфейс таркибига ҳосил қилувчи параметрлар, глобаллар ва хабарларнинг тартиби ва тузилмасини якуний аниқланади. SDL - диаграммалар бу оддий расмлар эмас, балки тугалланган ва бой тилдир. SDL механизмлари содда ва катта билдирадиган кучга эга. Бу SDL ни табиий ва ишлатиш учун қулай қиласи. Тилнинг сўзлари ва график белгилашлар билан узатиладиган ахборотли мазмунини аниқ қабул қилиш, ва SDL да ўқиши

ўрганиш учун унча катта бўлмаган амалиёт зарур бўлади. Бироқ аниқ белгиланган семантикали тил бўлгани учун SDL – диаграммалар ёзиш қоидаларига ва спецификация маъносини тушинтириш қоидаларига қаттиқ (қатъий) чекланишлар қўяди.

Шуни эслатиш лозимки, ITU-T да SDL тилини ишлаб чиқиш 70 – йиллар бошидан ўтказиб келинмоқда. SDL нинг биринчи версияси 1977 йилда, иккинчиси 1982 йилда, учинчиси эса, кенгайтирилган ва модерлаштирилган 1985 йилда чоп этилган. Бу версияларга мос равища SDL – 76, SDL – 82, SDL – 85 номлари берилган. Биринчи версиялар график псевдокод ёрдамида тизимни ярим формал ёзиш воситаларидан иборат бўлган, лекин коммутация тугунларининг спецификациясини бажарилишини ва тўлиқ формаллаштиришни яратгунча тизимни формалашган тузилмалаштиришли ёзиш имконияти секин асталик билан чукурроқ ривожланди. 6.1-жадвалда SDL график версиясининг асосий операторлари келтирилган. ДТ ишлаб чиқишнинг тугалловчи қадами дастурни кодлаш ва созлаш (лойихалашнинг Р – дараҷаси) бўлади, айнан Р даражани кўпчилик дастурлаш деб атайди.

Бу босқич давомида дастурни ишлаб чиқиш (деталли алгоритм) кодларга (дастурларга) айлантирилади (конвертиранади), улар бошқарув процессорларида бажарилиши мумкин. Дастурлар БҚ га тушунарли бўлган бирон- бир формал тилда ёзилади. Кўпгина деталли алгоритмларни кодлаш учун ITU юқори даражадаги CHILL дастурий тилни тавсия этади. CHILL ва АЛГОЛ, ПАСКАЛ ва ПЛ/1 тиллари асосида коммутация вазифаларига мўлжалланган ITU чегарасида ишлаб чиқилган. Баъзи алгоритмлар, аниқ жараённинг буйруқлар тизими ва тузилмасини инобатга олувчи қўйироқ даражадаги АССЕМБЛЕР ва МАКРОАССЕМБЛЕР хилидаги дастурлаш тилида ёзилади, уларнинг БҚ да бажарилиши вақт бўйича критикдир. Мур қонунига тўла мос равища, процессорлар ҳарактеристикаларини жиддий яхшилаш, юқори даражадаги тилларни самарали ишлатиш имкониятига олиб келди, бу тилларга кенг тарқалган телекоммуникация иловалари учун СИ++ тили киради.

ДТ ни созлаш босқичида берилган алгоритмнинг ҳар бир дастурини тўғри бажарилиши алоҳида текширилади (автоном созлаш), автоном созланган дастурлар мажмуага бирлаштирилади ва уларнинг мантикий ҳамда вақт бўйича ўзаро ҳамкорлигининг (мажмуа созлаш) тўғрилиги текширилади. ДТ ни эксплуатация қилиш босқичида БҚ нинг реал шароитларда ишлашида ДТ нинг ишлаш қобилияти ва эксплуатация тавсифлари текширилади, аниқланган хатоликларни тўғрилаш учун ДТ га зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича ишлар текширилади, ҳарактеристикалар ва функционал имкониятларни ях-

шилаш, БҚ қурилмаларини ўзгартиришга ва ўзаро алоқасини ва таркибини ўзгартиришга мослаштиради.

ДТ ни созлаш ва эксплуатация қилиш босқичларида ишларни бажариш учун маҳсус дастурый воситалар ишлатилади, улар билан хамкорлик қилиш учун ITU-T тавсия этган MML алоқа тили қўлланилади.

ДТ ни ишлаб чиқиши тавсифлаш жараёни етарли даражада мураккаб бўлиб, кўп меҳнатни талаб қиласди. Ёзилган дастур билан бошқарувли замонавий АТС ДТ сининг ҳажми 200 – 300 минг буйруқлар ташкил бўлганда, дастурчининг бир йилда ишлаш маҳсулдорлиги 500 – 1000 та буйруқни ташкил этса, ДТ ни ишлаб чиқишига тахминан 200 – 400 одам зарур бўлади. Параллеллаб ишлашнинг реал имкониятларини инобатга олиб, АТС ДТ ини ишлаб чиқиши рационал ташкил этилганда ДТ ишлаб чақиравчи жамоа одатда, 50 – 100 кишидан иборат бўлади. Мазкур шароитда АТС ДТ ни ишлаб чиқиш 3 – 5 йилни ташкил этади. ДТ нинг талаб даражасида сифатини таъминлаш учун уни ишлаб чиқиш меҳнат ҳажми унинг босқичлари ўртасида тўғри тақсимланган бўлиши керак. Хорижий давлатларнинг катта ҳажмидаги ДТ ни ишлаб чиқиш тажрибаси асосида, ДТ ни ишлаб чиқиш босқичлари бўйича ва амалий лойиҳалаш меҳнат ҳажмини қуидагича тақсимлаш мумкин: тузилмавий ва алгоритмик лойиҳалаш 25 – 35, кодлаш 10 – 15, автоном созлаш 20 – 25, мажмуа созлаш ва синовлар 30 – 40% ни ташкил қиласди.

Зарур сифатни таъминлаш учун ДТ ни пухта хужжатлаштириш мухим аҳамиятга эга, у ишлаб чиқишининг барча босқичларида ўтказилиши лозим. Хужжатларни тузишга кетадиган жами харажатлар умуман ДТ ни ишлаб

ДТ ишлаб чиқиш, муддатларини хақиқатдан қисқартириш ва унинг сифатини орттиришнинг самарали усуллари бу дастурлашнинг маҳсус технологиясини яратиш ва уни автоматлаштиришdir.

### **Техник топшириқ хужжати**

Техник топшириқ дастурый маҳсулотни асосий хужжати хисобланади. Техник топшириқ хужжатини ёзишдан олдин дастурый маҳсулотга қуидаги эксплуатацион талаблар рўйхатини тузиш зарур.

**1. Дастурый чекланишлар** – бунда дастур ишлаши лозим бўлган операцион тизим ва ишлаш жараёнида зарур бўлган дастурлаш воситалари келтирилади.

**2. Эргономик характеристикалар** – сифатида фойдалагувчилар ва операторлар томонидан ишлаб чиқариш қувватини оширувчи хусусиятлар кўрилади.

“Эргономика” грекча “мехнат ва қоида” маъносида ишлатилиб мехнат учун энг яхши шароит яратиш деганидир.

**3. Ишончлилик** – дастурй махсулотнинг ишончлилиги деганда маълум бир дастурй ёки қурилмалардаги узилишлар мавжудлигидан дастурий махсулотнинг ишини қайта тиклаш имкониятига айтилади.

**4. Мослашувчанлик** – дастурй махсулотни хар хил ЭХМлар билан биргалиқда ишлаш имконияти.

**5. Текширувчанлик** – яъни натижаларни текшириш имкониятлари.

**6. Универсаллик** – хар хил турдаги маълумотлар киритилганда дастур тўғри ишлаш эҳтимоллиги.

**7. Эффективлик** – техника воситалари ресурсидан минимал сонидан фойдаланиш. Масалан: оператив хотирани минимал ҳажмини ишлатиш.

**8. Адаптация** – тез-тез ўзгартириш имкониятлари.

**9. Дастурий махсулотнинг таннархи.**

Гост. 19.201-78 “Техническое задание. Требование к содержанию и оформлению”.

Бу стандарт бўйича техник топшириқ қуйидаги бўлимлардан иборат:

**1. Кириш қисми** – бунда дастурий махсулотнинг номи кераклиги, актуваллиги, шунга ўхшаш дастурлар билан солиштириш натижаси ва агар яратилган дастур бошқа махсулотнинг қисми сифатида ишлаб чиқарилган бўлса, унинг фақат янги хусусиятлари келтирилади.

**2. Ишлаб чиқаришга асос** – бунда дастурий махсулот қайси хужжат асосида ишлаб чиқиласпти, буйруқ ёки шартнома номерлари.

**3. Йўлланма** – бунда дастурий махсулотнинг асосий мақсади ёзилади.

**Қуйидаги дастурга техник топшириқ ёзиш.**

Мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган бир аргументлик функция  $y=f(x)$  дан график тузинг.

Ушбу дастур хисоблаш жадвалини кўрсатиш ва берилган интервалда берилган формула бўйича аргумент қадамини ўзгартириш керак.

**Техник топшириқ.**

1.Кириш. ушбу техник топшириқ битта аргументли функция қийматларини ва графигини чизадиган дастурга тегишли. Ушбу дастур юқори синфдаги мактаб ўқувчилари учун мұлжалланган.

Мактабнинг элементар алгебра курсида графикларни тахлил қилиш ва хисоблаш масаласи мухим масала хисобланади.

Бу масалани математик усулда ечиш жараёнида ўқувчилар бир ўзгарувчили функция графигини чизиб, қийматлар жадвалини тузиб, берилган интервалда, берилган қадам билан функцияning қийматини топиши керак.

Бу жараёнда мактаб ўқувчилари функцияning ташқи нүкталарини, нүкталар характеристикалари, илдизларини, биринчи ва иккинчи узилиш нүкталари таърифини ва формулаларини ишлатиш керак.

Дастурий махсулотта талаблар.

1. Функционал характеристикалар.

Дастур қуйидаги функцияларни бажара олиши керак:

- а) бир ўзгарувчили функцияning аналитик қўринишини киритиш ва узоқ вақт давомида уни тизимда сақлаб туриш;
- б) функцияning аниқлаш интервалини киритиш ва ўзгартира олиш;
- в) аргумент қадамини киритиш ва ўзгартириш.

Кўрсатилган оралиқда функция узилиш нүкталарига эга эмас шартига асосан шу интервалда функция қийматлар жадвалини ҳисоблаш ва графигини тузиш.

2. Бошланғич маълумотлар:

- а) функцияning аналитик қийматлари;
- б) функцияning аниқлаш интервали;
- с) берилган интервалда аргумент қадамини ўзгартирадиган холда нүкталар сонини аниқлаш.

3. Ишончлилик:

- а) киритилаётган маълумотларни текшириш имконияти;
- б) дастур билан ишлаётган вақтда фойдаланувчи нотўғри характеристларидан химоялаш.

4. Техник параметрларга талаблар:

- а) тизим шахсий компьютерлар тизимида ишлаши керак;

б) минимал конфигурация: процессор тури – Pentium ва ундан юқори. Оператив хотиранинг ҳажми – 32Мг ва ундан юқори

Дастурий махсулотнинг характеристикалари – функционал характеристика: - кириш ва чиқиш маълумотларининг кўриниши ва тартиби; эффективлик коефициенти; оператив хотиранинг максимал ҳажми.

5. Техник топширикқа тегишли хужжат – системали дастурчига кўрсатма.

### **Техник топширикқа тегишли хужжатлар:**

- а) ишлаб чиқарилган дастур листинглари шартли равишда изохларни ўз ичига олиши керак;
- б) ишлаб чиқарилаётган дастур асосий математик терминлар ва маълумотлар учун ахборотни ўз ичига олиши керак;
- с) 25-30 варақдан иборат тушунтириш хати;
- д) системали дастурчига кўрсатма.

Объектга мўлжалланган ёндошув дастурий тизимларни дастурлаш тилига боғлиқ бўлмаган ҳолда яратишида моделлардан систематик фойдаланишга асосланган. Ҳар бир модел унинг ўзи акс эттираётган предметнинг ҳамма хусусиятларини ифодалай олмайди, у факат баъзи жуда муҳим белгиларини ифодалайди. Демак модел ўзи акс эттираётган предметга нисбатан анча содда бўлади. Бизга шу нарса муҳимки модел энди формал конструкция ҳисобланади: моделларнинг формаллиги эса улар орасидаги формал боғланишларни аниқлашни ва улар орасида формал операциялар бажаришни таъминлайди. Бу иш моделларни ишлаб чиқиши ва ўрганишни ҳамда компьютерда реализация қилиши осонлаштиради. Хусусан эса, моделларнинг формал характеристери яратилаётган дастурнинг формал моделини олишини таъминлайди.

Шундай қилиб, объектга мўлжалланган ёндошув қуйидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ишлатилади:

- дастурий таъминотнинг мураккаблигини пасайтиради;
- дастурий таъминотнинг ишончлилигини оширади;
- дастурий таъминотнинг аълоҳида компоненталарни модификация қилишини осонлаштиради;
- аълоҳида компоненталардан қайта фойдаланишни таъминлайди.

Объектга мўлжалланган ёндошувнинг системали қўлланилиши яхши тузилмаланган, ишлатишда барқарор бўлган, осон модификация қилинувчи дастурий системаларни яратиш имкониятини беради. Айнан ана шу имкониятлар дастурчиларни объектга мўлжалланган ёндошувдан фойдаланишга жуда ҳам қизиқтиromoқда. Объектга мўлжалланган ёндошувли дастурлаш ҳозирги вақтда энг тез ривожланаётган дастур ёзиш технологияси хисобланади. Объектга мўлжалланган ёндошув иккита кисмга бўлинади:

- Объектга мўлжалланган дастурлар яратиш;
- Объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари.

### *3. Объектга мўлжалланган дастурлар яратиш.*

Объектга мўлжалланган дастурлар яратиш, дастур яратишда объектга мўлжалланган моделларни яратишга асосланган.

Объектга мўлжалланган дастурлар яратиш деганда биз:

- дастурий системаларни яратишдаги объектга мўлжалланган методологияни;
- бу технологияни қўлловчи инструментал воситаларни тушунамиз.

Объектга мўлжалланган дастурлар яратиш дастурий воситаларни яратишнинг ҳаётий циклининг биринчи боскичидеёк қўлланилиши мумкин ва у дастурлаш тилларига боғлик эмас. Яратиш жараёнида объектлар-бу формал конструкциялар бўлиб (масалан, бурчаклари ёйдан ташкил топган тўртбурчаклар) уларни объектлар акс эттиради. Объектга мўлжалланган дастурлаш яратиш демак объектга мўлжалланган методологияни (технологияни) қўллашга асосланган.

### *4. Объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари*

Объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари охирги вақтларда жуда оммавийлашган тилларга киради. Бундай тилларга қўйидагилар киради: C++, Visual C++, Visual Basic, Java ва бошқалар. C++ энг кўп тарқалган объектга мўлжалланган дастурлаш тилларига киради.

*Объектга мўлжалланган дастурлашда дастур объектларни ва уларнинг хусусиятларини (атрибутларини) ва уларни бирлаштирувчи синфларни тавсифлашга олиб келинади. Шу жумладан объектлар устида операциялар (усуллар) аниқлашга олиб келинади.*

Атрибутлар ва усулларни тадқиқ қилиш асосида базавий синфлар ва уларнинг ҳосилаларини яратиш имконияти тўғилади.

Объектга мўлжалланган дастурлашнинг яна бир назарий жиҳатдан жуда муҳим ва зарур хусусиятларидан бири ҳодисаларни ишлаш механизми ҳисобланади, улар ёрдамида объектлар атрибутлари қийматлари ўзгарилиди. Объектга мўлжалланган дастурлашда аввал яратилган объектлар библиотекаси ва усулларидан фойдаланиш ҳисобига объектга йўналтирилган дастурлашда анча меҳнат тежалади.

*Объектлар, синфлар* ва усуллар полиморфизм бўлишлари мумкин, бу эса ДВ нинг қўлай фойдаланишлиги ва универсаллигини таъминлайди.

### *5. ОЙДнинг асосий принциплари*

1. Ворислик
2. Инкапсуляция (усуллар ва хусусиятларни объект ичидаги сақлаш-яшириш).
3. Полиморфизм, берилмаларни ишлаш функцияларининг мавжудлиги.
4. Абстракция. Абстракция – бу идентификаторлардан фарқли бўлган исталган дастурлаш тили ифодаси ҳисобланади.

Объектга мўлжалланган дастурлашда ҳар бир объект принципиал динамик моҳиятга эга, яъни у вақтга боғлиқ ҳолда ва унга нисбатан ташқи факторлар таъсирида ўзгаради. Бошқача айтганда объект маълум бир даражада ўзини тутишига эга. Объектга мўлжалланган дастурлашда абстракция ОЙД нинг модели ҳисобланади. Синф умумий хусусиятлар ва ҳулк-атворга эга бўлган объектларни бирлаштиради. Битта синфга мансуб объектлар бир хил хусусиятларга эга бўлиб, бир хил хатти-харакат намоён этади.

Синфлар шаблон (қолип)га ўхшайди: улар объектларнинг экземплярларини тайёрлаш учун қўлланади. Белгилар - синфнинг ташқаридан кўриниб турган хусусиятлари. Объект ички ўзгарувчига бевосита киришни тақдим этганда ёки усул ёрдамида қийматни кайтаргандагина, ўз белгиларини намоён килиши мумкин.

Ҳулк-атвор - хабарга ёки ҳолатнинг ўзгаришига жавобан объект томонидан бажариладиган хатти-харакатлар. У объект нима қилаётганини билдиради.

**Назорат саволлари:**

1. Техник топшириқ хужжатини кўрсатинг.
2. Объектга йўналтирилган лойихалаш технологиялари нима?
3. Тизимнинг объектли модели нима?

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Гради Буч. Объектно –ориентированной анализ и проектирование с примерами приложений на С++. Невский диалект, 560 стр, 2001 г.
2. Грехем И. Объектно ориентированные методы. Принципы и практика. Вильямс. 879 стр, 2004 г.
3. Иванова Г.С. Объектно ориентированное программирование. Учебник. МГТУ им Баумана. 320 стр, 2003 г.
4. Страуструп Б. Язык программирования С++, "ДиаСофт", Киев 1993г.
5. Махмудов З.М. С++ дастурлаш тили. 118 бет, Самарқанд, 2008 й.
6. Ёрбеков Я. Объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари , 86 бет, Самарканд 2007 й.

## **10- маъруза. Тармоқли дастурлаш.**

**Режа:**

1. Коммуникациялар.
2. Сервисларни таъминлаш ва тармоқни ташкил этиш.
3. “Клиент- сервер” дастурлаш модели.

**Калит сўзлар:** *Коммуникациялар, Сервислар, Клиент- сервер, circuit switching, packet switching, message switching*

Коммутация жараёнининг вазифаларидан бўлган оқимлар ва керакли маршрутларни аниқлаш, махсус жадвалларда маршрутларни белгилаш, оқимларни мультиплекслаш, узатиш муҳитини тақсимлаш – техникавий масалалар барча тармоқ технологиялари асоси сифатида унинг функционал хусусиятларини белгилайди. Тармоқларда икки фойдаланувчи бир-бiri билан боғланиш жараёнида қуидаги асосий коммутация усуллари мавжуд:

- Каналлар коммутацияси (*circuit switching*);
- Пакетлар коммутацияси (*packet switching*);
- Хабарлар коммутацияси (*message switching*).

Каналлар коммутацияси тарихи дастлабки телефон тармоқларидан бошланади. Пакетлар коммутацияси 60 — йиллар охирида барпо этилиб, биринчи компьютер тармоқларида қўлланилган.

Коммутация усулларининг ҳар бири афзалликларга ва камчиликларга эга: мутахассислар фикрига кўра, пакетлар коммутациясига асосланган тармоқ технологиялари асосий ўринни эгаллайди

Каналлар коммутацияси тарихи дастлабки телефон тармоқларидан бошланади. Пакетлар коммутацияси 60 — йиллар охирида барпо этилиб, биринчи компьютер тармоқларида қўлланилган. Коммутация усулларининг ҳар бири афзалликларга ва камчиликларга эга: мутахассислар фикрига кўра, пакетлар коммутациясига асосланган тармоқ технологиялари асосий ўринни эгаллайди.

Каналлар коммутацияси усулида тугунлар ўртасида узлуксиз физикавий каналлар ҳосил бўлиб, коммутаторлар ёрдамида алоҳида канал қисмлари кетма-кет уланган бўлади, бир нечта физикавий каналлар ягона физикавий канални ташкил этади ва ҳар бир каналда узатиш тезлиги бир

хил бўлиш шарти асосланган. Бундай ягона канал маълумот узатиш жараёнидан аввал ўрнатилиши керак бўлади ва бу канал улаш ўрнатиш жараёнида фақат ушбу боғланишга хизмат қиласди.

**Пакетлар коммутацияси** асосан, компьютер трафигини узатишга мўлжалланган бўлиб, маълумот алмашувини самарали равишда ташкил этишга имкон беради.

Пакетлар коммутациясида фойдаланувчилараро узатилаётган хабарлар кичик қисмларга — пакетларга бўлинади. Маълумот узатиш тармоқларида пакет асосий узатиш бирлиги ҳисобланади. Катта ҳажмдаги хабарлар кичик пакетларга бўлиниши тармоқда маълумот узатиш тезлигининг кескин ошишига олиб келади. Хабарлар турли узунликга эга бўлиши мумкин — бир неча байтдан ўнлаб мегабайтгача, пакетлар эса ўзгарувчан узунликка эга бўлишлари мумкин.

Ҳар бир пакет керакли тугунга етиб бориши учун адрес ахбороти белгиланган сарлавҳа қисми билан бошланади. Пакет турли қисмлардан иборат бўлиши мумкин ва қуидагиларни ўз таркибида олиши шарт:

- узатувчини (source) ифодалайдиган манба манзили;
- узатилаётган маълумотлар;
- қабул қилувчининг (destination) манзили;
- тармоқ воситаларига маълумот узатилиши лозим бўлган маршрут ахбороти;
- хабарни дастлабки кўринишда тақдим этувчи ахборот;
- узатиш аниқлигини таъминловчи хатоликларни текшириш ахбороти.

Пакетлар коммутациясида бир вақтда узатилаётган маълумотлар ҳажми нисбатан юқори бўлади ва узатиш тезлиги ошади.

Сарлавҳалар узатилишига вақт сарфланиши, ҳар бир кейинги пакетни узатишга зарур бўлган вақт, пакет буферизацияси ва коммутациясига сарфланган вақт тармоқдан пакетни умумий узатиш вақтига таъсир кўрсатади ва тўсқинликлар манбаи бўлади.

Пакетли коммутациянинг афзалликлари:

- пульсацияли трафикни узатишда тармоқнинг ўтказиш қобилиятини ошириш имкониятини беради;
- фойдаланувчилараро трафик ҳолатини инобатга олган ҳолда, тармоқ шароитига нисбатан физикавий каналларнинг ўтказиш қобилиятини

тақсимлаш имкониятини беради.

### Пакетли коммутациянинг камчиликлари:

- коммутаторларнинг буферларидаги халақит тармоқ ҳолатига боғлиқ бўлганилиги сабабли фойдаланувчиларо узатиш тезлигининг ноаниқлиги;
- маълумот пакетларининг ўзгарувчанлиги;
- буферларда навбатлар ортиб кетганлиги сабабли маълумот (пакетлар) йўқолиши.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида турли усуллар қўлланилади (Quality of Service QoS каби). Бундай усуллар қўлланилиши сабабли пакетлар коммутацияси ҳозирги кунда юқори тезликли тармоқларни ташкил этишда энг самарали деб тан олинган.

Пакетли коммутация тармоқлари икки хил ишлаш тартибига эга: виртуал каналлар тартиби (уланиш орқали алоқа) ва дейтаграммали тартиб (уланишсиз алоқа).

**Хабарлар коммутацияси** усули ўз вазифалари бўйича пакетлар коммутациясига яқин. Бу усулда маълумотларнинг тўлиқ блоки тармоқнинг оралиқ тугунларида вақтинча сақланиб, транзит тугунлариаро узатилади. Хабар таркибидаги ахборот унинг узунлигини белгилайди.

Транзит тугунлар ўзаро боғланишда нафақат пакетли, балки каналлар коммутацияси асосидаги тармоқдан фойдаланишлари мумкин. Хабар оралиқ тугунда бирор вақт сақланиши мумкин ва тармоқ бўшаши билан керакли фойдаланувчига етказилади

Бундай ишлаш зарурияти юқори бўлмаган хабарлар етказилишида қўлланилади (мисол учун, электрон хат, матнли хужжат, файл) ва оралиқ «сақлаш билан узатиш» (store— and-forward) усули номини олган. Ҳозирги кунда хабарлар коммутацияси, асосан, пакетли коммутация тармоқларида қўлланиш поғонаси хизмати сифатида фақат баъзи тезкор бўлмаган хизматлар ташкил этишда қўлланилади.

**Дейтаграммали тартиб.** Дейтаграммали тартибда ахборотлар дейтаграммаларга бўлинади. Дейтаграмма-коммутация пакетлари билан ҳисоблаш тармоқларидаги бир хил ахборотнинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда узатиладиган маълумот қисмидир. Маълумотларни дейтаграммали тартибда узатиш тезроқ амалга оширилади, чунки виртуал уланишни ўрнатиш жараёнига вақт сарфланмайди. 7.6-расмда пакетли узатишнинг дейтаграммали тамойили келтирилган. Бунда 7.6-расмдан кўриниб турибдики R1 маршрутизаторига келиб тушган пакетлар охирги

тугун N2, A2 манзилига узатилганда иккита йўналиш орқали, яъни R1 ва R3 маршрутизаторлари орқали ҳар бир йўналиш бўйича юкламани камайтиради.

### **Дастурлаш «файл-сервер» архитектураси**

Маълумотлар билан ишлашда тармоқдаги ҳар бир фойдаланувчи компьютерида маълумотлар базасининг **локал нусхаси** ишлатилади. Ушбу МБ нусхаси доимий равища маълумотлар базаси серверидаги маълумотлар билан **янгиланиб** туради.


«Файл-сервер» архитектураси одатда фойдаланувчилар сони кўп бўлмаган тармоқларда қўлланилади. Уни татбиқ қилиш учун **Paradox ёки dBase** каби МББТларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу архитектуранинг афзаллиги шундан иборатки, уни **жорий қилиш** жуда осон ҳамда дастур битта фойдаланувчига мўлжаллаб яратилади яъни тармоқдаги бошқа компьютерларга боғлиқ эмас.

### **«файл-сервер» архитектура камчиликлари:**

Фойдаланувчи бирор бир жадвалда сўров натижасида маълумотлари янгиланиб турадиган ўз МБ локал нусхаси билан ишлайди. Бунда бирор маълумотлан фойдаланиш учун сервердан ушбу маълумот жойлашган бутун жадвалнинг янги нусхаси жўнатилади. Агар фойдаланувчига бир нечта жадвалдаги маълумотлар керак бўлса, у холда сервердан тармоқ орқали жадвалларнинг баркаси жўнатилади. Бунинг оқибатида тармоқда маълумотлар **оқими ва ҳажми** ошиб кетади ва ахборот тизими ишлаш қувватининг **пасайишига** олиб келади.

Ҳар бир компьютерда МБ нинг ўз локал нусхаси бўлганлиги учун, бирор фойдаланувчи томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар маълум вақт мобайнида бошқа фойдаланувчилар маълум бўлмайди. Бунинг учун МБ ни доимий равища **янгиланиб туриши** талаб этилади.

МБни бошқариш турли компьютерлар томонидан амалга оширилганлиги сабабли, сезиларли даражада маълумотларга мурожаат қилиш **назоратини ташкил этиш** ҳамда маълумотлар базаси **бутунилиги ва хавфсизлигини** таъминлаш қийинлашади.



### 10.1-расм. «клиент-сервер» дастурлаш архитектураси

**Масофавий МБ** тармоқнинг сервер компьютерида, маълумотлар базаси билан ишловчи дастур эса фойдаланувчи компьютерида жойлашади. Ушбу ҳолатда ахборот тизими маълумотлар базаси сервер ва клиент қисмларига бўлинган «клиент-сервер» архитектураси билан ишлашга тўғри келади. Сервер компьютери клиентдан алоҳида жойлашган бўлганилиги учун уни масофавий сервер ҳам деб аташади.

**Клиент** – бу фойдаланувчи дастуридир. Маълумотлар олиш учун клиент дастури сўровлар шакллантиради ва МБ жойлашган масофавий сервер жўнатади. Сўров маълумотларнинг реляцион моделидан фойдаланишда серверга мурожат қилишнинг стандарт воситаси бўлган SQL тилига шакллантирилади. Сўров сервер компьютери томонидан қабул қилингандан сўнг, МБ бошқарувчи, сўровларни бажарувчи ва клиентга сўров натижаларини узатувчи маҳсус дастур бўлмиш SQL серверга (маълумотлар базаси сервери) узатилади.

Шундай қилиб, «клиент-сервер» архитектурасида клиент маълумотларни тақдим этиш учун сўров жўнатади ва хақиқатан талаб қилинган маълумотларнинг ўзинигина қабул қилиб олади. Сўровларнинг барча қайта ишлашлари масофавий серверда бажарилади.


#### Ушбу архитектура қуйидаги афзалликларга эга:

«Клиент-сервер» архитектурасида фақатгина талаб қилинган маълумотларнинг айланиши натижасида тармоқ юкламаси пасаяди;

Барча сўровларнинг серверда жойлашган ягона дастур ёрдамида қайта ишланиши ҳисобига маълумотларнинг хавфсизлиги ошади. Сервер барча фойдаланувчилар учун бир умумий бўлган МБ дан фойдаланиш қоидаларини

ўрнатади, клиентларнинг маълумотларга мурожат қилиш режимларини бошқаради, яъни бир нечта фойдаланувчилар томонидан битта маълумотни бир вақтнинг ўзида ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

МБ ни назорат қилиш ва унга бўлган мурожатларни чеклаш кодларининг мавжуд эмаслиги клиент дастурлари соддалашишига олиб келади.



**10.2-расм. Икки сатхли «клиент-сервер» архитектурси**

**Ахборот тизимларининг икки ва уч сатхли «клиент-сервер» архитектураси**

1. «Клиент-сервер» архитектурасини амалга ошириш учун одатда кўп фойдаланувчи МББТ ларидан фойдаланилади, масалан, Oracle ёки Microsoft SQL Server. Бундай МББТ лари саноат МББТ лари деб ҳам аталади, чунки булар корхона ёки ташкилотнинг кўп фойдаланувчили ахборот тизимларини яратиш имконини беради.
2. МББТ лари мураккаб тизимлар ҳисобланади ва юқори қувватли ҳисоблаш техникасини ҳамда мос хизмат кўрсатишни талаб қиласди.
3. Тизимга МБ тизими администратори деб юритиладиган мутахассислари (мутахассислар гурухи) томонидан хизмат кўрсатилади.

**Уч сатхли «клиент-сервер» архитектурасининг асосий афзалликлари қўйидагилардан иборат:**

1. амалларни бажариш билан боғлиқ сервер юкламасининг бир қисми дастурлар серверига ўтказилган;

2. умумий мурожат кодларининг дасурлар серверига ўтказилиши хисобига клиент дастурлари ҳажми қисқарди;
3. барча клиентлар учун бир хил муносабат ўрнатилади;
4. клиент дастурлари созлашларининг содалашиши – дастурлар серверидаги умумий кодларнинг ўзгариши хисобига автоматик равишда барча клиентларнинг муносабати бир хилда ўзгаради.
5. Шуни айтиб ўтиш керакки, МБларининг локал дастурлари *бир сатхли*, МБларининг клиент-сервер дастурлари эса *кўп сатхли* хисобланади.

"клиент-сервер" модели:

1. – файл-сервер модели (FileServer – FS);
2. – масофадан маълумотни бошқариш (RemoteDataAccess – RDA);
3. – маълумотлар базаси сервери (DataBaseServer – DBS);
4. –сервер иловалар модели (ApplicationServer – AS).

### **Назорат саволлари**

1. Коммуникацияларни тушунтириинг
2. Каналлар коммутацияси (*circuit switching*) тушунтириинг;
3. Пакетлар коммутацияси (*packet switching*) тушунтириинг;
4. Хабарлар коммутацияси (*message switching*) тушунтириинг.

### **Адабиётлар**

1. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы технологии. Протоколы // Учебник для вузов. 4-е изд. СПб.: Питер, 2010.
2. Tanenbaum, Andrew S. Computer Networks, 5th ed. Upper Saddic River, NJ: Prentice Hall, 2011.
3. Kurose, James F., and Ross, Keith W. Computer Networking, 6th ed. Reading, MA: Addison-Wesley, 2012.
4. Jennings, D. M., Lancaster, L. M., Fuchs, I. H., Farber, D. H., and Arison, W. R “Computer Networking for Scientists and Engineers,” Science, vol. 231.
5. David Reilly, Michael Reilly, Java Network Programming and Distributed Computing, Addison-Wesley (ISBN: 0-201-71037-4).

### **Интернет сайтлари**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>

## **11- маъруза . Тармоқли дастурлаш.**

### **Режа:**

1. Тармоқ тугуни (хост)нинг ташкил этилиши.
2. Хостдан хостга маълумот узатиш.
3. Интернет-илованинг аппарат ва дастурий таъминотининг ташкил этилиши.

**Калит сўзлар:** *Тармоқ тугуни, Хост, веб-саҳифа, HyperText Transfer Protocol, Hypertext Transfer Protocol Secure, Post Office Protocol Version 3*

Хост интернет тармоғида компьютер деб номланади. Турли хил Операцион тизимларни қўллаб қувватлайди. TCP\IP протоколлари асосида ишлайди

Хостинг хизмати ва ахборотларни жойлаштириш

- Фойдаланувчи веб-саҳифаларини интернет провайдери серверида жойлаштириш ва жорий қилиш амали хостинг деб аталади.
- Хостинг сўзи тўла қонли икки томонлама алоқа билан таъминланган тармоқдаги компьютерни билдирувчи хост сўзидан олинган.

Хостинг хизмати қуйидаги имкониятларни тақдим этиши зарур:

- ахборот макони;
- интернет каналининг ўтказиш қобилияти (кенглиги);
- файлларни бошқариш усуллари;
- стандарт скрипtlар тўплами;
- сервер томонида дастурлаш мумкинлиги;
- серверда маълумотлар базаларидан фойдаланиш;
- бир ёки бир неча почта қутиларини ташкил этиш;
- узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш.

HTTP (*HyperText Transfer Protocol* — “гиперматн” жўнатиш протоколи) — маълумотларни узатиш илова поғонадаги протоколи. HTTP “клиент-сервер” технологиясига асосланган, яъни уланган ва сўров жўнатган клиентларга жавоб беради.

HTTPS (Hypertext Transfer Protocol Secure) — HTTP протоколининг кенгайтирилгани бўлиб, маълумотларни шифрлаб узатиш учун қўлланилади.

Жүнаталиётган маълумотлар, SSL ёки TSL криптографик протоколлари билан сиқилган ҳолда жүнаталиди.

**Short message peer-to-peer protocol (SMPP)** – SMS сервер клиентлари орасида алоқа учун протокол. SMS ва USSD хабарларни жүнатаиш учун мўлжалланган.

Протокол алмашишда PDU (protocol data units, протоколнинг маълумот пакетлари) га асосланган бўлиб, OSI нинг 4 чи поғонасида жүнаталиди.

Узатиш самарадорлигини ошириш учун PDU нинг бинар кўриниши мавжуд. Пакетлар алмашуви синхрон кўринишда яъни сўровни жўнатгандан кейин жавоб қайтганга қадар пакетлар алмашуви тўхтатилади, ҳамда асинхрон кўринишда яъни сўровлар тўхтовсиз жўнаталиди, жавобларга ишлов бериш эса унинг қайтишига қараб бажарилади.

**SMTP** (*Simple Mail Transfer Protocol* — почта жўнатаиш оддий протоколи) бу электрон почтани TCP/IP тармоқларида жўнатаиш учун мўлжалланган тармоқ протоколи.

**POP3** (*Post Office Protocol Version 3* — почта бўлими протоколи, 3 чи версия) почта клиенти-дастурида ишлатилиб, сервердан электрон почта хабарларини олиш учун ишлатилади. Одатда SMTP протоколи билан жуфтликда ишлатилади


**ESMTP** (*Extended SMTP*) — кенгайтирилган SMTP. Ҳозирги вактда SMTP протоколи деганда ушбу протокол тушунилади.

**IMAP** (*Internet Message Access Protocol* — «интернет электрон почтага уланиш протоколи») — электрон почтага кириш учун амалий поғонадаги протокол. POP3 протоколи ўхшаш бўлиб, кирувчи хатлар билан ишлашни таъминлайди. Бундан ташқари калит сўзга асосланган ҳолда қидиравни хам бажарса бўлади.

**SIP** (*Session Initiation Protocol* — сеанс ўрнатиш учун протокол) — фойдаланувчи интернет-сеансини ўрнатиш ва ўчириш учун стандарт бўлиб, мультимедиали маълумотларни алмашишни хам таъминлайди, яъни аудио-видео конференция, тезкор хабар ҳамда онлайн ўйинлар. SIP асосан овозли ҳамда видео чақиравларни ўрнатиш учун ишлатилади.

### **Unicast, Broadcast, Multicast.**

**Unicast** (юникаст) – бит хостдан бошқа бир хостга пакетларни жунатиш. Unicast клиент-сервер технологияси асосида ишлайди. Масалан (peer-to-peer).




Unicast Message

### 10.1-расм. Unicast


**Multicast** (мультикаст) – битта хостдан бошқа бир нечта чегараланган хостлар гурухига пакеларни жунатиш.

MulticastSocket



### 10.2-расм. Multicast

**Broadcast** (бродкаст) – битта хостдан бошқа бирнеке хостларга пакетларни жунатиш (TV)



### 10.2-расм. Broadcast

**Internet** фойдаланувчиларга **Ахборот** (информацион) ва **коммуникацион хизматларини** кўрсатиб келмоқда;

**Ахборот хизматлари** - бунга ахборотлардан фойдаланишга рухсат берувчи хизматлар киради

- тармоқнинг ахборот ресурслариға, яъни серверда мавжуд бўлган ахборотларни олиш. Мисол учун хужжатлар, файллар, ҳар хил турдаги маълумотлар базасидан ахборотларни олиш ва бошқалар.
- тармоқقا шахсий маълумотларни жойлаштириш. Маълумотларни жойлаштириш учун тармоқда жуда хам кўп миқдорда серверлар мавжуд бўлиб, уларга бепул маълумотлар жойлаштириш мумкин.

**Коммуникацион хизматлар** - мулоқот ва маълумотларни алмашиш хизматлари:

- қурай вақтларда маълумотларни ўзаро алмашиш. Мисол учун электрон почта мана шу тарзда ишлайди. Юборувчи маълумотни қабул қилувчининг почта қутисига жўнатади.
- реал вақт режимида маълумот алмашиш. Мисол учун тармоқ орқали сўзлашиш. Буларга чат серверлари хизматлари киради

Интернат тармоғига уланган ҳар бир компьютер ўзининг ноёб **IP** адресига

эга бўлади.

**IP-адрес** - Нуқталар билан ажратилган тўртта сондан (октет )иборат ноёб

сон. Ҳар бир сон 0-255 оралиғида бўлиши лозим. Масалан, **212.134.145.156**.

Компьютердан осонроқ эркин фойдаланиш учун одатда унинг домен номидан

фойдаланилади.

Интернетга уланган тармоқларни қуришда IP манзиллар провайдер

томонидан тақдим этилган оралиқдан танлаб олинади.

Провайдер томонидан берилган IP манзилга эга бўлмаган компьютерлар (йўналтириш тўғри созланганда) маҳаллий тармоқлар учун заҳираланган оралиқдаги IP манзилларга эга бўлиб, бошқа маҳаллий

компьютерлар билан ишлаши мумкин: 192.168.0.1 - 192.168.255.255 172.16.0.1 - 172.16.255.255 10.0.0.1 - 10.255.255.255

Ушбу компьютерлар Интернетга прокси серверлар ёрдамида уланиши мумкин.

- IP - адрес

- N=2<sup>32</sup>=4 294 967 296 та адреслар

Синфли адреслаш.

Синф				Тармоқ адреси	Тармоқлар сони	Компьютер адреси	Компьютерлар сони
A	0			7 бит	128	24 бит	16 777 216
B	1	0		14 бит	16 384	16 бит	65 536
C	1	1	0	21 бит	2 097 152	8 бит	256

- А синф адреси - 0 дан 127 гача
- В синф адреси - 128 дан 191 гача
- С синф адреси - 192 дан 223 гача
- D синф адреси - 224 дан 239 гача
- Е синф адреси - 240 дан юқори

### Домен тушунчаси

Домен номлар тизимиға (DNS - Domain Name Systems ) биноан компьютер тармоғи боғламасига берилган ноёб белгили ном. Internet тармоғида бу доимий IP-манзилга эга бўлган қурилма номидир. Одатда у боғламанинг умумий жойлашишини белгилайди. Ҳар бир домен номи тармоқда рўйхатдан ўтказилиб, алоҳида компьютер ёки функционал гурух (домен)га бирлаштирилган идентификатор бўлиб хизмат қиласади. Масалан, [www.mvs.gov.uz](http://www.mvs.gov.uz) 3-поғона домени; mvs.gov.uz 2- поғона домени; gov.uz 1- поғона домени; uz 0- поғона домени.

Шундай қилиб, юқори поғона доменлари шажараси ташкил бўлади: юқори поғона uz (Ўзбекистон) домени, ўз ичига олган gov (ҳукумат) домени, уни ўз ичига олган mvs (Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги) ва уни ўз ичига олган www (www сервери). Нолинчи поғона доменлари ҳар доим тармоқ номларини билдиради. Нол поғона доменлари - ICANN томонидан.

1чи ва ундан юқори поғона доменларини тақсимлаш ваколатли ташкилотлар ва провайдерлар томонидан амалга оширилади.

•ICANN - (Internet Corporation for As signed Names and Numbers ) домен номларини бошқарувчи ҳалқаро марказ ([www.icann.org](http://www.icann.org)) Эътибор берган бўлсангиз доменлар номи кўпинча **.com**, **.edu** ёки **.org** билан тугайди.

**\*.com** Тижорат ташкилотлари учун ишлатилади, масалан: [microsoft.com](http://microsoft.com), [ibm.com](http://ibm.com).

**\*.edu** Ўқув муассасалари учун ишлатилади, масалан: [vcu.edu](http://vcu.edu) (Virginia Commonwealth University), [cmu.edu](http://cmu.edu) (Корнеги Меллон Университети), [wsu.edu](http://wsu.edu) (Washington State University)

**\*.gov** Давлат муассасалари учун ишлатилади, масалан: [gov.uz](http://gov.uz) Ўзбекистон хукумати; [whitehouse.gov](http://whitehouse.gov) (АҚШ ОҚ уй),

**\*.org** Нотижорат ташкилотлар учун ишлатилади, масалан: [irex.org](http://irex.org) (Айрекс ташкилоти), [redcross.org](http://redcross.org) (Америка қизил крести).

**\*.pe\*** Internet нинг хизмат провайдерлари учун ишлатилади, масалан: [internic.net](http://internic.net) (InterNIC), [si.net](http://si.net) (Sprint International). Бундан ташқари Давлатларни ифодаловчи кодлар хам мавжуд: \*.uz - Ўзбекистон \*.ru - Россия \*.us - АҚШ \*.kr - Корея \*.kz - Қозогистон \*.tr - Туркия \*.uk - Буюк Британия \*.jp - Япония ва бошқалар

## **Назорат саволари**

1. Коммуникация хизматлари нима?
2. IP-адрес нима?
3. Домен нима?
4. А синф IP-адреслари қайси оралиқда бўлади?
5. В синф IP-адреслари қайси оралиқда бўлади?
6. С синф IP-адреслари қайси оралиқда бўлади?
7. Д синф IP-адреслари қайси оралиқда бўлади?
8. Е синф IP-адреслари қайси оралиқда бўлади?

## **Адабиётлар**

1. Хелд Г. Технологии передачи данных. 7-е изд, -СПб Питер, К.: Изд. Группа BHV, 2003.
2. TCP/IP Sockets in Java, 2nd Edition, by Kenneth Calvert, and Michad Donahoo, Morgan Kaufmann, 2008 (ISBN: 978-0-12-374255-1) - key sockets programming techniques; an introduction to NIO.
3. W. Richard Stevens, TCP/IP Illustrated, Volume 1: The Protocols, Addison-Wesley, 1994 (ISBN: 0201633469).

## **12- маъруза. Ресурсларни таъминлаш. тармоқнинг сервисли архитектураси**

Режа:

1. Ресурсларни таъминлаш.
2. Тармоқнинг сервисли архитектураси

**Калит сўзлар:** *service-oriented architecture, jini, CORBA, REST, Инкапсуляция*

**Сέрвис–йўналтирилган архитектура (SOA, инг. service-oriented architecture)** — дастурий таъминот ишлаб чиқишида модулли ёнлашув хисобланади.

Дастурий комплекс, Сέрвис – йўналтирилган архитектура одатда веб хизматларни хосил килади. SOAP, проколи сифатида. Яна бошқа дастурий таъминотлар хам мавжуд (мисол jini, CORBA, REST).

**Сέрвис – йўналтирилган архитектура** компонент интерфейси Сέрвис – йўналтирилган архитектура инкапсулчия жараёнини табдили килади

**Инкапсуляциялаш** - маълумотларнинг ва шу маълумотлар устида иш олиб борадиган кодларнинг битта объектда бирлаштирилишидир. ОМД атамачилигига маълумотлар объект маълумотлари аъзолари деб, кодлар объектли методлар ёки функция-аъзолар деб аталади.

Инкапсуляциялаш объектни ташқи муҳитдан максимал даражада ажратиш имконини беради. Бу ишлаб чиқилаётган дастурларнинг ишончлилигини сезиларли даражада оширади, чунки объектда мужассамланган (локаллаштирилган) функциялар дастур билан нисбатан кам ҳажмдаги маълумотларни алмашинади, бунинг устига ушбу маълумотларнинг микдори ва тури одатда синчковлик билан назорат қилинади. Натижада объектда инкапсуляланган функциялар ва маълумотларнинг алмаштириб қўйилиши ёки ўзгартирилиши умуман олганда дастур учун яхши кузатиб бўлмайдиган оқибатларни олиб келмайди.

Инкапсуляциялашнинг яна бир муҳим натижаларидан бири шундаки, бунда объектлар алмашинуви, уларнинг бир дастурдан иккинчисига ўтказилиши осонлашади. ОМД да инкапсуляция тамойилининг соддалиги ва қўлайлиги дастурчиларни

Архитектура кенг паласи спектр технологиясидан фойдаланади. REST, RPC, DCOM, CORBA ёки веб-сервислар технологиясини кўллаб қувватлайди.

**Маълумотларни сақлаш бу компьютерни энг асосий вазифаларидан бири** бўлиб ҳисобланади. Маълумотларни сақлашнинг энг кенг тарқалган кўринишларидан бири бу маълумотлар омбори (МО). Маълумотлар омбори бу маҳсус шаклдаги(форматдаги) файл бўлиб, ўз таркибида маълумотларни маълум кўринишда сақлади.

Маълумотлар омборини шартли холда икки қисмдан иборат деб ҳисобласа бўлади. МОнинг тузилиши(структураси,шакли) ва бу структуранинг ичидаги сақланаётган маълумотлар.

**Хабарларни сақлаш** – турли хил маълумотлар ташувчилар ёрдамида маълумотларни сақлаш.



Маълумотларни сақлаш маълум бир жараёнлар асосида амалга тоширилади. Асосий жараёнлар маълумотларни сақлаш, маълумотлар тузилиши ва уларни массивлар асосида яратиш

Маълумотларни сақлаш қуйидаги жараёнларда амалга оширилади.

- ташқи;
- концептуаль;
- ички;
- физик.


**Ташқи** – маълумотларни ташқи қурилмаларда сақлаш отражает.

**Концептуаль** – маълумотларни массив қўринишида сақлаш (файл, массив, тақсимланган маълумотлар).

**Ички** – маълумотларни массивлар асосида дастурчилар томонидан хоитрага сақлаш

**Физик** – аниқ физик қурилмаларда маълумотларни сақлаш.

Ўзаро боғлиқ маълумотларни сақлаш



Компьютерлар орасида маълумот алмашиш ва умумий масалаларни биргалиқда ечиш учун компьютерларни бир-бири билан боғлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Компьютерларни бир-бири билан боғлашда икки хил усулдан фойдаланилади:

Компьютер тармоқлари ахборотларни электр сигналлари кўринишида узатиш ва қабул қилишга ихтисослашган мухит. Тармоқ хизматларига қўйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

- **Файл сервер хизмати.** Бунда тармоқдаги барча компьютерлар асосий компьютернинг (сервер) маълумотларидан фойдаланиш ёки ўз маълумотларини асосий компьютер хотирасига жойлаштириш мумкин;
- **Принт сервер хизмати.** Бунда тармоқдаги барча компьютерлар ўз маълумотларини хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали қофозга чоп қилиши мумкин;
- **Прокси сервер хизмати.** Бунда тармоққа уланган барча компьютерлар хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали бир вақтда Интернет ёки бошқа хизматлардан фойдаланиши мумкин;
- **Компьютер ва фойдаланувчи бошқаруви хизмати.** Бунда тармоққа уланган барча компьютерларнинг ва уларда қайд қилинган фойдаланувчиларнинг тармоқда ўзини тутиши ҳамда фаолият юритиши белгиланади ва назорат қилинади.

## **Назорат саволлари**

1. Сérвис—йўналтирилган архитектўра тушунтиринг
2. Инкапсулятциялаш тушунчаси
3. Файл сервер хизмати

## **Адабиётлар**

1. Соммервилл, Иан. Инженерия программного обеспечения, 6-е издание.: Пер. с англ. — М. :ИД “Вильямс”, 2002.
2. Снейдер И. С53 Эффективное программирование TCP/IP. Пер. с англ - М.: ДМК Пресс. (Серия «Для программистов») 2000.
3. Ш. Уолтон. Создание сетевых приложений в среде Linux. Руководство разработчика. М., ИД Вильямс 2001.
4. Igor Potapov, Protocol engineering, lecture notes, 2004,

## **Интернет сай tlari**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>
3. <http://www.tenouk.com>
4. <http://www.ziyonet.uz>
5. [www.bretagnc.cns-cachan.fr/DIT/People/Claude.Jard/sem\\_13\\_05\\_2003\\_petrenko\\_trans.pdf](http://www.bretagnc.cns-cachan.fr/DIT/People/Claude.Jard/sem_13_05_2003_petrenko_trans.pdf)

## **13- маъруза. Сервисли архитектуралар.**

### **Режа:**

1. Маълумот узатиш интерфейси.
2. Илова интерфейси.
3. Интерфейслар консолидацияси.

**Калит сўзлар:** *параллел интерфейс, Илова интерфейси, консолидация*

Анъанавий ўтказиш қобилияти «параллел интерфейс» (гурухли сигналларда маълумотларни узатиш учун фойдаланилади, сони чекланган қисқача 8, чизиқли маълумотлар ва белгиланган сигналлар яни тактик сигналлар;

Симли интерфейслардан бошлаймиз, униинг имконияти ишончлигига ҳамда химояланган боғлиқликка эга эканлиги ҳамда маълумотларни юқори тезлиқда узатишга мулжалланганлигидадир. Бизга энг тарқалган симли интерфейс бу унивисал шина хисобланади одди йтилда бу USB порт. Хозирги кунда замонавий қурилмалар бу тизимсиз ишламайди. USB-портлар барча ноутбуклар ва тизимли блокларда мавжуд. Бу стандарт USB 1994 йилда яратилган. Биринчи версияси USB 0.7. Охиргиси USB 3.0, тезлиги 4,8 Гбит/с гача етади..



13.1-расм. USB порт



13.2-расм. HDMI порт

Мультимедия маълумотлари учун HDMI дан фойдаланилади. HDMI аудио ва видео сигналларни юқори сифатда ва юқори тезликда жўнатишга мўлжалланган тезлиги 10,2 Гбит/с ва химояланган HDCP.

Бу интерфейс телевизорлардар ва видеокарта хамда DVD плеерларда фойдаланилади. Узунлиги 5 м кабелдан фойдаланилади.

Яна бир юқори тезлик асосида ишловчи интерфейс бу – IEEE 1394, тезлик 100-3200 Мбит/с.



13.3-расм IEEE 1394порт

Энди симмиз интерфейсга ўтамиз. Инфра қизил портдан бошлаймиз еки. Бу энг эски симсиз интерфейс хисобланади. Тезлик 2,4 Кбит/с-16 Мбит/с. мобиъль телефон ва масофавий пультларда фойдаланишади. Масофа 50 см.



13.4-расм Bluetooth симсиз технологияси

Bluetooth технологияси 10 метр (32 фут) масофасида радио түлқинларидан фойдаланиб телефонингизга бошқа мувофиқ келувчи Bluetooth қурилмасига уланиш имконини беради.

Ушбу қурилма Bluetooth 2.0 + EDR Таснифларига жавоб бериб куйидаги ҳолатларни ўллаб қувватлайди: generic access, network access, generic object exchange, advanced audio distribution, audio video remote control, hands-free, headset, object push, file transfer, dial-up networking, SIM access ва serial port. Bluetooth технологиясини қўллаб-қувватловчи бошқа қурилмалар билан бирга ишлашни таъминлаш учун Nokia томонидан ушбу модел учун тасдиқланган



13.5-расм. Wi-Fi технологияси

Wi-Fi технологияси ҳозирги кунга келиб компьютер оламида энг перспектив компьютер тармоқ тармоқларидан бири ҳисобланади. Wi-Fi(Wireless Fidelity) — инглиз тили сўзларидан ташкил топган бўлиб, «симсиз вафолик» маносини англатади. Wi-Fi технологияси деб рақамли ма'lумотларни радиоканаллар орқали жўнатиш турларидан биридир.

Ушбу технология яратилишида аввало корпоратив фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, кабелли тармоқни ўрнини эгаллаши башорат қилинганди. Бизга ма'lумки албатта кабелли тармоқли компьютер тармоғини яратиш учун бир неча минг кабел тармоғини қўлда ўрнатиш ҳамда маҳсус тармоқ топологиясини ўрнатиш талаб қилинишини ҳамма билишлиги аниқ.

Wi-Fi — радиочастоталарнинг қисқартирилган бошқарув частоталарида ишловчи симсиз ма'lумот алмасиниш стандартлаштирилган технологияси. Одатда Wi-Fi тармоғи орқали тармоқлар яратилади. Ушбу тармоқда албатта юқори радиотўлқинлар орқали алоқа ташкил қилинувчи

ҳамда ма'лумот алмашинишини кўриш мумкин бўлади. Бу тизим кабелли тармоқни кенгайиши ёки унга алтернатив сифатида битта офис, бутун бир бино ёки бир майдон территориясида ишлатилади.

Wi-Fi технологияси минглаб кабел тармоғини тушириш каби маблағли жараён учун маблағларингизни тежаш билан бирга, ўрнатишни оддийлиги эса мураккаб техник ўрнатиш жараёнларига вақтни иқтисод қилинишини бу тармоқни бошқа тармоқлардан устун қилиб қўяди. Симсиз тармоқлар радиочастоталардан фойдаланишига сабаб радиотўлқинлар бино ёки умуман оғислардаги девор ёки шунга ўхшаган тўсиқлардан ҳам ўтиб кетаверади ва умуман ҳеч нарса унга тўсиқ бўла олмайди(масофадан ташқари албатта!). Симсиз тармоқлар ўз-ўзидан кабелли тармоқлардан ишончлироқ ҳисобланади. Кўпчилик WLAN тармоқларини диапазони ёки қоплаш майдони 160 метрни ташкил қиласи, бу албатта унинг ё'лидаги тўсиқларнинг қанақалигига ва қанчалигига боғлиқ бўлади. Ушбу тармоқни ишлаш тезлиги кабелли тармоқ билан тенглашashi ҳам мумкин ва ундан бир неча баробар юқори ҳам бўлиши мумкин. Бу албатта қайси стандартидан фойдаланишга ҳам бўглиқ бўлади.

Худди оддий тармоқлар каби WLAN тармоғида ҳам ма'лумотларнинг ўтказувчанлик қобилияти унинг топологиясидан, юкланишидан, юкланиш нуқтасининг масофасига ва шу каби параметрларга боғлиқ бўлади.

Ушбу тармоқни энг қулай томонларидан биринчиси уни осон ўрнатилишида бўлса иккинчиси эса Wi-Fi тармоғини кенгайтиришдаги муаммоларни умуман ё'клиги ёки бошқача қилиб айтганда ушбу тармоқ кенгайиши осон бўлган энг содда тармоқ ҳисобланади десам муболаға бўлмаса керак.

Ушбу WLAN тармогини кенгайтириш учун эса амалий жиҳатдан ёндошиб қараганда янги уланиш нуқталарини яратишнинг ўзигина кифоя. Wi-Fi қурилмасини ёки развёрткасини сотиб олаётган фойдаланувчи ўзини bemalol қуйидаги имкониятларни эгасилигига деб ҳисоблаши мумкин:

## **Назорат саволлари**

1. Маълумот узатиш интерфейсини тушунтиринг?
2. USB интерфейсини тушунтиринг
3. Илова интерфейси тушунтиринг
4. Интерфейслар консолидацияси тушунтиринг.

## **Адабиётлар**

1. Behrouz A. Forouzen. “Data communication and networking”, Mc Graw-Hill Springer, New York 2010.
2. Stephan Rupp, Gerd Siegmund, Telecommunication Software Engineering - Lecture Notes. Edition: V 0.2,20/ <http://www.srupp.de>
3. Kurose, James F., and Ross, Keith W. Computer Networking, 6th ed. Reading, MA: Addison-Wesley, 2012.
4. Jennings, D. M., Lancaster, L. M., Fuchs, I. H., Farber, D. H., and Arison, W. R “Computer Networking for Scientists and Engineers,” Science, vol. 231.
5. David Reilly, Michael Reilly, Java Network Programming and Distributed Computing, Addison-Wesley (ISBN: 0-201-71037-4).

## **Интернет сайтлари**

1. <http://library.tuit.uz>
2. <http://www.intuit.ru>

## 14- маъруза. Сервисли архитектуралар.


### Режа:

1. Терминаллар ва ўрнатилган тизимлар.
2. Клиентлар ва серверлар. GUI структураси.
3. Коммуникациялар структураси.

**Калит сўзлар:** *терминал, ўрнатилган тизимлар, Arduino, тизим структураси*

Ўрнатилган тизимлар кўплаб соҳаларни автоматлаштиришга мўлжалланган, масалан энергетика, металлургия, иссиқлиқ таъминоти ва хакозолар. Бундан ташқари майший техника, телекоммуникация, транспорт ва аерокосмик тизимларда, саноатни автоматлаштиришда кенг қўлланилади. Кўплаб бошқарилувчи тизимлар асосидаги реле-контакт схемалари, аналогли техника ва механик агрегатлар ўз ўринларини дастур ёрдамида бошқарилувчи тизимларга фаол равишда бўшатиб бермоқдалар. Бошқарилувчи тизимларни функциялари ва ишончлилиги ортиши уларни қўллаш соҳаларини кенгайтирмоқда.

### Тизими структураси



14-1.расм. Тизими структураси

Узоклашган терминал — бу марказий компьютердан уни бевосита улаш имкониятини истисно этадиган масофада узоқда жойлашган киритиш-чиқариш қурилмасидир. Терминал компьютер билан маълумотларни узатиш канали ёрдамида боғланади. Терминалдан олинадиган ахборотни

компьютерга бевосита киритиш мумкин. Узокда жойлашган терминаллар сифатида шахсий компьютерлар, терминаллар, телетайплар, маҳсус терминаллар ва абонент пунктларидан фойдаланилади.

Кичик алоқа тизими терминалларнинг марказий компьютер билан ўзаро алоқасини таъминлайдиган ва унга масофадаги терминални бошқариш имконини берадиган дастурни ҳам ўз ичига олади.

### **Структура GUI.**

GUI 4 та асосий қисмдан иборат, улар турли хил вазифаларни бажарадилар:

1. Бошқарув Элементлари ( controls) –BITMAP, BUTTON, RADIO\_BUTTON, STATIC\_TEXT, EDIT\_TEXT, SPEEDOMETER
2. Мулоқот ойнаси (ui) – STATIC\_TEXT ёки PROGRESS\_BAR, (STATIC\_TEXT еки BITMAP) ва тезлик - SPEEDOMETER.
3. Уйинли интерфейс gdf – GuiDeFinition
4. «Движкали» элементлар орасида боғланишни хосил қилиб беради

Ўрнатилган тизимларда лойихалашда энг кўп қўлланиладиган дастурий ва техник таъминот бу Arduino хисобланади. Хўш Arduino ўзи нима? Биринчи микроконтроллерларни пайдо бўлиши микропроцессор техникасини ривожланишини янги даври билан белгиланади. Олдинлари бирор бир микроконтроллер асосидаги қурилмани йиғиш учун схематехника асосини, процессор, қурилмаларни ассемблер тилида дастурлашни билиш талаб этилади. Бундан ташқари программатор, отладка қилиш ва бошқа кўшимча қурилмаларни талаб қиласди. Бундай холатда кўплаб фойдаланувчилар ўз лойихаларида микроконтроллерлардан кўп вақт фойдаланмаганлар. Хозирда хаммаси ўзгарган, яъни қурилмаларни ривожланиши микроконтроллерлар билан ишлашда муҳим материаллар базаси ва кўплаб фанларни билиш каби мезонларсиз ишлаш имкониятларини беради. Мисол учун бундай қурилма италиялик ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган Arduino лойиха хисобланади. Arduino ва унинг клонлари ўзида дастурий таъминот ва тайёр электрон блоклар тўпламини жамлаган. Электрон блок бу ерда микроконтроллер ўрнатилаган печат платаси ва уни ишлаши учун зарур бўлган минимум элементлар. Аниқроғи Ардуино электрон блок замонавий компьютерларни аналогли она платаси хисобланади. Унда ташқи қурилмаларни улаш учун разъёмлар, ҳамда микроконтроллерда дастурлашни амалга оширишда компьютер билан уланувчи разъёмлар мавжуд. Хусусан Atmel фирмасининг Atmega микроконтроллерлари маҳсус программаторлар

учун мос бўлмаган дастурларни ишлаб чиқишида фойдаланилади. Қисқа қилиб айтганда янги электрон курилмани яратишида керак бўладиган нарсалар: Ардуино плата, алоқа учун кабел ва компьютер. Arduino лойихасининг иккинчи қисми бу бошқарувчи дастурни яратиш учун дастурий таъминотдан иборат. У ўзида микроконтроллерлар учун C/C++ ни қамраб олган дастурлаш тили ва оддий лойихалаш воситаларини бирлаштиради. Унга аппарат қисмини ўрганмасдан туриб дастур яратишида фойдаланиладиган элементлар қўшилган. Шундай қилиб Arduino да ишлашда амалий жихатдан фақат C/C++ дастурлаш тили асосларини билиш етарли. Ардуино учун лойиха кўплаб кутубхоналар код таркиби ва турли курилмалар билан ишлашда иборат. Arduino дастурлаш учун ташқи программатор талаб қилмайди, чунки у микроконтроллер юкловчи билан таъминланган (boot loader). Бундан ташқари платада USB-UART кўприги бўлиб бунинг ёрдамида, оддий USB интерфейс орқали скетчни(Arduino да ёзилган код) юклаб олишда фойдаланади. Ардуино учун дастур кодини C++ тили синтаксисида мавжуд Processing/Wiring бажаради. Ёзилган код таркиби ва уни контроллерга юклаш учун очиқ манба Arduino IDE дан фойдаланади. Arduino дастурлашда Wiring да ёзилган кодни дастур C/C++ тилида ўқиб олади, кейин AVR-GCC компиляторга компиляция жарёни бажарилади. Аслида ихтисослаштирилган AVR вариандаги микроконтроллерлар учун C/C++ ишлатилади. Arduino учун дастурнинг базавий структураси камида иккита мажбурий қисмдан таркиб топади: setup() ваloop() функциялари. setup() функцияси- да олдин кутубхоналарни кўшиш, ўзгарувчиларни эълон қилинади.setup() функцияси хар сафар Arduino платаси кайта юклаганда ва манбани улаганда ишлайди. У ишчи портларни режимини ўрнатиш, ўзгарувчиларни инициализациялаш учун ва қолган дастурнинг асосий цикли харакатига тайёргарлик учун фойдаланилади. У албатта хеч қандай харакатни бажармаса хам дастурга қўшилган бўлиши шарт. loop() функцияси такрорланувчи цикл булиб унинг асосига ёзилган буйруқларни кетма-кет бажаради. Бу функция циклик булиб у асосий ишни бажаради. Энди микроконтроллерга тавсифига тўхталиб ўтсак. Микроконтроллер схематехника нуқтаи-назаридан ўзида бир кристал жамловчи, таркибига процессор, опреатив хотира қурилмаси(OXK), дойимий хотира қурилмаси(DХK) ва ташқи қурилмалар интерфейси кирувчи компьютердир. Кўплаб микроконтроллерни турлари мавжуд бўлиб улар процессор типи, хотирани типи ва хажми бўйича, ташқи интерфейслар таркиби ва хаколар билан фарқланади. Энг кенг тарқалган микроконтроллер периферия интерфейслари куйидагилар: - Аналог ва рақамли киритиш/чиқариш портлари (GPIO); - Киритиш-чиқариш интерфейслари-UART, I<sup>2</sup>C, SPI, CAN,

USB, IEEE 1394, Ethernet; - Кенг-импульсli модулятор (PWM); - Ўрнатилган flash-хотира массиви. - Кенг тарқалаган микроконтроллерлар оиласлари ARM, AVR ва PIC бўлиб, улар саноат тизимларини бошқаришда, замонавий маъиший техникаларни ва турли гаджетларда қўлланилади. Хозир ўрнатилган тизимларни ишлаб чиқищдаги З та платформани қўриб чикамиз: Arduino Uno, BeagleBone, RaspberryPi, уларни таққослаб лойиха ишлаб чиқувчиларга ўз тавсияларимизни берамиз. Умумий ҳолатда профессионаллар учун Зта хамма платформаларни тавсия қилиш мумкин.

Arduino учун дастурнинг базавий структураси камида иккита мажбурий қисмдан таркиб топади: setup() ваloop() функциялари. setup() функцияси- да олдин кутубхоналарни кўшиш, ўзгарувчиларни эълон қилинади. setup() функцияси хар сафар Arduino платаси кайта юклаганда ва манбани улаганда ишлайди. У ишчи портларни режимини ўрнатиш, ўзгарувчиларни инициализациялаш учун ва қолган дастурнинг асосий цикли харакатига тайёргарлик учун фойдаланилади. У албатта хеч қандай харакатни бажармаса хам дастурга қўшилган бўлиши шарт. loop() функцияси тақорорланувчи цикл булиб унинг асосига ёзилган буйруқларни кетма-кет бажаради. Бу функция циклик булиб у асосий ишни бажаради. Энди микроконтроллерга тавсифига тўхталиб ўтсак. Микроконтроллер схематехника нуқтаи-назаридан ўзида бир кристал жамловчи, таркибига процессор, опреатив хотира қурилмаси(OXK), дойимиий хотира қурилмаси(ДХК) ва ташқи қурилмалар интерфейси киравчи компьютердир. Кўплаб микроконтроллерни турлари мавжуд бўлиб улар процессор типи, хотирани типи ва хажми бўйича, ташқи интерфейслар таркиби ва хаколар билан фарқланади. Энг кенг тарқалган микроконтроллер периферия интерфейслари куйидагилар: - Аналог ва рақамли киритиш/чиқариш портлари (GPIO); - Киритиш-чиқариш интерфейслари- UART, IC, SPI, CAN, USB, IEEE 1394, Ethernet; - Кенг-импульсli модулятор (PWM); - Ўрнатилган flash-хотира массиви. - Кенг тарқалаган микроконтроллерлар оиласлари ARM, AVR ва PIC бўлиб, улар саноат тизимларини бошқаришда, замонавий маъиший техникаларни ва турли гаджетларда қўлланилади. Хозир ўрнатилган тизимларни ишлаб чиқищдаги З та платформани қўриб чикамиз: Arduino Uno, BeagleBone, RaspberryPi, уларни таққослаб лойиха ишлаб чиқувчиларга ўз тавсияларимизни берамиз. Умумий ҳолатда профессионаллар учун Зта хамма платформаларни тавсия қилиш мумкин.

Arduino – бу етарлича функционал ва ўзгарувчан платформа бўлиб ўрнатилган тизимларни ишлаб чиқища ташқи қурилмалар билан ўзаро боғланишда катта имкониятларни беради. У микроконтроллерларни ўрганиш

учун жуда яхши мос келади ва кичик лойиҳаларни яратишга хизмат қилади. Raspberry Pi – тизимлар учун оптималь танлов бўлиб, интернетга уланиши, график фойдаланувчили интерфейси ва мавжуд дисплейни зарурлиги билан ажрлаиб туради. BeagleBone – бу платформа Arduino ўзгаришларига мослаштирилган, Rapberry Pi процессори платаси унумдорлигига ва Linux операцион тизимдадир(Raspberry Pi га қараганда унумдорлиги юқорироқ). Етарлича сондаги киритиш/чиқариш мавжуд булиб, BeagleBone оддий тармоққа уланиши ва web-сервер сифатида фойдаланишни таъминлайди [4]. Афзалликлари: - Arduino IDE асоси(негизи) AVRGCC дир. Arduino ни ўрганиш сизга C++ ни ўрганишга ёрдам беради. Агарда сизага Arduino учун кайсиdir аниқ юқорисатхли буйруқ ёки кутубхона қаноатлантирумаса, сиз уни аналогик C++ тилига алмаштиришингиз мумкин. - Сиз биргина USB кабел орқали (айрим клонлари учун FTDI) Arduino да қувват билан таъминлаш, дастурлаш ва хабар алмашишингиз мумкин. - Сиз бир неча дақиқада стандарт кутубхоналардан фойдаланиб оддий лойиҳа яратишингиз мумкин. Двигателларни бошқариш, СҚД(LCD) лар ёки етти сегментли индикаторларда маълумот чиақариш ва тугмачалардан сигналларни ўқиб олиш учун стандарт кутубхонлар мавжуд. -Кетма-кет ва SPI интерфейслар алоқаси қойилмақом ўрнатилган. Камчиликлари: - Arduino IDE. Бу notepad.exe дан кейинги турувчи нокулай мухаррир хисобланади. - Юкловчи. лойихани тугатиб Arduino га қўлашда хар бир янги ATmega микроконтроллерида юкловчини қўлда ишлатилиши. У 2Кб хотирани эгаллайди. - Хар хил вариантлари: Расмий моделда 30(32) Кб и 254(256)КБли хотира вариантлари бор, хамда Arduino лойиҳа, Arduino UNO да 466 байтни, Arduino Mega2560 да 666 байт жойни эгаллайди. - Такт частотани ўзгаришишни оддий усули йуқлиги. 3,3В/8МГц даги модел бемалол 12 МГц частотада ишлай олади. - digitalWrite() 56 циклни бажариш учун фойдаланилади. Arduino вақтга боғлиқ иловалар учун нокулайдир. - Сиз кетма-кет аппарат қисмлари учун стандарт кутубхоналарни осонлик билан ажратиб қўйишишингиз мумкин. - Хамда Arduino микроконтроллер архитектурасидаги регистрлар, узилишлар ва таймерлар каби мухим аспектларни яширади

## **Назорат саволлари**

1. Терминалларга мисол келтиринг
2. Ўрнатилган тизимларни тушунтиринг.
3. Клиентлар ва серверлар
4. GUI структураси.
5. Коммуникациялар структураси

## **Адабиётлар**

1. A. Petrenko, Introduction to the theory of experiments on finite state machines, lecture notes, 2003, [www.bretagnec.cnscachan.fr/DIT/People/Claude.Jard/sem\\_13\\_05\\_2003\\_petrenko\\_trans.pdf](http://www.bretagnec.cnscachan.fr/DIT/People/Claude.Jard/sem_13_05_2003_petrenko_trans.pdf)
2. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы технологии. Протоколы // Учебник для вузов. 4-е изд. СПб.: Питер, 2010.
3. Tanenbaum, Andrew S. Computer Networks, 5th ed. Upper Saddic River, NJ: Prentice Hall, 2011.

## **15- маъруза. Сервисли архитектуралар.**

### **Режа:**

1. Сервислар учун инженерия усуллари.
2. UML асосида сервислар инженерияси.
3. UML диаграммалар.

**Калит сўзлар:** *Uml (Uniform Modeling Language), Диаграмма, Componentdiagram, Objectdiagram, Packagediagram, Activitydiagram, Statemachine*

### **UML Унификацияланган моделлаш тили —.**

Унификациянинг (лотинчадан: ягона тартибга, формага келтириш)-бу объектни иқтисодий қўлланилиши ма'лумотлари асосида бир хил функцияда бажарадиган объектларни белгиланган қўрсаткичлари бўйича бир хилликка келтиришдир. Шундай қилиб, унификацияда энг минимал, керакли, буюмларни етарли сонли, хиллари, турлари, ўлчамлари, шунингдек юқори сифат қўрсаткичлари ва тўла ўзаро алмашинуви та'минланиши белгилаб берилади.

**UML (Uniform Modeling Language)** визуал моделлаштириш тили бўлиб, тизимлаш архитекторларига тизим қай даражада стандарт ва тушуниш учун осон шаклга эга экани ҳақидаги ўз тасаввурларини намоён этишга имкон беради.

### **Атамалар**

**Диаграмма** — элементлар ва улар ўртасидаги боғланишларнинг график тасвири.

**Тизим** — қўйилган вазифанинг бажарилишини таъминлайдиган дастурий ва аппарат воситалар комбинатсияси.


**Тизимни ишлаб чиқиши** деганда уни мижоз учун, яъни бирор бир муаммони ҳал қилиши лозим бўлган инсон учун яратиш жараёни тушунилади

**Аналитик** муайян муаммо тавсифи берилган ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда уларни ишлаб чиқувчилар — дастурчиларга беради. Дастурчилар талаб қилинаётган масала йечими учун дастурий таъминот тайёрлайди ҳамда унинг аппарат воситаларида ёйилишини кафолатлади.




Тасаввурдаги тизимни ифодалаб бериш тизим устида ишлаш жараёнининг ғоят муҳим босқичидир. Аввал таҳлил «бармоқда санаб», яъни

таваккалчилик асосида ўтказилар эди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқишнинг ҳал қилувчи босқичи бу пухта ишланган режадир. Ўз навбатида, режа ҳам мижоз талаблари таҳлил қилиб чиқилгач, тузилиши керак. Лойиҳалаш жараёнининг муҳим жиҳати бу жараённи тўғри ташкил қилишдир. Бунда тизимни ишлаб чиқища иштирок этаётган аналитиклар, мижозлар, дастурчилар ва бошқа мутахассислар бир-бирини тушуниб, умумий фикрга кела олишлари талаб қилинади.

### Диаграмма компонентлар (Componentdiagram)



### **Мисол**



### **Диаграмма объектов**

Диаграмма объект (Objectdiagram) — тизим ишлаб турган вактда тзимнинг молелларининг қисмини еки тулик қисмини демонстрация қиласди

### **Диаграмма пакетов**

Диаграмма пакетов (Packagediagram) — структураланган диаграмма,

## **Диаграмма фаолияти**

Диаграмма фаолияти (Activitydiagram) — бир қанча фаолияттарни аниклаб беришга хизмат қилади.

Диаграмма автомата (StateMachinediagram, англ. *Statemachine*) — Аналогом

Диаграмма коммуникации (Communicationdiagram, в UML 1.x — *диаграмма кооперации, collaborationdiagram*) —

## **Назорат саволлари**

1. Сервислар учун инженерия усулларини тушунтириинг.
2. UML асосида сервислар инженерияси тушунтириинг.
3. UML диаграммаларни тушунтириинг.

## **Адабиётлар**

1. Douglas E. Comer, David L. Stevens. Internet working with TCP/IP Design, Implementations and Internals. UIP. 2006
2. Beej's Guide to Network Programming. Using Internet Sockets. Brian Beej Jorgensen. 1st edition. 2009
3. Beej's Guide to Network Programming Using Internet Sockets Brian Beej Hall. 2nd edition. 2011
10. А.А. Дубаков. «Сетевое программирование». Учебное пособие. Санкт-Петербург. 2013

## **16- маъруза. Сервислар ва иловалар учун хавфсизлик тамойиллари.**

### **Режа:**

1. IPнинг умумий хавфсизлик масалалари.
2. Қурилма ва тармоқ хавфсизлиги таъминоти.
3. Sandbox ва Middleware.

**Калит сўзлар:** *IP адрес, IPv4, IPv6, Ласол IP, виртуал адрес, stealing passwords, social engineering*

IP адрес (ўқилиши (ай-пи адрес) инглизча **Интернет Протосол**-  
Қурилманинг тармоқдаги такрорланмас виртуал адресидир. Интернет ва  
лосал тармоғидаги қурилмалар бир бири билан ИП протоколи орқали бир  
бирини IP адресларига маълумот жунатиш орқали алоқа қилишади. Бу  
алоқанинг ўзига яраша қонун қоидалари бор ва шу қонун қоида асосида бир  
IP адрес иккинчи IP адресга хабар(пакет) жўнатади ва шу қонун қоида  
**протокол** дейилади.

Бу такрорланмас IP адрес қурилмада (компьютер/роутер(маршрут)/..) эмас  
балки тармоқ интерфейсида бўлади. IP адресларнинг хозирда икки авлоди  
мавжуд.

**1. IPv4** (Интернет пртосолининг тўртинчи авлоди).

**2. IPv6** (Интернет пртосолининг олтинчи авлоди).

**IPv4** адрес **32** битдан ташкил топган бўлади. Битлар иккилик саноқ тизимида  
**0** ва **1** ларни ифодалайди. Демак IP адрес 32 та 0 ва 1 ларнинг кетма-  
кетлигидан ташкил топган бўлади. Иккилик кўринишда **11111111 11111111**  
**11111111 00000000** бундай кўринишда ёзилади. Биз учун бундай холатда  
ўқиши қийинчилик ва тармоқда чалкашлик хосил қиласди яъни эслаб қолиш  
ёки бирон бир сонни нотўғри киргазиш. Ўзимиз учун қулай бўлиши учун  
ўнлик саноқ тизимига ўтказиб фойдаланамиз.

32 битлик адреслар схемасида **4 млрд** дан ортиқ IP ларни тузуш мумкин.

**IPv6**— янги авлод ҳисобланиб, IPv4 дан фарқли равишда кенг имкониятга  
эга. IPv6 **128** бит дан ташкил топган бўлади. IPv6 нинг кўриниши қўйидагича  
**fe80:0:0:200:f8ff:fe21:67cf**. Адреслар икки нуқта билан ажратилади.  
Бу IP адреслар фасебоок.com ва шунга ўхшаш машхур сайтларга ўрнатилган.  
Биз адресларни ўнлик саноқ тизимида ишлатганимиз билан тармоқ  
интерфейслари IP адресни иккилик кўриниши билан ишлайди. Шунда IP  
адреснинг ҳар-бири 8 битдан иборат бўлган тўртта **октетлардан** ташкил  
топган сонлар тўплами бўлади. Ундаги ҳар-бир бит ўз қийматига эга бўлади.  
IP адрес киритилишини қўйидаги турлари мавжуд

## **1.Статис**

### **2.Динамис**

Статис IP адреслар фойдаланувчига ўзгармас IP адрес беради. Масалан сайт ёки бирон бир сервер ва ҳакозоларнинг эгаси бўлсангиз.

Динамис IP адреслар эса ўзгарувчан IP адреслар дегани. Бу дегани IP адресларни бошқа компьютерники билан бир хил бўлиб қолишидан химоялади. Чуқурроқ кирадиган бўлсак, масалан интернет правайдерининг 4000 та фойдаланувчиси бор, лекин реал вақтда 1000та фойдаланувчи ишлади. Демак 1000 та IP адрес етади дегани ва тармоқ администраторининг вазифасини енгиллаштиради. Динамис IP адрес бир мартда берилади компьютернинг тармоққа қайта кирганда унга янги IP адрес берилади. Бу дегани, тармоққа уланган ҳар бир компьютер, қайта уланишни амалга оширганда, ҳар гал ҳар хил IP адрес олади.

IP адреслар тармоқда фойдаланишига кўра икки хил булади.

**1. глобал** (реал, белий, оқ)

**2. лосал** (серий)

Ласол IP адреслар глобал тармоқда ишлатилмайди ва бу IP адресларга глобал IP адрес орқали кириб бўлмайди ва хафсизлик тамилланади. Қуйида локал адресларнинг рўйхати келтирилган, улар чеклангандир.

10.0.0.0 — 10.255.255.255,

172.16.0.0 — 172.31.255.255,

192.168.0.0 — 192.168.255.255

127.0.0.0 – 127.255.255.255

Корпоратив тармоқларда эшелон химоянинг асосий элементларидан бири тармоқлараро экрандир. Бундан ташқари тармоқлараро экран ички ва ташқи периметрларнинг биринчи химоя қурилмаси ҳисобланади. Тармоқлараро экран (ТЭ) локал (бир компонентли) ёки функционал тақсимланган восита (комплекс) бўлиб, у АКТларида киравчи ва чиқувчи маълумотларни бошқаради ва маълумотларни фильтрлаш орқали АКТ химоясини таъминлайди, белгиланган мезонлар асосида ахборот текширувани амалга ошириб, ахборотлар тарқалишида қарор қабул қиласди. ТЭ тармоқдан ўтувчи барча пакетларни кўради ва иккала (кириш, чиқиш) йўналиш бўйича пакетларни белгиланган қоидалар асосида текшириб уларга рухсат бериш ёки бермасликни ҳал қиласди. Шунингдек, ТЭ икки тармоқ орасидаги

химояни амалга оширади, яъни химояланаётган тармоқни очик ташқи тармоқдан химоялайди.


Хужумларни қуидаги 7 та категорияга ажратиш мумкин (Model of Cheswick and Bellovin)

1. Паролларни ўғирлаш (stealing passwords) — фойдаланувчилар паролларини ўғирлаб олиш методлари;
2. Социал инженерия (social engineering) — Фойдаланиш чегараланган ёки керакли ахборотни олиш учун қонуний фойдаланувчиларга нисбатан бир қанча психологик ҳаракатлардан фойдаланиш;
3. Хатоликлар ва маълумотлар чиқиб кетишининг бошқа йўллари (bugs and backdoors) — тизим ҳолати хақида маълумот йиғиши, нотўғри танланган спецификация, ёки дастурий таъминот компонентини қалбакилаштириш;
4. Аутентификация тизимини бузилиши (authentication failures) — аутентификация жараёнида фойдаланиладиган механизmlарни бузиш ва ўчириб юбориш;
5. Протоколлардаги хатоликлар (protocol failures) — протоколларни ёки ёмон лойихаланган ёки қўлланилиши нотўғри амалга оширилган;
6. Маълумот чиқиб кетиши (information leakage) — администраторлар томонидан тизим функционаллаги хақида маълумот олиш учун зарур бўлган, лекин хужумчи фойдалана оладиган finder ва DNS каби тизимлар;
7. Хизмат кўрсатишдан воз кечиши (denial-of-service) — Фойдаланувчиларнинг хизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйишига қаратилган ҳаракатлар.

Столингс хавфсизлик таҳдидларини классификацияловчи оддий модел яратган. Модель учун объектлар ўртасида маълумот узатилиши асос қилиб олинган. Столлингс хужумларни 4хил тоифага бўлган.


- Маълумот оқимини узиб қўйиши— тизим объекти бузилган ёки мавжуд эмас.
- Маълумот оқимини ўғирлаш — авторизациядан ўтмаган субъект(объект) объектга нисбатан рухсат олган.
- Маълумот оқимини ўзгартириши— авторизациядан ўтмаган субъект(объект) объектга нафақат рухсат олди балки уни ўзгартирди ҳам.
- Маълумот оқимини қалбакилаштириш— авторизациядан ўтмаган субъект(объект) тизимга қалбаки объект жойлаштириди.
- Ушбу классификацияни хизмат кўрсатишдан бош тортиш хужуми билан тўлдириш мумкин(Масалан: Маълумот оқимини тўлиб тошиши).

Middleware – бу дастурий таъминот. Корпоратив иловалар ва компанентларнинг ўзаро боғланиши хосил қиласди. Middleware бу қатлам




Middleware бу инфраструктура, бизнес иловаларни ташкил қилишда ёрдам беради. Middleware ўзининг хафвсизлиги билан ажралиб туради.

Middleware Web-серверларни амалга оширади, сервер иловаси, контентларни бошқариш (CMS),



16.2-расм. Middleware функциялари

**Sandbox** — редактор поғонаси, 3 ўлчовли тизимларни модификация қиласы.



16.3-расм. Редактор карт Sandbox

IPSec – маълумотларни узатиш поғонасидги протокол хисобланади

IPSec асосан хавфсизлик далирасида амалга оширилади.:

1. **конфиденциал** (Confidentiality),
2. **Бутунлик** (Integrity),
3. **идентификация** (Authentification)и
4. **фиксация авторства** ( Non-Repudiation).

### **Назорат саволлари**

1. IP тушунчасини тушунтириб беринг
2. IP нинг умумий хавфсизлик масалалари хакида малумот беринг.
3. Курилма ва тармоқ хавфсизлиги таъминоти.
4. Sandbox ва Middleware

### **Адабиётлар**

1. Behrouz A. Forouzen. “Data communication and networking”, Mc Graw-Hill Springer, New York 2010.
2. Stephan Rupp, Gerd Siegmund, Telecommunication Software Engineering - Lecture Notes. Edition: V 0.2,20/ <http://www.srupp.de>
3. G.J. Holzmann, Design and validation of computer protocols, Chapter 8-11, Prentice-Hall, 1991, ISBN 0-13-539925-4, <http://www.spinroot.com/spin/Doc/Book91.html>
4. Stallings, William. Data and Computer Communications, 8th ed. Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall, 2010.

### **Интернет адабиётлари**

1. <http://www.networkingprogramming.com/>
2. <http://www.tenouk.com/>
3. <http://www.ibm.com>
4. <https://books.google.com>
5. [https://en.wikipedia.org/wiki/Network\\_socket](https://en.wikipedia.org/wiki/Network_socket)
6. <https://stackoverflow.com>


## 17- маъруза. Вебга асосланган архитектуралар.

### Режа:

1. Вебга асосланган архитектуралар.
2. Сервислар учун анъанавий архитектуралар: ДТни лойиҳалаш

**Калит сўзлар:** *веб сервер, Браузер, Web дастурлаш, Протокол веб-сервис, XML-RPC*


Маълумки, юқори даражадаги дастурлаш тилларида ёзилган дастурларни компьютерга тушунтириш учун компилятор деган қўшимча дастур керак бўлади. Web дастурлашда ҳам худди шундай жараён содир бўлади. Сиз интернетдаги сайтларни кўришлиқ учун ишлатадиганингиз Браузерлар - web дастурлаш тилларининг базиларини компилятори хисобланади.



17.1-расм. сервер

Web дастурлашда яна шундай тиллар ҳам борки уларни броузер компьютерга таржима қилиб тушунтириб бера олмайди, лекин бундай тиллар Web сайтни асосини ташкил этади. Ана шундай тилларни броузер тушунадиган қилиб бериш учун ҳам Web сервер га ўхшаган дастурлар (компилятор ёки интерпретаторлар) тўплами керак бўлади. Бундай дастурлар эса сайт жойлашган серверларда туради, қачонки унга сўров юборганингизда (исталган бирор ссылкани босганингизда, биринчи марта сайтни очганингизда ва хоказо...) шу сайт жойлашган сервердаги Web сервер дастурлари сизнинг браузерингизга сайтни браузер тушунмайдиган тилларда

ёзилган жойларини таржима қилиб жўнатади. Шундай қилиб клиент - яни сиз томондаги Web сайтни кодларини компьютерингизга тушунтириб берадиган таржимон бу - Браузер, сервер томонидаги Web сайтни сизнинг браузерингиз тушунмайдиган жойларини унга таржима қилиб жўнатадиган таржимон бу Web Сервер ҳисобланади. Куйида Web серверни тузилишига мисол келтирдик: Бу ерда Клиент яни сиз томонда сизнинг Браузер ва у тушунадиган Web дастурлаш тиллари (HTML,SSS,Жава Скрипт) турган бўлса, сервер томонда Апаче -> Web сервер, PHP -> PHP тили учун интерпретатор ва маълумотлар омбори билан ишлаш учун восита (бу MySQL, Орасле ва бошқалар бўлиши мумкин) турибди. Бундан ташқари сервер томонида яна бошқа тиллар ҳам бўлиши мумкин. Ҳуллас, сиз қачонки браузердан керакли сайт номини киритганингизда бу сўровингиз ДНС сервердан сайтга мос ИП бўйича керакли серверга боради, сўровингиз Браузерда киритилгани учун ҳам кўпинча стандарт ХТТП протоколи бўйича юборилгани учун уни Web сервер кутиб олади ва сўровингизга мос папкадан индех файлни қидириб топади. Ундаги bog'ланишлардан келиб чиқиб керакли файлларни юклайди, бу файлларни кенгайтмасига қарайди, агар кенгайтмаси .HTML бўлса уни шундок, акс ҳолда масалан .PHP бўлса PHP сервердаги интерпретатор орқали браузер тушунадиган тилга таржима қилдиради(шуни ичида маълумотлар базасидан ҳам керакли маълумотлар юклаб олинади) ва натижани сизни браузерингизга жўнатади. Браузерингиз ўзи тушунадиган тилда келган сайт кодларини натижасини экранингизда сизга кўрсатиб беради ва сиз тайёр сайтни кўрасиз. Демак, агар Web дастурлаш билан шуг'улланаман дейдиган бўлсангиз, минимум: HTML,SSS,Java Script, PHP,MySQL ларни билишингиз керак экан. бунда HTML-> Сайт каркасини ясади, SSS-> сайтни пардозини(дизайнини) амалга оширади, Java Script -> сайтни динамикаси(ҳарактларини) таъминлайди, PHP -> сайтни мантиқий амалларини бажаради(масалан сиз логин бўлганмисиз, ёки ё'қми, логин бўлган бўлсангиз сизда нималар чиқади, акс ҳолда нималар...), MySQ -> PHP билан ҳамкорликда сайтга маълумотлар базасидан маълумотларни ўқиб олиш, ёзиш, ўзгартириш учун хизмат қиласи...



17.2-расм. Концепция веб-сервис

- SOAP (Simple ObjectAccessProtocol) — веб сервисдан маълумотларни узатиш;
- WSDL (WebServicesDescriptionLanguage) — ташки веб хизматларни ёзиш тили;
- UDDI (UniversalDiscovery, DescriptionandIntegration) — универсал интерфейс.



17.3-расм. Протокол веб-сервис

Мисол SOAP:

```

<env:Envelope xmlns:env="http://www.w3.org/2003/05/soap-envelope">
<env:Header>
<n:alertcontrol xmlns:n="http://example.org/alertcontrol">
<n:priority>1</n:priority>
<n:expires>2001-06-22T14:00:00-05:00</n:expires>
</n:alertcontrol>

```

```
</env:Header>  
<env:Body>  
<m:alert xmlns:m="http://example.org/alert">  
<m:msg>Get up at 6:30 AM</m:msg>  
</m:alert>  
</env:Body>  
</env:Envelope>
```

## XML-RPC

XML-RPC — веб-сервис учун жуда хам осон ва сифатли хизмат курсатиш протоколи.



17.5-расм. Концепция XML-RPC

## WSDL

Беб сервис ёзиш тили (*Web services Description Language*, WSDL)

Мисол WSDL

```
<message name="getTermRequest">  
  <part name="term" type="xs:string"/>  
</message>  
  
<message name="getTermResponse">  
  <part name="value" type="xs:string"/>  
</message>  
  
<portType name="glossaryTerms">  
  <operation name="getTerm">  
    <input message="getTermRequest"/>  
    <output message="getTermResponse"/>  
  </operation>  
</portType>
```




Рис. 3. Структура протокола WSDL

## Назорат саволлари

1. Вебга асосланган архитектураларни тушунтиринг.
2. Веб сервис Концепциясини тушунтиринг

## Адабиётлар

1. Douglas E. Comer, David L. Stevens. Internet working with TCP/IP client-server programming and applications. 2006
2. Beej's Guide to Network Programming. Using Internet Sockets. Brian Beej Jorgensen. 1st edition. 2009
3. Хелд Г. Технологии передачи данных. 7-е изд, -СПб Питер, К.: Изд. Группа BHV, 2003.
4. TCP/IP Sockets in Java, 2nd Edition, by Kenneth Calvert, and Michad Donahoo, Morgan Kaufmann, 2008 (ISBN: 978-0-12-374255-1) - key sockets programming techniques; an introduction to NIO.
5. W. Richard Stevens, TCP/IP Illustrated, Volume 1: The Protocols, Addison-Wesley, 1994 (ISBN: 0201633469).

## 18- маъруза . Вебга асосланган архитектуралар.

### Режа:

1. Веб-сервислар ва тақсимланган ҳисоблашларни дастурлаш асослари.
2. ДТ ишлаб чиқиш этаплари
3. Web-клиент. Архитектураси

**Калит сўзлар:** *Web-сервислар, UDDI. Тақсимланган ҳисоблаш тизимлари, SOA, Web-клиент*

Web-сервислар —тақсимланган ҳисоблаш тизимлари учун энг таниқли парадигма ҳисобланади. Web-сервислар ишлаб чиқаришда жуда хам мухим рол ўйнайди. Веб сервислар йўналиши уларнинг ривожланишини белгилаб беради.


Тақсимланган ҳисоблаш сервисларни бошқариш

Тақсимланган ҳисоблаш тизимлари бошқариш юқори малака талаб этади. Тизим администратори каби сифатли хизмат кўрсатишни талаб этади. Бундай жараён дастурлашни, инструментларни, утилиталарни талаб этади.

Web-сервисларни қидириш учун маҳсус реестрлардан фойдаланилади. Мисол учун UDDI. Бу икки кисмдан иборат UDDI ва DISCO UDDI.


DISCO браузер орқали эркин қидиувни амалга ошириш учун ишлатилади. Реестр UDDI – марказлашган маълумотларни сақлаш учун ишлатилади

Web-сервисларга GET, HTTP POST, HTTP SOAP протоколи ёрдамини мурожаат килиш мумкин булади.



18.1-расм. Компонент архитектура SOA


Стек технологияси




18.2-расм. Стек технологияли веб-сервис архитектураси

Дастурий таъминотни ишлаб чиқариш учун махсус кодлардан фойдалананилади. ДТ ишлаб чиқиши этаплари:


1. Талабни ўрганиш ва анализ қилиш
2. Дастурий таъминот дизайнни
3. Разработка
4. Ишлаб чиқиш
5. Тугатиш ва тақдим этиш
6. Хизмат кўрсатиш




18.4-расм. Сервис реестр




18.5-расм. Оддий Web-клиент. архитектураси схемаси




18.6-расм. Мантиқий Web-клиент. архитектураси схемаси




18.7-расм. Кенгайтирилган Web-клиент. архитектураси схемаси




18.9-расм. Етказиб берииш Web-дастур. архитектураси схемаси



**18.10-расм. Веб сахифасини күриб чиқиш**



**18.11-расм. Web-Servicesларга кириш**



**18.12-расм. Web-Serviceлардан фойдаланиш**

## **Назорат саволлари**

- Веб-сервислар тушунтиринг .  
2. ДТ ишлаб чиқиш этаплари  
3. Web-клиент. Архитектураси

## **Адабиётлар**

1. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы технологии. Протоколы // Учебник для вузов. 4-е изд. СПб.: Питер, 2010.
2. Tanenbaum, Andrew S. Computer Networks, 5th ed. Upper Saddic River, NJ: Prentice Hall, 2011.
3. Kurose, James F., and Ross, Keith W. Computer Networking, 6th ed. Reading, MA: Addison-Wesley, 2012.
4. Jennings, D. M., Lancaster, L. M., Fuchs, I. H., Farber, D. H., and Arison, W. R “Computer Networking for Scientists and Engineers,” Science, vol. 231.
5. David Reilly, Michael Reilly, Java Network Programming and Distributed Computing, Addison-Wesley (ISBN: 0-201-71037-4).

## **Интернет сайtlари**

3. <http://library.tuit.uz>
4. <http://www.intuit.ru>
5. <http://www.tenouk.com>
6. <http://www.ziyonet.uz>

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1 – амалий машғулот: Маълумот узатиш ва тармоқлаш асослари. Коммуникация тизимларининг дастурий модели.**

**Ишдан мақсад:** Маълумот узатиш ва тармоқлаш асослари ҳамда коммуникация тизимларининг дастурий модели тўғрисида кўникмалар хосил қилиш.

#### **Назарий маълумотлар.**

**Коммутация** – сигналларни узатиш (траспортировкалаш) учун зарур бўлган вақтда функционал бирликларни, узатиш каналлари ёки алоқа каналларини кетма-кет уланишини барпо этиш жараёнидир.

**Каналлар коммутацияси** - бунда тармоқдаги исталган абонент пунктлари жуфтликлари орасида тўғридан-тўғри канал ташкил этиш учун тармоқнинг турли участкаларида каналларни вақтинча боғланиш усулидир.

Каналлар коммутацияси (КК) одатда аналогли ёки битта тезликли рақамли алоқа тармоқларида қўлланилади. Бундай тармоқларда тармоқ ресурсининг статик тақсимоти амалга оширилади ёки ахборотни узатиш учун ажратилган қайдланган ўтказиш полосаси қўлланилади. Бу ҳолда ахборотни кечикиши минимал бўлади ва факат боғланишни ўрнатилиш вақти билан белгиланади.

**Пакетлар коммутацияси** - бу коммутация усули бўлиб, унда хабар маълум форматдаги қисмларга - пакетларга бўлинади, улар хабарлар коммутацияси учун қабул қилинган принцип бўйича мустақил хабарлардек қабул қилинади, йифилади ва узатилади. Ҳар бир пакетга хабарнинг манзили берилади, бир қатор ҳолларда эса маълум хабарга тегишли белгиси ва унинг тартиб рақами берилади. Агар битта хабарнинг барча пакетлари ягона йўл бўйича (битта виртуал канал бўйича) узатилса, у холдаги коммутация режими *виртуал* режим, агар ҳар бир пакет мустақил йўл бўйича узатилса унда - *дейтаграмма* режими дейилади.

Пакетли коммутация усули компьютер трафикларини самарали узатиш учун маҳсус ишлаб чиқилган. Тармоқ орқали барча фойдаланувчиларга узатиладиган пакетлар пакетли коммутацияда биринчи тугуннинг ўзида пакет, ячейка ёки кадрлар деб аталадиган бир неча қисмларга ажратилади (4 - расм). Ҳар бир пакет қабул қилиб олувчи тугун

манзил кўрсатилган сарловҳалар билан таъминланган бўлади. Ҳар бир пакетда мавжуд манзил ҳар бир пакет бошқа ахборот оқими пакетидан боғлиқ бўлмаган ҳолда коммутацияланиб қайта ишланиши пакетли коммутациянинг муҳим хусусиятларидан биридир. Пакетда сарловҳадан ташқари яна битта одатда пакет охирига жойлаштириладиган майдони бўлади ва шу сабабли тугатувчи деб аталади. Тугатувчидаги тармоқ орқали узатишда хатолик бўлган ёки бўлмаганлигини текширишга ёрдам берадиган назорат суммаси жойлаштирилади.

Пакетлар олдиндан заҳираланмаган алоқа линияси ва тезлиги белгиланмаган тармоқга келиб тушади, яъни бу ерда хам каналли коммутация каби унинг манбаи генерацияланади. Пакетли коммутация тармоғи каналли коммутация тармоғидан фарқи охирги тугунда ҳар доим пакетни қабул қилиб олишга тайёр эканлиги билан ажралиб туради.

Тармоқнинг узатиш йўллари тиқилиб қолмаслиги учун TCP протоколи катта хажмли маълумотларни кичик қисмларга бўлиб, алоҳида пакетларда узатади. Ҳар бир пакет интернетда IP протокол хизмати ёрдамида алоҳида саёҳат қиласи. Пакетлар манзилга етгач, TCP протоколи бўлинган маълумотни йиғади ва бошланғич холатига келтиради. Агар қандайдир пакет манзилга етиб келмаса, TCP протокол уни такроран жўнатишни талаб етади, тики маълумот бутун етиб келмагунгача. Шунинг учун TCP/IP ишончли протокол деб айтилади.

### **Назорат саволлари**

1. Коммутация тушунчасинига таъриф беринг.
2. Каналлар коммутацияси деганда нимани тушинасиз?
3. Пакетлар коммутацияси деганда нимани тушинасиз?
4. Тармоқни дастурлаш протоколлари қайсилар?

### **Адабиетлар:**

6. Хелд Г. Технологии передачи данных. 7-е изд. -СПб Питер, К.: Изд. Группа ВНВ, 2003
7. Крук Б.И. Телекоммуникационные системы и сети. Современные технологии. М: Горячая линия – Телеком, 2003 год
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)


## **2 – амалий машғулот: TCP/IP протоколлар стеки ва унинг дастурлашдаги аҳамияти.**

**Ишдан мақсад:** TCP/IP модели поғоналари билан танишиш ва унинг дастурлашдаги аҳамияти. UDP , FTP, SMTP, Telnet, HTTP протоколлар вазиаларини ўрганиб чиқиши.

### **Назарий маълумотлар.**

